

7/07)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

## “Маданий - маърифий фаолият асослари”

(Бакалавриатнинг 5810400 - Ижтимоий-маданий  
фаолият талабалари учун ўқув кўлланма)

2024.23.7

Тошкент - 2007.  
ООО “Маъсулиятли матбаа”

© М.Ч.Ж. "Маъсулиятли матбаа" 2007

Мазкур ўқув кўлланма маданий-маърифий соҳа тарихи, пазарияси ва услубистига сид бўлиб, унда аждодларимизнинг маданий-маърифий тарихи, оиласалари, шундаки замонавий маданий-маърифий фаолият назарияси, илмий асослари, мазмун ва шакллари, асосий соҳалари хамда маданий-маърифий фаолият услубиети борасида билимлар берилган.

Тузувчи: Ш.Х.Алимова

Мухаррир: социология фанлари доктори, профессор М.Б Бекмуродов

Лакризчилар: фил. ф.н. М.Х.Рашидова, фил. ф.н. Ю.Турсунов,  
Р.Қ.Юсупова

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
Олий ўқув юртларабо мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2007-йил 9-  
февралидаги 25-сонли қарорига биноан тавсия этилган.

## КИРИШ.

Маданий-маърифий фаолият – ахолини маънавий камол топтириш, маънавий савиисиги ошириш, билимини ўстириш, дунёкарашини кенгайтириш, ижодий кобилиятларини ривожлантириш, бўш вактини самарали ўтказишга кўмак берадиган ишлар мажмуасидир. Маданий-маърифий фаолият билан мафкура, маънавият, маданият, маърифат, тарбия, ижодга алокадор бўлган барча ташкилотлаш машғул бўлишади. Шунинг учун маданий-маърифий муассаса ходими маданий-маърифий фаолият асосларини яхши билмоги лозим. Шу сабабли Тошкент Давлат маданият институти талабалари ўқув ресжасига «Маданий-маърифий фаолият асослари» номли фан киритилган.

Фаннинг асосий мақсади талабаларга маданий-маърифий соҳа тарихи, назарияси ва услубиётига оид билимлар бериш ҳамда маданият ходимларининг мутахассислиги учун билимлар пойдеворини яратишга кўмаклашишдан иборатdir.

Фаннинг асосий вазифалари:

- талабаларни маданий-маърифий соҳа тарихи, аждодларимизининг тажрибалари, анъаналари билан таништириш;
- талабаларга замонавий маданий-маърифий фаолият назарияси, илмий асослари, мазмуни, шакллари, тизими, асосий соҳалари, маданият муассасаларига оид билимлар бериш;
- талабаларда маданий-маърифий фаолият методикаси (услублари, шакллари ва воситалари) борасида қўникма асосларини хосил қилиш.

Мазкур фан тарих, фалсафа, маданиятшунослик, этика, эстетика, педагогика, психология, диншунослик, санъатшунослик каби умумтаълим предметлари билан узвий боғланиб, барча ихтисослик предметлари учун ўзига хос билимлар пойдевори сифатида хизмат килади.

«Маданий-маърифий фаолият асослари» фани З қисмдан иборат:

**I қисм:** «Маданий-маърифий фаолият тарихи» деб номланиб, у маданият ва маърифат соҳаси генезиси, эволюцияси, турли даврларга ҳос шаюллари, тарихий-маданий масканлар фаолияти, ҳалқ маданияти анъаналаринин ривожланишига бағишлиланади.

**II қисм;** «Маданий-маърифий фаолият назарияси» деб номланиб, маънавий-маърифий соҳанинг назарий асослари, асосий йўналишлари, моҳияти, хусусиятлари, вазифалари, тамойиллари ҳамда маданий-маърифий муассасалар тизими ва фаолиятига бағишлиланади.

**III қисм;** «Маданий-маърифий фаолият услубиёти» деб номланади, фуқароларни маънавий камол топтириш мақсадида, уларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини равнак эттириш учун қўлланиладиган восита, усул (метод) ва шакиллар тизими ва улардан фойдаланиш йўлларига бағишлиланади.

## I. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ ТАРИХИ

### 1.1. ҚАДИМИЙ ДАВРДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ, УНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Археолог, тарихчи, этнографлар, санъатшунослар берган маълумотларга қараганда, маданий – маърифий фаолият энг қадимги даврларда ёк пайдо бўлған ва ибтидоий одамлар хаётида муҳим роль ўйнаган. Масалан, слимларнииг қайл килишларича: “...байрамларнинг, чуқур илдизлари инсониятнинг гўдаклик даврига бориб тақалади” ёки “байрам –инсоният маданиятининг бошлангич шаклидир”, деб таъкидлаганлар.

Маълумки, инсон ўз меҳнати туфайли ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққач, яшаш учун кураш жараённида қанчалик онгли меҳнат қилса, у шунча муваффакиятларга эришган. Кураш ва меҳнатда эришилган маваффакиятлар эса хурсандчиликни вужудга келтирган. Бу жараён ибтидоий одамлар овчилик билан кун кураётган даврларда яққол содир бўла бошлаган, чунки археологик казилмалар ва ғорлардан, шунингдек, Сурхондарё вилоятининг Шеробод воҳасидаги Зарутсой дарасининг иккала томонида чизилган рангли суратларда қадимги даврда яшаган ибтидоий одамлар томонидан чизилган примитив суратларда асосан хайвонлар, ов қилиш, овчилар рақси (баззан хайвонлар никобида) каби тасвирлар қадимги одамларнинг ўз меҳнати ови натижасини тантана қилғанларидан далолат беради. Дарҳакикат ибтидоий одам меҳнати қанчалик самарали тугаса, корни тўйган, курсанд бўлган ва аксинча бўлса, оч қолган, хафа бўлгак. Овдан ўлжа билан қайтиш ва ўз меҳнатидан манфаатдор бўлиш хурсандчилик, шодиёна кайфиятни яратган. Бу холатда овчилар ов жараёнини имо-ишора, махсус характеристлар ҳамда ўйин шаклида ифодалашга уринишган.

Тарихий маълумотларга караганда ибтидоий овчилар хастида овчилик ўйинлари мухим ўрин туттаги. Баъзи манбаларда улар овдан олдин ўтказилганлиги, баъзиларида эса овдан кейин ўтказилганлиги қайд этилади.

Овдан олдин ўтказилган ўйинлар ов олди машки, яъни овга тайёргарликни текширишни, овга руҳий ва жисмоний шайланиш вазифасини ўтаган холда жиддий ўзига хос кичик маросим шаклида уюштирилган. Бу ўйинлар жараёнда ибтидоий одамлар ўлжани осонгина кўлга туширишини, унга яқинлашшини ўрганишган, бунинг учун ниқоб кийиб, хайвон киёфасига киришини, унинг юриш-туришлари, товуш чиқаришларини машк килишган. Айнан ана шундай ўйинлар жараёнида ёшларни хам ов килишга ўргатишган. Шу боисдан хам ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, бир томондан овчилар маҳоратини ўстиришга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан эса, уларда таклид санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.

Овдан кейинги ўйинлар ов муваффакиятли тугагандагина уюштирилган. Чунки овдан ўлжа билан қайтиш – бу зиёфат, хурсандчилик қилишга, бутун жамоанинг байрам қилишига имкон яратган. Овчилар бундай ўйинлар ёрдамида “... кук бўйи ов қилиб, чарчаб қайтгач, кечкурунлари ўзларига дам бериш, бугунги таассуротларини, кайфият ва гуйгуларини, овдан мамнунликларини, тўқликни, шўхликларини ифодалашарди”, деб ёзади профессор М.Рахмонов “ўзбек театри” асарида.

Бу жараёnlар, яъни хар бир муваффакиятли овдан кейин ўйиннинг анъана бўлиб қолиши байрам кайфиятида ўтадиган маҳсус маросимни шакллантира бошлаган. Юкорида айтиб ўтганимиздек, Зараутсой дарасида, Фарғона водийсидаги Саймалитош горларида акс эттирилган деворий расмлардан ва бошқа археологик топилмалар, тасвиirlарда буларни кўришимиз мумкин.

Энг қадимий тарихий ғоқеалар, байрамларга оид баъзи илмий адабиётларда таъкидланнишича, илк бор махсус ўюштирилган байрамлар тотемларга багишланган. Олимларнинг таъкидлашларича “Эш қадимий ва оммавий байрамлар каторига энг аввало зоофагик байрамларни киритиш мумкин”. Бу байрамларда турли жойларда тотем хисобланган турли хайвонлар – айик, ёввойи әчки, сигир, буғу, от кабиларга сигинишган. “Қадимги дунё тарихи” китобида ёзилишича, тотем хайвонларга багишланган байрамларда одамлар унга тақлид қилишган, уларнинг терисини кийиб ўйинга тушибган. Шунингдек тотем хисобланган хайвонларни факат тантанали маросимларда ўлдиришган ва ейишган. Бундан шу маъно келиб чиқадики, баъзи ерларда, махсус маросимлар ўюштирилиб, унда тотем хайвонларга сигиниш билан бир қаторда, уларнинг гўштлари ейилган. Бошқа ерларда, масалан, Хиндистонда илохий хисобланган хайвонларни, масалан, она каби сут берадиган сигирларни сўйиш у ёкда турсин, унга озор етказиш хам мумкин эмаслиги, алоҳида хурмат билан қараш қадимий даврлардан то хозирги кунгача сақланиб қолган.

Тарихий манбаларга қараганда ер юзининг шимолий кисмида кечки палеолит (тош даври) даврида “Айик байрами” бўлган. “Айик байрами” варианти ва элементлари Сибирь халқарининг баъзиларида 20 асрнинг бошларида хам сақланиб қолган. ўрта Осиёда эса “Айик ўйини” пантомимик ракс сифатида кейинги вақтларгача етиб келган. Хатто хозирги кунда хам ўзбекистон территориясида, Туркия, Хиндистон, Кавказ каби жойларда кўчаларда айик ўйнатиб юрган одамни “Айикчи” ни кўриш мумкин. Улар одам гавжум жойларда кичик томоша кўрсатиб юришади. Балки бу қадимий айик ўйинидан бизгача етиб келган элементларнинг бир бўлиши мумкин.

Мехнат таҳсилотининг вужудга келиши муносабати билан қадимиги одамларнинг чорвачилик ва дехқончиликка ўтиши муносабати билан ана шу янги соҳага оид одат, маросим, байрамлари вужудга келган.

Маълумки, дехқончилик хаётида энг кувончли воеа - бу хосилни йигиши ва янги ноз-кеъматларни татиб куриш жараёни бўлған. Йил бўйи кутилган бундай жараёни, габийки, дехқонларда байрам кайфиятини вужудга келтирган. Бронза даврларидан бошлаб ўтрок дехқончиликнинг вужудга келиши ва унинг тез ривожланиши натижасида баҳорларда меҳнат мавсумига киришилиш, кузда хосилни йигиб олиш якунига бағишлиланган байрамлар шу гарика юзага келиб, улар йиллар ўтиши билан анъанага айланга бошлаган.

Демак, инсоннинг “биринчи касби” - овчилик асосида – “Овчилик ўйинлари” вужудга келган бўлса, унинг дехқончиликка ўтиши ва у билан шугулланиши натижасида “Меҳнат ўйинлари” шаклланиб, янги меҳнат байрамлари учун замин яратган. Шундай қилиб меҳнат - бу байрамнинг бош манбаи, есл замири хамда илк чашмаси ҳисобланиб, байрам ҳолати ибтидой даврдан бошлаб “яшаш учун кураш” - меҳнатнинг натижаси шаклида вужудга кела бошлаган.

Гарихдан бизга шу нарса маълумки, ибтидой жамиятда хам жамоа ва унинг аъзоларига бағишлиланган тантаналар аста – секин шакллана борган. Бу хилдаги илк шаклларга “Органик байрамларни” мисол қилиш мумкин. Бу кунда барча эркак ва аёлларга ўзлари учун жуфт танлаш эркинлиги берилган.

Уруғчилик даврида оила вужудга келиши билан ўша даврларга хос тўй маросимлари шаклланди. Бу қадимий тўйларнинг дикқатта сазовор томони шундаки, тўй куни куёв ва келиннинг турмуш куришга қай даражада тайёрлиги синааб кўрилган.

Қадим даврларда байрам кайфиятида ўтадиган маросимлардан яна бири “Эркакликка ўтиш” эди. Успирин унга узоқ вакт тайёрланиб, ўзининг хаётга тайёрлиги ва кучини намойиш қилишга интилган. Бу маросимда ўспирин қийналган, синалган, хуллас, имтихондан ўтказилган.

Сўнг у болалик одатларини ташлаб, катталарга қўшилган бирга овга борган, бирга меҳнат қилган.

Ибтидий жамиятдаёқ ғодамлар атрофидаги ходисаларни англашга интилғанлар, лекин уларнинг табиат сирлари олдида ақлий жихатдан ожизлиги натижасида турили илохий кучларга сифиниш, жумладан:

- тотемистик (хайвонларнинг илохий кучига сифиниш)
- анимистик (жон ва рух образидаги илохий кучларга сифиниш)
- политеистик (куёш, сув, ёр, олов ва бошқаларга сигиниш)
- магик (инсоннинг сўз, одатлари орқали намойиш қилинадиган илохий кучига ишониш) кабилар вужудга келди. Табиийки, ибтидоий одамлар бундай қарашларни, орзуларини муайян маросим ва байрамларда акс эттиришга уринганлар: Масалан, курғоқчилик даврида “Ёмғир тилаш” («Суст хотин»), шамол зарар келтирганда “Шамолни тўхтатиш”- “Чой момо”, “Шамолни чакириш”, беваёт совук тушганда “Куёшга сифиниш”, омад келмагандан “Курбонлик килиш” каби маросимлар ўтказилган.

(Сурхондарё) дан топилган жуда кўп тош куроллар, турили хайвон суюклари хамда неандертал боланинг скелети ғорда яшовчи одамларда ўзига хос примитив маданият асослари вужудга кела бошлиганидан далолат беради. Ибтидоий тешиктошликлар оловдан самарали фойдалана олганлар. 9 ёшли неандертал бола дафи этилган қабрдан хар хил предметлар ва тог эчкиси шохини топишлиши ўша даврларда диний тасаввурлар пайдо бўлганини тасдиқлайди. Тешиктошликлар эътиқоди бўйича, тош ва шох химоя воситаси сифатида мурдани химоя қилган. Бола кўмилгани ва у хайвон шохлари билан ўралгани бу ўша давр одамларида маълум маънода бўлса хам фикрлами қобилияти борлигидан далолат беради.

Омонқутон фори (Самарқанд), Обирахмат ва Кўлбулок (Тошкент), Калача ва Сўх (Фарғона водийси), Учтут (Навоий) оид топилмалар (150-3- минг

йил олдин), одамлар тұда бўлиб яшаб, овчилик билан хаёт кечиришгани, ов куролларидан фойдалана бошланғани, бу билан бир каторда овчилик ўйнлари (овга тайёрғарлық күриш машқлари) пайдо бўлгани хақида маълумотлар беради. Қоя вағор деворларида ибтидоий одамлар чизган тасвир расмлардан шуни билса бўладики, бу даврдан бошлаб одамлар ўсимлик ва хайвонот дунёсини тушунишга харакат килгандар. Уларнинг онги, харакатлари, маросимларида «фетишизм», яъни одам учун керакли нарсалар (масалан, ёғоч ва тош куроллар) ни мукдаслигига ишониш; «анимизм», яъни бу табиатдаги барча ходисалар, нарсалар, хайвонларнинг жони ва рухи борлиги, уларнинг илохий кучига сигиниш; «магия», яъни атрофдаги барча ходиса, предмет ва жонзодларга гайри-табиий илохий куч ёрдамида таъсир этишга ишониш унсурлари пайдо бўлади.

Сўнгти Палеолит (30 минг- 12 минг йил аввал) даври Самарқанд, Красноводск (Туркманистон), Учтут (Навоий), Охангарон каби масканлардан топилиш ёдгорликлар (мехнат куроллари) да эса санъат (бадиий безак) излари кўзга ташланади.

Қадимги тарихни ўрганувчи олимларнинг фикрига караганда, ўша даврдан бошлаб аёллар уруғи хукмдорлиги (матриархат) даври бошланған экан. Матриархат даврида жамиятда аёллар хукмдор мавкега эга бўлған, мансаб, насл ва мулклар она уруғи бўйича мерос бўлиб ўтган, эр хотиннинг жамоасига ўтиб яшаган, эркаклар аёлларга бўйсунган ва хоказо. Матриархат даврида аёллар турмушига хос маданият устивор бўлған. ўша даврлардан бошлаб бола тарбиялаш, рўзгор юритиш, таом тайёрлаш каби одатларнинг шаклланишида аёллар асосий ўрин туттган. Ов қилиш эркакларнинг вазифаси бўлсада, овдан кейинги барча тадбирларда аёллар бош роль ўйнаган. Аёллар бошчилигига овчи-эркаклар иштирокида овга, тотем хайвонларга бағишлиланған маҳсус маросимлар, томошалар уюштирилган.

Марказий Осиё худудида Палеолит давридаёк илк тасвирий санъат намуналари пайдо бўлди. Қоятошларга ўйиб чизилган ёки рашили бўёклар билан тасвиirlangан ибтидоий санъат пайдо бўлди. Булар тотемистик эътиқол билан боғлиқ бўлиб, улардан бири Сурхондарёнинг Зараутсой дарасида топилиб ўрганилган. Зараутсойдаги камар ва унгурларда қадимги тош даврларда ёввойи буқани итлар ёрдамида овлаш манзараси кизил бўёқ билан тасвиirlangан. Овчилар қўлида ўқ - ёй, сопқон, кўпчилиги чўккисимон ёпинчик ёпиниб олган. Бунда ов қалишнинг бутун манзараси, овчиларнинг диний тасаввурлари ва бадиий фикрлэшлари тасвиirlangан.

**МЕЗОЛИТ** даври (мил. ав. 10-6 минг йилликлар) Мачай гори (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси) га оид маданий топилмалар диккатга сазовордир. Бу даврда ов ва меҳнат қуроллари такоминлаштирилади, камон ва ёйдан самарали фойдаланилади, термачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланиш равнак топади ва бу машғулотларга оид одатлар пайдо бўлади.

**НЕОЛИТ** “янги топи” даври (Мил. ав. 6-3 минг йилликларда) Марказий Осиё халклари ва маданиятида “неолитик инқилобий” ўзгаришлар содир бўлади. Қабилалар термачилик, овчилик, балиқчилик каби ишлар билан хўжаликда банд бўлиши билан бир қаторда ишлаб чикариш хўжалигига хам ўтади: хайвонлар хонакилаштирилади, содда дехқончилик пайдо булади. Марказий Осиё худудида ўзига хос хўжалик маданияти:

- 1) Хисор (чорвачилик) маданияти,
- 2) Жойтун (дехқончилик) маданияти,
- 3) Калтаминонор (аралаш) маданияти вужудга келади.

Мазкур даврдаги Калтаминонор маданияти алохида ахамиятга эгадир. Чунки, Узуңкул, Тайлокқўл (Фарғона водийси), Жонбасқала (Қорақалпоғистон), Тузкон (Бухоро) ва бошқа жойлардаги ёдгорликлар тахлили шуни кўрсатадики, бу даврда икки дарё оралиғида одамларнинг турмуш тарзи анча тарақкий этиб,

ривож тенади, тўқимачилик, кемачилик пайдо бўлди, содда дехқончилик шаклланади, қабилалар уюшмалари вужудга келади. Шу даврда ясалган меҳнат куроллари, воситалари утегстар мақсадда (аниқ амалий куллаш учун) яратилган бўлсада, уларга белгилар қўйиш ва уларни бадиий безаш одатлари пайдо бўлди. Бу даврда мезъморчилик, кичик хажмдаги содда хайкалтарошлиқ, борликни белги ва образлар билан акс эттирадиган содда наққошлиқ, мис зритиб куроллар ясаш, тошга ишлов бериш, тикувчилик, заргарлик каби соҳалар вужудга келади. Бу ўша давр одамларининг маънавий эҳтиёжлари ўсгашилиги ва маданияти юксала бошлаганидан далолат беради.

**ЖЕЗ** даври (мил. ав. З минг йиллик – 1 минг йиллик боши) ёдгорликлари: Замонбобо (Бухоро), Суверган (Корақалпогистон), Чуст (Наманган), Амиробод (Хоразм), Сополлитепа (Сурхондарё) топилмалари Марказий Осиё ҳалқлари хаётида қатор ўзгаришлар бўлганидан, жумладан, одамларни турмуш тарзи ва маданияти равнак топганига гувохлик беради. Бу даврда чорвачилик равнак топди, ўтрок дехқончилик шаклланади, сунъий сугоришга асосланган ерлар ўзлаштирилади, буғдой, арпа, тарик, сули каби экинлар экиласди. Содда ғаллакорлик билан бирга уруғ экиш ва ўрим даврларида риоя килинадиган меҳнат удуми ва маросимлари шакллана боради. Чорвадорлар ва дехқонлар мол-мулкини химоя килиш мақсадида қабилаларнинг химоя кучлари пайдо бўлади. Жез даврида қабилаларда ота хукуки (патриархат) устун турадиган бўлди. Қабилалар иттифоқларга уюшади. Қабила иттифоқлари маданияти уйғунлашади, мукаммалашади. Иттифоқларда кучли қабила маданияти устуворлик қила бошлайди.

Милоддан олдинги 2-4 асрларда энг диққатга сазовор ходисаларнинг бири сифатида Марказий Осиёда илк шахарларнинг пайдо бўлиши ва янги типдаги шахар маданиятини шакллана бошлаганини алоҳида қайд қилмок керак. Жумладан, Сополлитепа, Жарқутон (Сурхондарё), Намозгоҳ, Олтинтепа

(Туркманистан), Хоразм, Мароканд каби жойларда қалъа-шахарларни вужудга келиши ўша даврга хос юксак маданият манзилгохларини вужудга келтирди. Қалъаларнинг атрофини ўралиши, шахарларда ўзига хос меъморчилик бунёд бўлиши, дехқончилиқдан хунармандчиликнинг ажralиб чиқиши, турли касб - хунарларнинг равнак топиши, мол алмашув ва содда савдо - сотик тараккий этиши, бозор атрофида турли маданий - маший масканлар, томошагохларнинг пайдо бўлиши, ахолининг уй - рўзгор, кийинишга алоҳида эътибор берилиши, буларнинг ҳаммаси шахар маданиятининг камол топишига жиддий замин бўлди.

Милоддан аввалиги 1-минг йиллик Марказий Осиё тарихига жуда катта янгиликлар олиб келган давр хисобланади. Мавжуд сув хавзаларидан самарали фойдаланилади, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё, Зарафшон, Сирдарё ўрта оқими воҳаларида каналлар қазилади. Сув иншоатларини қазиш вужудга келади, суғорма дехқончилик маданияти кенг ривожланади.

Мехнат куролларининг тарақкий этиши, темирдан фойдаланувнинг такомиллашуви натижасида хунармандчилик равнак топади. Мехнат айрибошланиб, турли касб (темирчи, заргар, кулол, тикувчи, қурувчи) лар ривожланади.

Дунё цивилизациясининг бошқа минтақаларидан фарқ қилувчи Марказий Осиёга хос архитектура-меъморчилик шаклланади. Уз навбатида турли қалъа-шахарларга хос меъморчилик вужудга келади. Мароканда, Кирошота, Марв каби шахарлар ривож топади. 1 минг йилликлар ўрталарида Хива ва Бухоро шахарлари бунёд бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараккиёт натижасида бу худудда дастлабки давлатлар - қадимги Хоразм, Бактрия, Сўғд, Парфия, Кангюй, Довон ва бу давлатларга хос маданиятлар вужудга келади. Санъат ривож топади. Бу давр санъати хусусиятлари заргарлик буюмларида ўз аксини топган.

Самарканндан топилган ўқчи, одам-хўқиз, афсонавий хайвонлар гасвири туширилган тақинчоқлар, Тошкент атрофидан топилган шер бошли билакузуклар услугуб жихатидан ахмонийлар санъатига якин. Сирдарё бўйида яшаган ахоли хонадонларида “Зариадр ва Одатида” нинг маҳаллий матни асосидаги тасвирлари бўлган. Шимолий Узбекистон худудидаги қабристонлардан топилган бадиий буюмлар “хайвонсимон тасвирлаш усули” да услублаштирилган хайвон шакллари билан безатилган.

Марказий Осиё тарихидаги сиёсий-иқтисодий ўзгаришиар, бу худудидаги маданий таракқиётига хам жиддий таъсир килди. Милоддан аввалиги 4-3 асрлар давомида Марказий Осиё ерларининг кўпчилик қисмида эронлик Ахмонийлар сулоласи хукмдорлик қилган. Бу қадимиј Эрон маданиятини маҳаллий маданиятга таъсирини кучайтирди. Бу даврдан бошлаб Марказий Осиёда қадимиј эрон тили, одатлари, эътиқодлари Марказий Осиё халқлари орасида хам тарқалади.

Милоддан аввалиги 329-327 йилларда Марказий Осиёнинг жанубий - гарбий қисмини Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) босиб олади ва юонон-македон, хукмдорлиги 150 йил давом этган. Юонон-македонлар хам Марказий Осиё маданиятига ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, бу худудда хам юонон архитектураси, хайкалтарошлик санъати, театр томошлари пайдо бўлди. Бу таъсирини Марказий Осиё жанубида пайдо бўлган Юонон - Бактрия давлатида яққол сезса бўларди. Натижада, жанубда юонон ва бактрия маданиятлари уйғунлашуви ўзига хос Юонон - Бактрия маданиятини вужудга келтирди.

Милоддан олдинги 2-1 асрларда Марказий Осиё худудининг жанубида Юонон - Бактрия хокимлигини Тоҳарлар йўқ қилиб, Тоҳаристон давлатини тузишади.

Шимолда Аму ва Сирдарё оралигининг бир қисми, хамда хозирги Жанубий - гарбий Қозогистон худудида шимолдан келган кўчманчи туркий

халқларидан бири – канглар Буюк Канг давлатини тузишади. Фарғона водийсида эса Паркан давлати (пойтахти Гушан-хозирги Узган) вужудга келади. Бирок, милодий аср бошланиши арафасида жанубда Массагет қабиласи Тоҳар уруғларидан бирикинг номи билан аталган Кушон подшолиги вужудга келади, ва у борган сари (Марказий Осиё, Афғонистон, Шимолий Хиндистон) ни ўз ичига олиб, ўша даврда дунёдаги 3 йирик империялар қаторига қўшилади. Кушон даври маданияти инсоният тарихида ўзининг муносиб ўрнини топади. Меъморчилик, ҳайкалтарошлиқ, деворий ранг тасвирилик, темир, тош, суяқлар юксак бадиий савиядаги асарлар яратиш Кушон маданиятининг таркиби кисмига айланади.

Кушон империясида кўп динларга эътиқод килишган. Бу империяда зардушийликнинг турли кўриниши-маҳаллий Маздеизм (Митра –Күёш ва Анахита ер-сув культи), Юнон – Бақтрия культлари, эрондан ўтган монийлик, Хиндистондан ўтган буддавийлик ва бошқалар кенг тарқалган. Жанубий Узбекистонда Будда ҳайкалларини топилиши бу ерда Буддизм тарқалганига далил бўлади. Шундай килиб, Кушон маданияти ўзида маҳаллий, юнон – бақтрия, эрон, хинд анъаналарини омухта этган ўзига хос бой ва гўзал маънавият сифатида намоён бўлди. Милоддан авв. 4 аср – мил. 4 асрда Марказий Осиё худудида бадиий маданият-тасвирий санъат ва амалий безак санъатнинг барча соҳаларида юксак кўтарилиш даври бўлди. Унинг мухим, хусусиятларидан бири – санъатлар уйгунлашувидир, Хусусан бу даврда ҳайкалтарошлиқ ва ранг-тасвирий меъморлик билан ўзаро уйғунлиги намоён бўлди. Ҳайкаллар лойдан ясалган, гипс қолилларда кўйилган, айрим холларда тошдан йўнилган. Холчаённинг бўялган ҳайкаллари инсон киёфалари (шохлар, маъбуллар, жангчи, созанд, масҳарабозлар, болалар) ни гавдалантирган. Далварзинтепа турар жойларидан топилган деворий расмлар мавзунинг хилма - хиллиги ва уларнинг маҳоратли ишланганлиги (турли этник гурӯхлар,

маросимлар, кохин за кохин аёл, зирхланган чавандоз, аёллар, накш мавзуи ва б.) билан фарқ киласи.

Узбекистоннинг жанубий худуди хайкалтарошлигига Будда дини билан боғлиқ бўлган Гандхар хайкалтарошлиги мактаби билан алоказалар сезилади.

Монументал санъатнинг услубий йўналашлари Узбекистоннинг қадимги хунармандлик санъатида хам ўз аксини топган. Тангалардаги ўта индивидуаллик билан тасвирланган юони - бактрияликлар томонидан қадрланган элинистик маъбуллар, Осиёлик хукмдорлариниг қиёфалари - Кушон ва Хоразмнинг исми номаълум шохи, Буюк Кушон шохларининг умумлашма тасвари ва Осиё ҳалқларининг маъбулларидаи кўпчилигининг хайкаллари қадимги юони ва маҳаллий бадиий анъаналарнинг қўшилиб кетганидан далолат беради.

Марказий Осиё ҳалқларида қадимдан мавжуд бўлган турли дипий карашлар (тотемистик, анимистик, политеистик, магик кабилар) замирида ва уларнинг керакли ғояларини бирлаштирадиган Зардустийлик дини кенга тарқалган. Бу диннинг муқаддас қитоби – “Авесто” ўша даврнинг, қолаверса жаҳон маданиятининг ноёб дурдонасирид.

Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон худудларида милоддан олдинги 7-6 асрдан милоддан кейинги 7-8 асрлар орасида асосий дин сифагида Зардустийлик (зороастризм, оташпаастлик) шаклланади ва тараккий этади. Бу дин кўпгина қадимий диний эътиқодлар, жумладан, Митраизм (куёшпаастлик) замирида тараккий этади.

Маълумки, зардустийларнинг фикрича, дунё асосини икки қарама - қарши нарса яхшилик ва ёмонлик, ёргуллик ва қоронгулик, иссиқлик ва совуқлик, хаёт ва ўлим ўртасидаги кураш ташкил килган. Шунинг учун дунёдаги барча ижобий ходисаларни яхшилик худоси-Ахурамазда (Хурмуз) ва хамма салбий нарсаларни ёмонлик худоси Анхара-Майнью (Ахриман)

ироласига боғлиқ деб тушунишган. Зардустийлар яхшилик худосига яхшилик килишни, ёмонлик худосига ёмонлик килмаслигини илтимос қилиб сиғинишган.

Шунингдек, зардустийлар яхшилик худоси Ахурамазданинг ёрдамчилари Митра (йигит киёфасидаги қүёш ва ёргулук тангриси), Анахита (гўзал киз сиймосидаги унумдорлик, хосилдорлик, фаровонлик тангриси), Хумо (гўзал куш киёфасидаги баҳт, тақдир ва бойлик тангриси), Хубби (мард йигит киёфасидаги сув тангриси), Мирриҳ (ёш жангчи қиёфасидаги уруш ва галаба тангриси) кабиларга ҳам итоат қилишган.

Зардустийлар ўз маросимларида коинотнинг 4 унсури – қүёш (олов), сув, ер, ҳавони улуғлашган, уларни дунёдаги энг мұқаддас нарсалар деб тан олишган. Олов қүёшнинг ердаги шакли деб, унга алохида сажда қилишган. Шунингдек, олов барча гуноҳдан тозаловчи сеҳрли куч саналган ва унга бағишилаб максус оташхоналар, оташ саройлари, оташ уйлари куришган, унда турли байрам, маросимлар уюштиришган.

Олд Осиёда пайдо бўлган оромий хати таъсирида қадимги Хоразм, Суғд ва Бактрий ёзувлари пайдо бўлади.

Марказий Осиё худудидаги энг қадими ёзувлардан бири-бу Хоразмнинг Қукирилган қалъадан топилган ҳумдаги (милоддан олдинги 4 - асрға тегишли) хатдир. Милоддан олдинги 3 - асрға тегишли Тупроқалъадаги 18 топилма - ёғоч, теридаги ёзувлар - Хоразм давлати юксак моддий ва маънавий ривожланиш маскани бўлганидан далолат беради.

Парфия подшологининг пойтахти эски Нисо қадимий шахарчасида 2 мингга яқин сопол идишдаги ёзувлар - милоддан олдинги 3-1 асрларда ўрта Осиёда ўзига хос Парфиян ёзуви пайдо бўлганидан ҳам далолат беради. Милоддан олдинги минг йишилик охирида кенг тарқалган қадимий ёзувлардан бири суғд ёзувидир. Зардустийларнинг мұқаддас китоби - “Авесто” мана шу

ёзувда баён қилингап. “Авесто” мазмуни бир неча минг йиллар ичида вужудга келиб, оғиздан - оғизга ўтиб, мил. олдинги. 7-6 асрларда ёзма шакти вужуда келганд. Тарихчилар берган маълумотларга қараганда, “Авесто” илк варианти олтин харғолар билан 20 минг мой терисига битилган экан. Бу китоб Искандар вақтида йўқ қилинганд. Парфиян подшоси томонидан тикланиб, янги Авесто сзувига кўчирилган ва Ганжадаги Оташсаройига сакланишга тоширилган экан. Афсуски, вақт ўтиши билан бу ноёб ёдгорлик хам йўколиб кетган.

“Авесто” да дунёнинг яратиши, инсонни халқ бўлиб камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураш ўз ифодасини топган. “Авесто” факат одамнингина эмас, балки бир ховуч тупрок, бир қултум сув, бир нафаслик хавонинг хам муқаддас эканлиги хақидаги китоб.

Дүйёдаги бирор бир диний таълимот, ё бирор бир аллома заминни ва ундаш унувчи буғдойни, унинг қосиласи - нонни “Авесто” чалик кўкларга кўтартмаган.

Абу Райхон Беруний “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида куйидагича ёзади: “Подшоҳ Доро ибн Доронинг ҳазинасида “Авесто” нинг 20 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни ёндириб, унда хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтда уларни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистоннинг бешдан учи йўколиб кетди”.

Искандар “Авесто” нинг тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга доир ўринларни таржима қилиб, колга қисмини ёқиб юборишни буюрган, бу ноёб ёдгорлик кейинги асрлардаги пахлавий, форс тиллардаги талқини асосидагина бизгача етиб келган.

Сосонийлар даври (3-4 аср) да “Авесто” матнларини йигиш, тиклаш ва таҳлил қилиш борасида хам улкан ишлар қилинганд. “Авесто” мазмуни замонлаштирилган, уни ёзиш учун оромий ёзуви асосида маҳсус “Авесто”

алфавити яратылған, унга ўрта форс тилида тушунтиришлар берилған. Шұндағы қилиб, “Авесто” ёзуви орқали аждодларимизнинг тарихи, турмушки, фалсафаси, одатлари, хұжалиги хакида қимматли маълумотлар бизгача стиб келади.

Бактрияда деярли бир вактнинг ўзіда иккі ёзув ишлатылған. Уларнинг бири - оромий ёзуви асосида ва иккінчіси Искандар истилосидан сұнг юон алфавити асосида вужуда келган.

Милод бошида пайдо бұлған қадимий түрк ёзуви – “Урхун-Енисей” ёки “Түркій рүн” деб ном олған. Бу ёзув Энасой (Енисей) дан тортиб Марказий ва Урта Осиёга тарқалған халқларға мансуб еди.

38 харфли қадимий түрк ёзуви ёдгорликлари қоя, дсвор, қабртош хамда темир идиш, сопол, танға, ёғоч, қоғозларда сакланиб қолған. Урхун - Енисей ёдгорликлари билан биргә таҳминан 4 асрда Шаркый Туркистанда (суғд ёзуви негизида) қадимий уйғур ёзуви пайдо бұлади. Бу ёзув ўрта асрларда кең тарқалған: мұғиллар империясининг (12-13 асрлар) расмий ёзуви, Марказий Осиеда (14-15 асрлар) араб ёзуви билан бир қаторда фойдаланилған, уннинг ёрдамида күпілаб давлат хужжатлари, адабий ва илмий асарлар яратылған. Күзада топилған мил. олдинги 3-2 асрларға оид ёдгорликлар натижасида оромий графикаси асосида Фарғона ёзуви хам бұлғанлиги хакида хам таҳминлар мавжуд.

Кхароштхи ва брахма ёзувларида оромий хатлари излари бұлса хам, улар хинд ёзувлари асосида ривож топған ва Марказий Осиёнинг жанубий худудларида үз изларини қолдирған. Зардыштийлик дини пайдо бұлған замин хакидағи бахс узок асрлардан буён давом этиб келмоқда. Айримлар зардыштийлар ватани Парфия деган фаразни билдиради, айримлар Мидияда пайдо бұлған деса, бошқалар Туронзамин (Хоразм, Бактрия, Суғд, Фарғонада) пайдо бўлиб, сұнгра Эрон ва бошқа мамлакатларға тарқалған, дейдилар.

Абу Райхон Беруний Марказий Осиё халқларнинг қадим замонларда жамоат бўлиб бир жойга тўпланадиган, доимо олов ёниб турувчи мукаддас хоналари, яъни жамоа йигинлари ўтказиладиган, диний маросимлар чоги кўпчилик келиб овқатланадиган оловхоналари бўлганлигини ёзди. Бу оловхоналарниң қолдиклари ўша эски номида (оташкада) хозир хам тоглик тожиклар орасида сакланиб қолган. Бу оловхоналарда эркаклар дам олиб, халфанарап килишган, жамоа йиғинлари ўтказилган, шунингдек, йўловчилар тунаб қолишга њ. Бу жойлар “Эркаклар уйи” деб хам атаган. Булар ҳозирги чойхоналарнинг ilk кўриниши бўлиши мумкин.

Зардуштийлик таълимотига эътиқод этган одам тозалик ва покликка риоя килиши, хайвонларга озор бермаслиги лозим, соч ва тирноқларга бўлган нокиза муносабат хам Ахура Маздага ёқадиган хусусият саналган. Бу одат ҳозирги кунгача етиб келган бўлиб сартарошхоналарда соч толалари гезда оёқ остидан йиғиб олиниши, хонадонларда хам сочни хохлаган жойларга ташламай чеккароп жойларга йиғиб, кейин мевали дараҳтлар тагига кўмилиши, тирноқлар дуч келган жойга ташланмаслиги ўша одатларнинг кўринишидир.

Маълумки, милоддан илгари Эрон, Сугд ва Хоразмда зардуштийлик календаридан фойдаланилган. Йилнинг хар фасли хар ойининг ўз байрамлари ва машхур кунлари бўлган. Масадан, “фарвардин моҳ – ёз боши, тир моҳ - куз бопши, меҳр моҳ - киш боши, дий моҳ - баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичida тўрт фаслга караб ишлатиладиган (хайит) кунлари бор эди”, - дейди Беруний.

Баъзи этнограф олимларнинг, жумладан Н.Лобачеванинг фикрича, қадимдан ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келар эди. Сосонийлар сулоласи даврида (3-asр) йил боши ёзга, яъни 21-22 июнга кўчирилган. Бирок ой календарига ўтилганидан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кундуз баравар бўлган кунга, яъни 22 марта кўчирилган. Бу хақда Беруний

ёзди: “Наврұз үтмиш заменларда күёшнинг саратон буржига кириш пайтига тұғыр келар эди. Сүнгра у орқага сурілгач, баҳорда келадиган бўлди”.

“Наврұз” нинг келиб чиқиши хақида кўплаб фикрлар, афсоналар, мифлар мавжуд. Масалан зардустийлар, давридаги баъзи тушунчаларга караганда, яхшилик худсси Ахура-Мазда баҳор - ёзда, ёмонлик худоси-Ахриман кузда ва қишида хукмдорлик килар эмиш. Баҳорнинг биринчи кунини яхшилик худоси ёмонлик худосининг устидан ғолиб чиққан мукаддас сана деб уни байрам қилишган. Бу сана “Наврұз” кунига айнан тұғыр келганды. Бошқа қадимий афсоналарга кўра Одам Ато ва Момо Хаво бир - бири билан учрашган кун «Наврұз» байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг “Шохномасида” эса янги йил «Наврұз» нинг келиб чиқиши шох Жамшид номи билан боғланади. Масалан, Жамшид юрга яхшилик қилиш максадида одамларни касбга ўргатади, темир эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб кийим тұқитади, хаммом, уй, саройлар бунёд килади, боғ бунёд килади. Нихоят, ишлари гуркираб кетган кунлардан бир куни таҳт ясатиб, унда осмонга кўтарилади.

А.Навоийнинг “Тарихи мулки ажам” номли асарида Жамшизднинг буюк кашфиётлари сўнтида улут кун Наврұз ихтиро қилинганды баён қилинади.

Беруний келтирган афсона бўйича хам Наврұз улкан ишлар қилган Жамшид шохга боғланади. “Жамшид ўзига арава ясад олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни хавога кўтариб, бир кунда Дамованд тоғидан Бобиляга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воеани кўргач, ўша куни хайит килдилар ва Жамшизднинг (аравада учшигага) таклид қилиб арғимчокларда учдилар”.

«Наврұз» нинг пайдо бўлиши хакидаги бундай афсоналарни турли нұктаи-назарда талқин қилиш мумкин. Бирок масалага илмий ёндашадиган бўлсак, “Наврұз” нинг юзага келиши хар томонлама илмий асосланган коинот

ва табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг хамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вакт жихатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлиши, табиатда жонланишнинг бошланиши, баҳорнинг келиши билан боглик бўлгап. Бунинг устига, “Наврӯз” нинг чукур илдизларига мурожаат қилисак, у энг қадимий даврларда ибтидоий одамларнинг дехқончиликка ўтганидан сўнг далаларда янги иш мавсуми бошланишидан олдин ўтказиладиган баҳор байрамларига бориб тақалади.

Бизгача стиб келиган қадимий манбалардан шу нарса равшанки Эрон, Урта Осиё ва Афғонистонда “Наврӯз” байрамини ўтказиш Ахмонийлар даврида (милоддан аввал 6-асрларда) кенг тарқалгани маълум бўлди. Агар шундай бўлса “Наврӯз” нинг тарихи 26 аср ва ундан ортиқ вактга эгадир.

Зардуштийлик календари бўйича февраль ойининг 1-куни – “Кичик Наврӯз” (ёки Өммавий Наврӯз) бошланган, 6-куни эса “Катта Наврӯз” уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврида бу икки “Наврӯз” бирлаштирилиб, кичик ва катта “Наврӯз” ўртасидаги барча кунлар байрам деб зълон қилинган.

Вакт ўтиши билан “Наврӯз” байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Беруний қўйидагиларни баён килади: “Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин моҳнинг барча (кунлари) ни хайитга айлантириб, уларни 6 га тақсим этдилар. 1- беш кун подшоҳлар учун, 2-си улуғ кишилар учун, 3-си подшоҳларнинг ғуломлари учун, 4-си хизматкорлари учун, 5-си ҳалқ оммаси учун, 6-си чўпонлар учун”.

Подшоҳлар ўзлари учун белгиланган 1-беш кунни қўйидаги тартибда , яъни 1-кун “Подшоҳ Наврӯз” куни хайитини бошлаб, одамларга ўзининг ҳалқини қабул қилишини бўлдиради. 2-куни марта баси жуда юкори кишилар, яъни дехқонлар ва машхур (хонадон) ахллари қабул қилиниб, 3-куни отлик сипоҳлар

ва улуг дошишмандлар учун, 4-куни эса ўз ўғиллари хамда қарамогидаги кишиларни қабул этиш учун ўтиради. 5-куни ўзи учун Наврўз киласы".

Оддий халқынг милодгача бўлган "Наврўз" ни нишонлашда ўзига хос одатлари бўлган. Масалан, бир -бирларига шакар ва шириналлар хадя қилишган, гуллар тақдим этишган, бир-бирларига сув сепилган, байрам арафасида 7 хил дон (бугдой, арпа, жухори, гуруч, нўхот, мош, ловия) дан гўжа тайёрланиб, кўни -кўшни, қариндошларга тарқатилган. Булардан ташқри зронийларда "С" ҳарфи билан бошланадиган 7 хил ўсимлик уруғидан ўстирилган кўкатлар билан дастурхон безатилган. Шунингдек, қуритилган мевалардан тайёрланган шарбат, бўялган тухумлар ва бошка ноз-неъматлар кўйилган. Арвоҳлар руҳини шод этиш учун шамлар ёқилган. Катта идишга сув тўлдирилиб, унга кўк барг ёки кўкат солиб кўйилган. Бу одат янги йил хосилдорлик ва мўл-кўлчилик йили бўлсин, деган истакни билдиради.

Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида сувга бағишлиланган одатлар, хайитлар хақида кўп тўхталган. Налмилкор ерларда "Сув хотин" "Суст хотин" маросими шаклланган. Бундай одатларда, одамлар бу йил сувли, хосилдор бўлсин деб бир-бирларига сув сепганлар. Бу одат форишликларда хозирги кунларгача сақланиб қолган.

Бунда қишлоқ аёллари катта қўғирчоқ ясад унга қари кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сунгра маҳсус қўшиклар айтишиб, қўғирчокни далалардан, кўчалардан, кўтариб ўтиб, хар бир хонадонга олиб киришган. Маросим қатнашчилари "Суст хотин" қўшигини айтиб, уйларга киришганида уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилаб, албатта қўғирчок устидан сув сепипган, ўз имкони доирасида хайр-эхсон қилишган.

Беруний берган маълумотларга караганда, Хоразмда "Вахшангом" деб аталувчи хайит бўйиб, у Вахш ва Жайхун сувига бағишлиланган. Бу куни одамлар

Жайхун дарёсига бориб чўмилишган. Куз мавсумида нишонланадиган катта байрамлардан “Мехржон” ва “Тиргон” байрамлариидир.

Беруний ёзищича «Куёш ва ой фалакнинг икки кузи бўлганидек, Наврӯз ва Мехржон замоннинг икки кўзидир». Демак “Наврӯз” баҳорда кун ва туннинг баравар келишида нишонланса, “Мехржон” - куздаги тенг кунликда нишонланадиган байрам бўлган. “Навруз” куни табиатда жонланиш бошланса, “Мехржон” куни ўсувчи нарсаларнинг етилиши чегарасига етиб, ўсиш моддаларининг ундан узилиши содир бўлган.

“Мехржон” байрамидан сўнг одамлар қишига тайёргарлик кўра бошлаган. “Хуросон подшохликларида шу куни отлиқ аскарларга кузлик ва қишилик кийим бериш расм бўлди”, деб ёзади Беруний.

“Тирғон” байрами куз бошида йигим - терим бошланишидан олдин ўтказиладиган байрам. “Тир” сўзи “куз” деган маънони билдиради.

Агар баҳор сўнггида ва ёзда сувга эътиқод қилиш одатлари кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиши ва эрта баҳорда уюштириладиган барча байрам ва маросимларда олов ва гулхан ёқиш одат бўлган.

Зардуштийликнинг энг йирик байрамларидан “Сада” байрами бўлиб, у оловнинг қашф этилишига багишлиланган.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида “Сада” байрамига асос солингани хақида маҳсус боб бор. Унда ёзилишича адолатпаноҳ Хушанг бир гурух қишилар билан тоққа бораётганида тўсатдан бахайбат илонга дуч келади. Хушанг катта тош отади, бироқ тош илонга тегмай қоятошга бориб тегади ва бирдан тошлар орасидан учқун ва олов чиқади. Шу ходисадан сўнг Хушанг оловни кандай хосил қилишни қашф этади:

Мавжуд манбаларга асосланиб “Сада” байрами қиши мавсумида ўтказилганли ини яққол билса бўлади. Бироқ бальзи тарихий манбаларда бу байрам қиши бошланишида, бошқаларида қаттиқ совук кунлар бошланишидан

олдин, яъни 22 декабр куни, энг қиска кун ва энг узок тун бўлганда, яна бир манбаларда кишки совуклар гугаганда ўтказилиши ҳакида маълумотлар берилади. Бундан келиб чиқадики, киш вактидаги барча байрамларда олов, гулхан ёкиш одат бўлган. Уларнинг энг каттаси “Сада” бўлган бўлиши мумкин.

Балки “Сада” байрами кишининг охирида ўтказилган бўлиши хам мумкин. Беруний бу тўғрида кизиқарли маълумотларни келтиради. Айтилишича, шу куни қиши жаханнамдан дунёга чиқади. Шунинг учун олов ёкиб аланталатиш, шу словларга ўзвойи хайвоинларни ташлаш, алантга ичига паррандаларни учириш ва олов атрофида ичимликлар ичиб, ўйин – кулги килиш подшохлар марссимларига айланади.

Исломгача бўлган даврда кизиқарли байрамлар кўп бўлган. Улардан бири аёллар байрамидир. Бу байрам “Рўзи исфандармуз” деб аталган. Бу хақда Беруний: “ўтмиш замонларда бу ой ва бу кун хотинлар хаётига хос бўлиб, эрлар уларга эхсон қўлар эдилар”, - деб ёзади. Исфандармуз сўзининг маъноси “акл” ва “мулохаза” демакдир. Исфандармуз солиха, номусли, яхши ишлар килувчи ва эрига мухаббатли хотини а вакил бўлган фариштанинг номи хамдир.

Байрам ва хайитлар кишиларни она-табиатга қайтаради, табиат бойликлари ва гўзалликларини тушуниш ва қадрлашгага ўргатади.

### Савол ва топшириқлар

1. Ибтидоий давр маданий-маърифий фаолият генезиси ҳакида тушунтириб беринг.
2. Диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши ва улар билан боғлиқ одат, маросимлар.
3. Зардуштийлик дини ва унинг фалсафаси . Зардуштийлик дини билан боғлиқ маданий-маърифий фаолият шакллари ва масканлари ҳакида гапириб беринг.

4. Марказий Осиёда қадимий ёзувларнинг пайдо бўлиши хакида нималарни биласиз?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т., 1998.
2. Каримов И. «Жамиятимиз мағкураси, миллатни – миллат, ҳалқни – ҳалқ қилишга хизмат этсин» // «Тафаккур» № 2.1998
3. Бойназгров Ф. Ўрта Осиёнинг антик даври. Т., «Ўқитувчи», 1991.
4. Жабборов И. Ўзбек этнографияси. Т., «Ўқитувчи», 1994.
5. Соатов Б.,Хусанов А. Ибтидоий ва қадимти шарқ маданияти.1996
6. Қорабоев У.Х. Ўзбек ҳалқи байрамлари. «Шарқ»,2002.

## **1. 2. ЎРТА АСРЛАРДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ**

IX-XII аср Марказий Осиё ижтимоий-иктисодий ва маданий хаётидаги энг ёрқин босқичларда бири хисобланади. Бу даврда у жаҳон маданияти тараккиётининг энг йирик ва марказий ўчогига айланаб, кейинги давр Шарқ ва гарб маданий тараккиёти ривожига самарали таъсир курсатади. Марказий Осиёлик олимлар яраган асарлар жаҳон илм-фанининг нодир ёдгорлигига айланади.

IX-XII асрлар маданий тараккиётига ислом динининг таъсири нухоятда кучли бўлган. Исломнинг ўзлаштириши натижасида ерли ахоли ўртасида араб тилини, ислом назариясини ва шариат ахкомларини, исломнинг хуқуқий асосларини ўрганишга бўлган қизиқиш мисли кўрилмаган даражада кучайиб кетади.

Бу давр маданиятининг ривожланиши албатта, ерли ҳалқ вакилларининг хокимиёт тепасига чиқиши билан ҳам боғлиқдир. Чунки сиёсий

хокимиятнің махаллій хукмдорлар құлиға үтиши, биринчидан, мамлакатни іктисодий-сіёсий жихатдан мустажкамлаш, иккінчидан, миһлий эътиқодлар ва қадріятларға қайта тиклаш, учинчидан, бошқа мамлакатлар худудлари билан маданий ва савдо-сотик алоқаларини даслаб тиклаши, сұнгра янада ривожлантириш, тұртқинчидан илмій бадиий тафаккур ва ижодкорликнинг рүёбга чиқиши имконият яратиб беради.

### VIII аср охирларига келиб араб халифалигіда сіёсий танглик

Танглик вужуда келади. үзаро ички низолар, сіёсий мустақілліккә интилишлар халифалик хокимиятini күчсизлантириб құяды. Натижада халифаликнің Мовроуннахр ва Хуросонда давлатни бошқариш ишларига махаллій хукмдорларни жалб қилиши кучаяди. Халифа Маъмун хуросонлик ва мовароуннахрлік хукмдорларни айрим вилоятларға ноиб қилиб тайинлады. Улар эса үзларига берилған вилоятларни мустақил бошқара болпайлайлар. Шу боисдан дастлаб Тохирійлар, сұнгра, Сомонийлар давлати вужуда келади.

Бу даврда суғорма деңқончилик кучайиб, суғориш мухандислиги ривожланады. Махсус мироб - мухандислар қатлами пайдо бұлади. Давлатнің харбий күч - құдратини оширишга бұлған интилиш эса, чорвачилик, жұмладан, үйлекчиликнің ривожланишига олиб келади, қурол - аслаха тайёрлаш учун қилинган харакат натижасыда хунармандчилик тараққиеттің этады. Шахарларда қуролсозлар махаллалари пайдо бұлади. Шунингдек тұқимачилик, кулолчилик, дегрезлик, чиламгарлик, мисгарлик, заргарлик, шишасозлик ва дурадгорлик, от - абзal анжомларини тайёрлаш ривожланады. Шахарларнің қиёфасыда туб үзгаришлар рүй беради. Улкан ва хашаматли бинолар, масжидлар, миноралар, мадрасалар, мақбаралар, хонакохлар, карвонсаройлар, арклар, күшклар курилади. Хитой, Хиндистон, Эрон, Ироқ, Кичик Осиё, Сибир, Волга дарёсі буйлари ва бошқа мамлакатлар хамда худудлар билан бұладиган савдо-сотик алоқалары юксалади.

Юқори тараққиётта эга бўлган мамлакатлар даражасига чиқишига бўлган харакат авж өлади. Юқори маданий жihatдан юксалган халиқларнинг тили, тарихи ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш нюхоятда ошиб кетади. Исломни қабул қилган мамлакатларда араб тили хукмрон тилига айланади. Фан ва адабиёт, Куръони Каримнинг араб тилида бўлганлиги, унинг сура ва оятлари араб тилидан бошқа тилларга ўғирилмаганлиги, уларнинг мазмунини тушуниб етишга бўлган интилиш, араб тилига бўлган қизиқиш ва уши ўрганишини янада кучайтиради. Натижада ерли аҳолининг илм-фанни эгаллашга, араб тилини ўрганишга бўлган қизиқиши илми-толибларни халифаликнинг маданий жihatдан ривожланган марказлари хисобланувчи Бағдод, Басра, Дамашк, Қохира, Хамадон, Балх, Машҳад, Нишопур, Марв каби шахарларнинг бориб таълим ола бошлишга ундейди.

Турли халиклар маданиятини чуқур ўрганган илми-толиблар ўзлари мансуб бўлган этнослар маданиятини бир-бирига яқинлаштирадилар. Ислом оламида кенг ёйилган тасаввуф, ҳадисшунослик, адабиёт, тил ва бошқа айрим фанлар ривожига сезиларли таъсир кўрсатадилар. Бу эса миллий-маданиятларнинг миллий кобиқдан чикиб, худудий-минтақавий маданият даражасига кўтарила бошлаганлигининг муҳим бир белгиси эди.

Бунга муайян худудда туғилиб, тарбия топган алломалар-Имом ал-Бухорий ва Ат-Термизийларнинг мухаддисликда, Бурхониддин Марғинонийнинг фиқхшунослиқда, Ахмад Яссавий ва Нажмиддин Кубронинг тасаввуфда, Замахшарийнинг араб тилида, Махмуд Қошғарийнинг турк тилида, Юсуф Ҳос Ҳожиб ва Ахмад Юғнакий, Рудакий ва Фирдавсийларнинг адабиётда ислом минтақавий маданиятларининг ривожига таъсир кўрсата олганликларини мисол килиб олиш мумкин.

Бу давр маданияти тараққиётининг иккинчи бир муҳим белгиси-миллий маданиятнинг ривожланиб, минтақавий, сўнгра умумжахон маданияти

таракқистига кўрсатган таъсири билан характерланади. Бунга мисол тарикасида Хоразмий, Фарғоний, Форобий, ‘Ибн Сино ва Берунийларнинг фаолиятини кўрсатиш мумкин. Демак, кўпгина Марказий Осиёлик олимлар жахон маданияти, фани ва фалсафий тафаккурини ўрганиш натижасида миллий ва мингтақавий маданий тараққиётдан умумжахон маданияти тараққиёти даражасига кўтарила оладилар ва кейинги даврлар умумбаширий маданий тараққиёт жараёнига турткি берадилар.

Хулёса килиб айтганда бу давр маданияти, биринчидан, исломни қабул қилган ўлкалардаги иқтисодий ривожланган шахарларга бориб илм ўрганиш ва ўргатиш - илм соҳиблари ва илми-толибларнинг эркин харакатланиши учун имкониятларнинг мавжудлиги, иккинчидан, милитий маданиятларнинг қобигидан чиқиб, бошқа халқлар маданияти ютукларидан баҳраманд бўлиш, бошқа халқлар маданиятини бойитиш хамда ундан қувват олиш имкониятларининг мавжудлиги, учинчидан, савдо - сотик билан шугулланувчи савдогарлар, ислом ғояларини ёйувчи машойихлар, дарвешлар, муридлар, мударрислар ва толиби-илмларнинг «мусулмон маданияти» ни бутун ислом оламига ёйиш имкониятларига эга бўлганликлари, тўртинчидан, ўша давр хукмдорларининг фан ва маданиятнинг ривожланишига ёрдам бериш, олиму-фузалоларга ғамхўрлик қилиб, уларнинг кенг кўламда тадқиқот ишларини олиб боришлирага имконият яратиб берганликлари каби хусусиятлари билан ажralиб туради.

Фанда IX-XII асрлар Марказий Осиё маданий тараққиётини «Илк Ўйғониш даври маданияти» номи билан аташ қабул қилинган.

Ўйғониш даври-бу энг аввало ижтимоий тараққиётда ишлаб чиқариш муносабатларининг хам, маънавий тараққиётнинг хам янги бир босқичга ўтиш давридир, яъни эски ишлаб чиқариш муносабатлари ва маънавий хаётдан янгисига ўтишдир.

IX-XII асрлар Мовароуннахр ва Хурросонда вужудга келган Сомонийлар, Корахонийлар, газнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшохлар давлатлари энг аввало иқтисодий жиҳатдан юксалишига эришдилар. Сўнгра ислом маънавиятига асосланган маданий тараққиётни вужудга келтирдилар. Маънавият асослари хисобланган эътиқод яқдиллиги, сиёсий бошқарув асослари, конун устунворлиги, ахлоқий камолот, ақл-идрок такомили, маърифий баркамоллик ва фан тараққиёти босқичига чиқа олдилар.

Шарқ уйғониш даври маданиятининг асосий хусусияти ва моҳияти инсон маънавиятини юксалтиришга, унинг маънавий эҳтиёжларини кондиришга барча имкониятларнинг қаратилганини иборат бўлса, гарб уйғониш даври маданиятида моддий эҳтиёжлар ва манфаатлар қондиришга асосий эътибор берилганлиги билан фарқланади. Агар Шарқ ва гарб маънавиятига эътибор берилса, Шарқда маънавий баркамол инсонни шакллантиришга эътибор берилганлигини, кишилар ўртасидаги муносабатлар ахлоқий баркамолликка, диёнатлик асосига курилганлигини кўриш мумкин. гарб маданиятида асосий эътибор кишининг моддий жиҳатдан таъминланганлигига қаратиласди. Шу боисдан гарбда кўпроқ шахсий манфаат устунлик қиласди.

Иккичи томондан барча Уйғониш даврлари маданиятлари тараққиёти бошида ўша давр ҳукмдорларининг ўзлари турганлар. Агар гарб ва Шарқ Уйғониш даврлари маданиятини бир-бирига солиштирасак, гарб Уйғониш даври маданиятининг энг гуллаб-яшнаган маркази-Флоренция шахрида, шахарнинг энг бой-бадавлат кишиси, банкир Козима Медичи турганлигини кўрамиз. Шарқ Уйғониш даври маданияти ривожланган пайтда ўша даврнинг энг бадавлат кишилари хисобланган ҳукмдорлар-халифа Хориун ар-Рашид, унинг ўғли Маъмун, сомонийлар, корахонийлар ва бошқа сулолаларнинг вакилларини кўрамиз. Улар исломнинг мустахкамланишига, маърифатнинг тарқалишига, турли хил фан соҳаларининг ривожланишига бошчилик килганлар. ўзларининг

пойтахтларига ўша даврнинг кўзга кўринган олимлари, фикхшунослари, мухандислари, тарихчилари, шоирлари, меъморлари, санъаткорларини тўплайдилар. Махсус илм марказлари, кутубхоналар, мадрасалар барпо этадилар. Уларги маблағ билан таъминлаб турадилар. Шу боисдан IX асрдан бошлаб илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчилик ва теология юксак даражада ривожлана бошлайди.

Ўйғониш даври маданиятининг яна бир мухим хусусияти-турли фан соҳаларида ҳақиқий демократик жараённинг рўй берганлигидир. ўша даврнинг буюк алломалари - илм-фан фидойилари миллати, диний эътиқодлари канака бўлишидан ҳатъий назар, ягона мақсад-фанларни ривожлантириш учун курашадилар. Юнон, яхудий, араб, форс, турк, хинд, хитой, византия ва бошқа ҳалқлардан етишиб чиқсан олимлар шарқнинг Бағдод, Дамашк, Куфа, Басра, Бухоро, Самарканд, Урганч, Марв каби маданият марказларида тўпланишиб. фаннинг турли соҳалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Умуман олганда, Ўйғониш даври маданий тараққиётининг хусусияти-ижтимоий ва маънавий тараққиётда муайян этник бирликларнинг миллий маданиятни, миллий қадриятларни қайта тиклаш ва юксалтиришга бўлган юқори даражадаги бунёлкорлик интилишлари билан характерланади.

Урт Осиё ва Хурросон худудларидан етишиб чиқсан кўпгина мухандислар, фикхшунослар, ислом назариётчилари хали шаклланиб улгурмаган ислом дининнинг назарий жихатдан мустажкамланишига жуда катта улуш кўшдилар. Чунки, IX аср бошларигача «Куръони Карим»ни тахлил қилиш, суралар ва оятларни назарий жихатдан асослаш шаклланиб улгурмаган эди. Оятлардаги кишилар хали тушуниб етолмаган, мунозарали жихатлари мавжудлиги сабабли турли хил мазхаблар ва ҳатто, Куръони Каримнинг яратилганлиги ёки Оллох томонидан Мухаммад пайғамбарга вахий қилинганлиги устида айрим

тортишувлар (мутакжилмлар ва мұтазилилар ўртасыда) бежиз вужудға келмаган эди.

Шу босидан хам IX асрдан боштаб энг аввало «Қуръон»ни талқин килиш, «Хадис»ларни тұплаш, шариат қонунларини ишлаб чиқиш ва ислом оламида унинг устиворлигига эришиш, исломнинг фалсафий асосларини яратиши каби дөлзарб масалалар хал қилина бошланди.

Бу вазифаларни амалға оширишда буюк аждодларимиз-Имом Бухорий, Ат-Термизий, Бурхониддин Марғиноний ва ўрта Осиёдан етишиб чиққап бошка күп slab машхур сұғыйлар, уламолар, шоирлар, тильтунослар, файласуфлар улкан хисса құшдилар. Хуялас, IX аср исломнинг назарий ва амалий жихагдан мустахкамлағиши ва Хадис илмининг «олтін асри» бўлиб қолади.

IX асрдан бошлаб ислом оламида хадисшунослик илми, яъни хадисларни тұплаш, уни ўрганиб, таҳлил қилиб ва тартибга солиш ривожланади. Хадисшунослик илмининг ривожига ислом оламида «Хадис илмининг амири» номини олган Имом Бухорий мухим роль ўйнайди. У ислом назарияси ва хадисшунослик илмігі оид 29 ға яқин асар ёзади. Унинг «Ал Жомеъ ас-Сахийх», «Ал адаб ал-Муфрад», «Ат Тарих ас - Сағир», «Ат Тарих ал-Кабиyr», «Китоб ал-Илал», «Китоб ал - Куна» каби асарлари Имом Бухорийни ислом оламига машхур килади. Айниқса, унинг 4 жылдлик «Ал Жомеъ ас-Сахийх» («Ишончли тұплам») асари мусулмон оламида «Қуръони Карим»дан кейинги иккінчи маңба хисобланади.

Имом Бухорий тұплаган хадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қонууларни акс эттирибгина қолмай, уларда меҳр-мухабbat, сахийлик, очик күнгиллик, ота-она, аёллар ва катталарга хурмат, етим-есирлар ва ожизларға мурувват, фәқир-бечораларға химмат, ватанға мухабbat, меңнатсеварлик, ҳаләллик ва дұст-биродарлық каби умуминсоний ахлоқ- нормаларини тарғиб қиливчи, уларның мазмун ва мөхияттіні акс эттирувчи комусий асардир. Унда

нима яхши-ю, нима ёмон, нимани бажариш мумкин-у, кайси бирларини бажармаслик афзалларини, нималардан үзини тийиш зарурлигини күрсатуучи панд-насихат ва ўгит кабилар асосий ўрин эгаллади. (қаранг: У.Уватов. Донолардан сабоклар. Т., 1994.10-бет).

И мом Бухорийнинг энг яқин шогирди ва маслахаттўйи И мом ат-Термизий бўлган. У хадисшунослик илмига оид «Ал Жомеъ ас-Сахийх», «Ал Жомеъ ал-Кабийр», «Сахийх ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» каби 10 дан ортиқ асар ёзди.

Ат-Термизий хам ўз устози имом Бухорий сингари ўзи тўплаган хадисларни тоифаларга бўлиб, сахийх (ишончли, тўғри), хасан (яхши), мақбул ва заиф (бўш) каби гурухларга ажратиб тахлил қиласди. Ат-Термизийнинг «Ал Жомеъ ас-Сахийх» асари қуйидаги бобларни ўз ичига олади: taxorat, намоз, закот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, эмизиш, талок, савдо-сотик, қозилик ахкомлари, таомлар ва ичимликлари истеъмол қилиш меъёрлари, товои тўлаш, меъёр, курсонлик, назр-ниёз, иймон, жиход, хайр-эхсон ва саховат, табобат, фарзлар, васиятномалар, тақдир, жаннат сифатлари, илм, одоб ва ахлок, Куръон фазилатлари, кироат, тафсир ва бошқалар.

Умуман олганда, ҳамюртларимиз И мом ал-Бухорий ва ат-Термизийлар ўзлари яратган асарлари билан нафақат ислом олами маданий тараккӣётига, балки умуминсоният маънавиятига тараккӣётига улкан таъсир кўрсата олганлар.

IX асрдан бошлаб ислом оламида суфизм тариқати вужудга келади. Тасаввуф дастлаб покланиш, тарки дунёчилик орқали тақвадорликка эришиш тарзида вужудга келади. Улар дабдабали хаётдан юз ўтириб, борига қонаот қилиш, дарвешлик ёки зоҳидлик йўлини тутишни танлайдилар. Суфизмнинг дастлабки вакъллари хатто, одамлар орасида бўлиш, улар билан мулоқат қилишда турли хил гуноҳ сўзларни тингламаслик, уларнинг ғам-аламларига, курсандчиларига шерик бўлмаслик, кўнгил хаваси майлига тушиб

қолмаслик, яъни кулок, кўз, тан ғунохларига ботиб қолмаслик учун одамлардан узокроқда яшашни, хилват жой танлаб, ёлғиз Оллоҳ зикрида бўлишни ихтиёр этадилар.

Сўфийнинг бирдан-бир мақсади хар томонлама покланиб илохий рух билан қўшилиб кетишидир. Тасаввуфда илохий рух гояси хар бир суфийни харакатга кетирувчи қудрагли куч хисобланади, яъни инсон рухи Оллоҳ томонидан берилган. Демак, илох ато қилган рух яна унга қўшилиб кетиши керак. Лекин бу қўшилиш осоннина амалга ошмайди. Бунинг учун инсон худо ато қилган умри давомида ўз рухини камолотга етказиб, Оллоҳга бўлган ишқини қалбida сақлаб, унинг дийдорига эришишга ўзини бағишлаганлигини исбот этиши зарур.

Сўфизмнинг хусусияти - инсонни камолотта эришишига ундашdir. Инсон тариқат йўлига кирап экан табора камолотга эриша боради, соғдиқ донишмандга айлана боради. Инсан тасаввуф йўлидан бораркан, ўзилаги ярамас иллатларни йўқотиб, такомил боскичига кўтарила боради.

Сўфизм ўзига ислом, насронийлик, буддавийлик, хиндуизм ва бошқа динлардаги ахлоқий комиллик орқали худога етишиш каби идеал мақсадни ўзига мужассамлаштиради. Демак, суфизмда ахлоқий камолотта эришишдек умумбашарий идеаллар мужассамлашган.

Шу боисдан тасаввуфдаги хар бир тариқат асосчилари илохий ишқи эришишнинг тартиб қоидаларини ишлаб чиқдилар.

IX асрга келиб суфизмнинг назарий асослари, яъни ўз-ўзини чиниқтириш, тарбиялашнинг амалий - руҳий машклари ва йўллари ишлаб чиқилади.

Тасаввуф X-XI асрлардан бошлиб Эронга, сунгра, Мовароуннахрга таркалади. Унинг кенг кўламда ёйилишида ўрта аср акоид мутафаккирларидан Хаким Термизий, Абу Хамид ғаззолий, Юсуф Хамадоний, Абдухолик

тиждувоний ва Ахмад Яссавий, Нажмиддин, Кубров каби тарикатчиларнинг хизматлари каттадир.

Тасаввуфнинг Яссавийлик тарикатига асос солган Ахмад Яссавий ўзининг «Хикматлар» асарида тасаввуфнинг асл мөхияти ва ислом дипицинг қонун - коидалари хамда урф-одатларининг мажмуи хисобланган шариатни атрофлича асослаб беради. Шунингдек, Ахмад Яссавий тасаввуфнинг маслаги хисобланган тарикатни, рухий-маънавий камолотнинг асоси бўлган маърифатни ва камолотга етишишник йўли хисобланувчи хақиқатни асослаб беради.

Ахмад Яссавийнинг таъкидлашича, хақиқатга эришмоқ учун маърифатга эга бўлиш, маърифатта эришмоқ учун тарикатга амал қилимок, тарикатга амал қилиш учун шариатга бўйсуниш талаб қилинади. Лекин Ахмад Яссавий камолотга эришмоқ учун ушбу тўрт йўлни босиб ўтувчи хар бир солик таркидунёчилик қилиши, фоний дунё роҳатларидан воз кечипи, узлатда тоаг-ибодат йўлида заҳматлар чекиши зарурлигини таъкидлайди.

Нажмиддин Кубро Хоразмда «куброя» сулукига асос солади. Кубровия сулукининг асосида «тавба», «зухр» («мол-дунёдан воз кечиш»), «таваккул» («коллоҳ йўлида»), «қаноат», «узлат», «зикр», «таважҷух», «сабр», «муракаба» («камол топиш») ва «ридо» («хакка етиш») каби бажарилиши шарт бўлган қонун-коидалар ифодаланади.

Куброзия тарикатининг мөхияти-Оллоҳ дийдорига етмокка карор қилган содихнинг камолотга эришмоғи, камолот йўлида машаққатли меҳнат қилиши ва бу жараёнда фоний дунё нознеъматларидан баҳраманд бўлишга рухсат этилганлигидир.

Кубровийлик тарикатининг энг мухим хусусияти-сўфийнинг доимо ҳалқ билан бирга бўлиши, ўзи яшаётган юртни химоя қилишга даъват этишидир. Шу боисдан Нажмиддин Кубро Чингизхон кўшинлари Хоразмга хужум қилганда,

халқ билан бирга бўлади ва қўлига курол олиб, ўз шогирдлари хамда издошлари билан бирга босхинчиларига қарши курашади ва шахид бўлади.

Нажмиддин Кубро ўзининг «Фавоих ал-жамол ва фатотих ал-жамол» («Жамолининг муаттарлари ва камолотнинг эгалари»), «Ал-усул ал-ашара» («ўнта қонун за ҳоидалар») номли асарларида ўз сулукининг асосий моҳиятини очиб берган ва сўфийлик таълимотининг ривожига улкан хисса қўшган.

Сўфизмнинг Урта Осиёда кенг тарқалиши ва ислом оламига кенг сийлган яссавийлик, кубровийлик, кейинчалик нақшбандийликнинг вужудга келишига асосий сабаб, сўфийлик тарикатининг махаллий халқларнинг анъанавий эътиқодлари, сигиниш элементларини инкор қилмасдан ўзига сингдириши ва махаллий шарт-шароитларга мосланувчанлиги хисобланади.

Марказий Осиёлик бир қатор шоирлар илк Уйғонин даври араб адабиётининг ривожланишига улкан хисса қўшдилар. Абу Мансур Ибн Абдумалик Ас-Саслийнинг «Аср ахли фозиллари хақида замона дурдонаси» ва «Татиммат ал - Йатиммат» асарларида берилган мълумотларга кура, Марказий Осиёлик 130 га яқин шоирлар ривожланишига катта улуш қўшадилар.

Уч тилда ривожланган адабиёт ўша даврнинг долзарб муаммоларини, кишиларнинг диний эътиқодлари, табиат ва ижтимоий тараққиётига, илм ва маърифатга муҳосабатларини турли-туман ўзига хос услублар орқали ёритиб беради. Натижада поэзиянинг маснавий, газал, рубоий, қитъа ва бошка жанрлари, дидактик достонлар, суфизм шеърияти кенг ривожланади. Бу давр адабиётининг асосида Уйғонин даврларига хос хусусият - инсон муаммоси, унинг акл-идроқи, ахлоқ - идроқи, ахлоқ - одоби ва маърифатга бўлган инилишилари ётган. IX-XII асрлар адабиёти сарой қошида шаклланган. Натижада дастлаб мадхия шаклидаги касидалар, ботиний ишқ-мухаббатни тараннум этувчи газаллар, май ва айш-ишрат мавзуларидаги рубоиёт, муайян

шахслар, айниҳса, хукмдорлар ва улар атрофини ўраб олған амалдорларнинг ракибларини хажф остига олиш кучаяди. Бу дунёниг бевафолиги, барча парсаларнинг ўтқинчилиги мавзуларидаги, яъни зохишлик руҳидаги шеърият ривожланади.

Ислом динининг ёйилиши Марказий Осиё меъморчилиги ва ҳалқ амалий санъат тараққиётiga кучли таъсир кўрсатади. Меъморчилик ва ҳалқ амалий санъатида янгича турлар ва уларни яратишнинг янгича услублари вужудга келади. Кўпгина меъморчилик ёдгорликлари ислом дини хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда қурила бошланган бўлсада, ўзида ислом динигача бўлган азалий анъаналгрни ҳам саклаб қолади. қурилиш (меъморчилик) санъати анча такомиллашади. Бу даврда Самарканд, Бухоро, Урганч, Термиз, ўзғаш, Марв каби шахарларда саройлар, масжидлар, хонокохлар, мадраса ва миноралар, тим ва сардобалар қурилган. Айниҳса, накшинкор меҳмонхоналар, кўркам ва сўлим истироҳат боғлари қуриш авж олган.

IX-XII асрлар меъморчилигининг яна бир хусусияти-шахар маркази-Шахристонларнинг вужудга келганилигидир. Шахар марказида турли саройлар, мақбаралар, мадраса ва масжидлар, йирик бозорлар, карвонсаройлар ва савдо расталари барпо этилади.

Исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши анъанавий тасвирий санъатда туб ўзгаришлар рўй беришига олиб келган бўлса, наккожлик, ганҷкорлик, ўймакорлик, кандақорлик ва бошқа ҳалқ амалий санъатларининг бойишига таъсир кўрсатади.

Бу давр Марказий Осиё ҳалқлари маданиятининг юксалиши худудий чегарадан чиқиб, минтақа, сўнгра умумжахон маданияти тараққиётiga кучли таъсир кўрсатилганлиги билан характерланади.

IX-XII асрлар маданий тараққиётни кейинги давр Европа ўйғониш даври маданиятига кучли таъсир кўрсатиб, европаликларнинг ўтмиш маданий

меросига, янги давр ижтимоий-табии тараққиётiga бўлган муносабатларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Шарқ Уйғониш даври маданиятида асосий эътибор инсон маънавий дунёси такомилига қаратилади. Комил инсон, хакқа интилишга чорлаш, имон ва эътиқод яқдиллиги, фалсафий тафаккур, санъат ва адабиётнинг барча кўринишларининг асосий мавзусига айланади.

Шарқ Уйғонип даври маданияти ва маънавияти такомилидан хуроса чиқарган Европа Уйғониш даври мутафаккирлари, асосий эътиборни нафакат инсон акл-идроқига қаратадилар, балки унинг моддий манфаатдорлигига ва табиий тараққиёт конунуятларини очишига хам қаратадилар.

Илк Уйғониш даври маданияти фан, адабиёт, санъат ва меъморчилиқда инсоният ижоди маҳсулиниң энг ноёб ёдгорликлари ва асарларининг яратилишига, кейинги даврлар мутафаккирларининг илхом манбаига айланган, нафакат ислом дунёси ҳалқлари, балки умумбашариятнинг абадий ёдгорлигига айланган асарларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Бу давр маданияти кўпгина этносларнинг ўзлигини англаш етишларига, этник бирлик сифатига шакланишига ёрдам берган.

Илк уйғониш даври, яъни IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хурасонда туркираб яшнаган маданий хаёт Муғул босқинчилари томонидан яксон килинади. Маданий-иктисодий жихатдан ривожланган шахарлар, обод кишлоклар, жам-яшил боғлар харобга айлантирилади. Илм-фан масканлари, маънавият ва маърифат ўчоқлари ҳисобланувчи мадрасалар, расадхоналар, кутубхоналар йўқ килиниб, уларда авайлаб асралаётган нодир асарлар ва қўлёзмалар ёндирилади ёки ташиб кегилади. Илм-фан, санъат, адабиёт ва меъморчилик тараққиётiga улкан хисса қўшган буюк кишилар ўлдирилади ёки қувғин остиға олинади.

Лекин халқнинг мустахкам иродаси, миллий эътиқоди ва тафаккури кучлилик қиласи. Йжтимоий қонуниятга асосланган босқинчи халқнинг тили, диний эътиқодлари, маслаги, мағфураси ва хаёт тарзининг ерли халқ томонидан қабул қилинши анъанаси бузилади. Илк Уйғониш даврида шаклланиб улгурған, тарақкий этган маънавият ва маданият босқинчи халқ эътиқодидан устунлик қиласи. Натижада мағлуб халқнинг босқинчи халқ маслагини қабул қилиши қонунияти бузилади. Ерли халқ маънавиятининг мустахкамлиги сабаб, муғул босқинчилари ерли халқ эътиқодини, тили ва хаёт тарзини қабул қилишга мажбур бўладилар.

Муғул босқинчиларига қарши мустақиллик учун олиб борилган курашлар уз самарасини беради, яъни истилочишлар давлат бошқарувининг заифлашувига ва кучли Темур давлатининг вужудга келишига олиб келади.

Хокимият тепасига келган Амир Темур муғул босқинчилари майда бўлакларга бўлиб ташланган феодалликларни бирлаштириб қудратли Темур империясини вужудга келтиради.

Амир Темур уз тасарруфидаги мамлакатларнинг мавжуд бойликларини ишга солиб, ўз империясини йўқтисодий ва маданий жихатдан юксалган қудратли давлатга айлантиради. Мамлакат ичida бирлик ва барқарорликни ўрнатиш, тинчликни таъминлаш учун кўплаб чора - тадбирларни амалга оширади. Халқнинг диний эътиқодини мустахкамлаш мақсадида халқ ишончини қозонган рухонийлар, тасаввуфнинг йирик вакилларини обрўсини янада баланд мартабага олиб чиқади.

Сиёсий бошқарувнинг марказлашган шаклини янада кучайтириш мақсадида Самарқандга энг мўътабар кишиларни: фалсафий тафаккур эгаларини, илоҳиётшунослар, олимлар, санъаткорлар, меъморлар ва бошқаларини, тўплайди. Мамлакатнинг ички ва ташки сиёсатини юргизишда

энг буюк күч хисобланған халққа сұянағы, унинг жохиши иродасини эътибордан честда қолдирмайды. Хар бир иштәудөлгөт билаң ёндашады.

Мунтазам равища фозил кишилар-олимлар, уламоларнинг йигилишларини چакириб туради. Бу йигинларда мамлакат ҳасти учун мухим ахамиятта әга бўлган турли хил иншоотлар ва биноларни қуриш ҳамда бошқа муаммолар хал қилинганди. Турли жойлардан йигилган мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб, нафакат Мовароуннахр, балки Олтин ўрда, Оқ ўрда, Хурросон ва Эрон, Ирок ва Туркия, Хиндистон ва Марғиб ҳаётининг энг долзарб муаммоларини мухокама қилиб хал қилган.

Уз мамлакатини иқтисодий ва маданий мустахкамлашда дехқончиликка алоҳида эътибор беради. Кўпприклар, работлар, сардобалар, мадрасалар, шифохоналар ва йўлларнинг қурилишига кўплаб маблағлар сарфлайди. Савдо-сотик ишларининг мўътадиллиги учун савдо карбонларининг хавфсизлигини таъминлайди. Булар ҳакида Амир Темурнинг ўзи шундай деб ёзди: «Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, ҳолиса (даромад ва ер ишлари билан шугулланувчи хайъат) тарафдан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга курби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берилсин, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қўйдимки, ҳароб бўлиб ётган ерларда коризлар курсинлар, бузилган кўпприкларни тузатсизлар, ариклар ва дарёлар устига кўпприклар курсинлар, йўл устида хар манзилгоҳга работлар курсиилар» (Қаранг: Темур тузуклари. Т., 1991. 92 –бет.).

Темур даврида хам ўрга асрлардаги сингари илм-фан тараққиёти учун муайян шарт-шароитлар яратилади. Амир Темур илм ахлларини ўз хомийлигига олади, уларни етарли маош билан таъминлайди. Айниқса, Самарқанд шахрини илм-фан, адабиёт ва санъат марказига айлантиради. Бу ерга дунёning кўп жойларидан фозилу фузалоларни, санъаткорларни йиғади. ўзи забт этган мамлакатлардан нафакат кимматбаҳо бойликларни, балки нодир китобларни

хам олиб келади. Темур ўз саройида нодир кўлёзма ва китобларни саклайдиган йирик кутубхона - «Китоби гумбаз»ни курдиради.

Амир Темур илк уйғониш даври илм ва санъатпарвар ҳукмдорлари анъаналарини давом эттириб, математика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанларнинг хамда шеърият, мусиқа ва мезъморчиликнинг ривожланишига катта имкониятлар яратиб беради. У ўзининг хар бир сафари чоғида олимларни, тарихчиларни, мунахжимларни санъаткорларни, хаттотларни ўзи билан биргә слиз юрган. Натижада ўз тасарруфига киритган барча юртларнинг маданий хаётини ягона маданий тарракқиёти жараёни ривожига сафарбар эта олган.

Амир Темур Самаркандга ўз империяси худудига киравчи барча мамлакатлардан машхур олимларни, адиллар ва шоирларни йигади. Масалан, Темур саройида ўз даврининг Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Ахмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Оловуддин Кошӣ, Саъдиддин Тафтазоний, Мир Сайид Шариф Журжоний каби машхур олимлар тўплаган эди.

Амур Темур шеърият ва мусиқа санъатига катта қизиқиш билан караган. Шу боис Амир Темур даврида турк тилида асарлар ёзиш янада кучайган. Самарқанд, Хирот, Алх ва бошқа шахарларда турли турк адабиётининг кўзга кўринган намоёндалари тўпланган. Вамберининг кўрсатишича, Темурнинг «сарой ажнабий уламолар ва хунармандлар билан тўла эса-да; мамлакатнинг расмий тили хар вақт туркча бўлди. Хатто мўғул, уйғур ёзуви-насронийлик, буддавийлик мажусийлик дари ўлароқ- мутаассиб мусулмонлар тарафидан жуда ёмон кўрилган холда, муҳофаза этилди. Темурнинг ўзи тиник ва очик турк шевасида ёзар эди... «Тузукот» фикримизни исбот этадир. Шундог бўлса-да, у ўз замонидаги расмий мухаррирлар ва шоирлар билан учрашганда, уларнинг

катьиј вә таклиф сүзларига кулоқ соларди». (Каранг: Х. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т., г.гулом номли адабиёт ва санъат нашриёги. 1996 . 56-бет.).

Амир Темур гўзаллик вә юксаклика мухаббати пихоятда кучли бўлган. У ўзининг бу мухаббатини хар бир муваффакиятини ва севинчли воқсаларга атаб курдирган мезморий ёдгорликларга сингидиради.

Амир Темур Самарканнада довруги оламга ёйилган бир катор мезморий ёдгорликлар-Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шохизишда мақбараси, Самарқанд атроғидаги Ёғи Чинор, Ёғи Шамол, Ёғи Дилкушо, Ёғи Бехишт Ёғи Нав каби боғлар өа саройлар курдиради. Кўпілаб йўллар курдириб, Кўҳак (Зарафшон) дарёсига, Аму ва Сирдарёларга кўприклар курдиради. Бошка шахарларда жам турли-гуман бинолар барно эттиради. Масалан, Табриз шаҳрида масжид, Шерозда улкан сарой, Ёғододда мадраса, Туркистон шаҳрида казрати Ахмад Яссавийга мақбара курдиради.

У 1392 йили Охангарон дарёсининг Сирдарёга куйилиши жойида ўғли Шоҳруҳ Мирзо шарафиға Шоҳруҳия шаҳрини барпо қўлдиради. Бу шаҳар, тарихий маълумотларга, кўра, XVII асртагача савдо ва хунармандчиликнинг марказларидан биря бўлган. Шаҳардаги кулоқчилик, шишаосозлик ва кайиксозлик устахоналари машхур бўлган Тарихчи Абдураззок Самарандийнинг ёзишича, Шоҳруҳия Мовароуннахр хўдудидаги мустаҳкам қальъали шаҳар бўлган. «Бу қальъа, уч томондан Сайхун (Сирдарё) билан ўралган. Тўртинчи томони эса сув тўлатилган хандаклар ва зовурлар билан ўралган бўлиб, улардан сузуб ўтиш жуда мушкул бўлган» деб ёзди у.

Шакрисабз шаҳри, айникса, Амир Темур даврида гуллаб-яшнайди. У ўзининг ватани хисобланган шаҳарга алохида эътибор беради. 1380 йили Оқсарой касрини курдиради. Бу сарой 12 йилдан ортиқроқ вақт ичида қурилади.

Машхур тарихчи Абдураззок Самарқандийнинг маълумотига кўра, Оксаройни машхур Хоразмлик усталар қурган.

Оксарой деворларидағи турли-туман рангларнинг жилоси, кошинкорий сюжетлар, тарихий, фалсафий ва диний мавзудаги ёзувлари, ислимий, геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг ўзаро уйгунилиги бинога ажойиб ва сөхрли мазмун багишлаган. Рангларнинг ой ёруғида жилюланиб оқариб кўринишидан бино «Оксарой» номини олган.

Шунингдек Амир Темур Шахрисабзда ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбарасини курдиради. Жаҳонгир Мирзо 1367 йилда тўсатдан вафот этади, ва ана шу мақбараға дағн этилади. Бундан ташкари Шахрисабзда Дор ус Саодат, Дор ул-тиловат, Гумбази Сайидон каби машхур меъморий ёдгорликлар, масжид, мадраса, каммол, карвоқсарой, беш гумбазли чорсу биноси кабилар бунёд этилади.

Амир Темур саройида Саъдиддин Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний каби уз даврининг буюк фалсафий эгалари хам ижод қилидилар.

Саъдиддин Тафтазоний 1322 йилда Ашхобод яқинидаги Нисо шахрида туғилган илоҳиёт, мантиқ, нотиқлик санъати, араб тили грамматикаси, ахлоқшунослик масалалари бўйича чукур билимга эга бўлган. У Гиждувон ·Туркистон, Хирот ва Моварауннахрнинг кўпгина шахарлари мадрасаларида мударрислик килган. Тафтазоний Амир Темурнинг таклифиға кўра Самарқандга келади ва саройда ўз фаолиятини давом эттиради. Тафтазоний мантиқ илмига оид «Мантиқ ва Каломга сайқал бериш» нотиқлик санъатига оид «Қисқача маънолар», «Кенг талқин» араб тили грамматикасига оид «Йул бошловчи раҳбар», фалсафа ва каломга оид “Толиби илмларнинг мақсадлари” каби кўплаб асарлар яратади. Тафтазоний ўзининг асарларида табиатда учраб турадиган ҳодисалар, уларнинг йчки алоқалар ва сабабий бояганишларига инсоннинг ирода эканлиги, хулқ - автори, худо ва инсон тақдири, билиш

назарияси, билишда мантикий тафаккурнинг ўрни ва бошқа фалсафий карашларининг ифодалаб беради.

Сохибқирон саройида хизмат қилган машхур файласуфлардан яна бири Мир Саййид Шариф Журжонийдир.

Журжоний 1339 йили Астраобод якинидаги Тағу кишилогидан туғилади, 1387 йили Амир Темурнинг таклифига кўра Самарқандга келиб фаолият кўрсатади бошлайди, ҳам Самарқанднинг машхур мадрасаларида фалсафа, мантиқ, фикхшунослик, тил ва адабиёт, мунозара илми каби файлардан мударрислик киласди. «Борлик хақида рисола», «Дунёни акс этирувчи кўзгу», «Мантиқ усули», «Мунозара олиб боришнинг қоидалари хақида рисола» ва бошқа кўплаб асарлар ҳамда турли файласуфларнинг асарларига ёзилган шархлар Журжоний қаламига мансубдир.

Журжоний ўз асарларида борлик хақида таълимот, коинот жумбоклари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёning хусусиятлари, жисмоний ва рухий мұносабатлар, билиш мұаммолари, мантикий фикрлаш, тил ва тафаккур каби масалаларни ёритиб беради.

Умуман олганда Темур саройида фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатувчи олимлар яшаганлар. Сохибқирон уларга ҳомийлик қилиб, уларни тақдирлаб турган. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд ва унинг атрофидағы мадрасаларда мударрислик қилғанлар. Фан соҳаларининг ривожланишига Амир Темурнинг алоҳида эътибор билан қарагавлиги унинг тафаккур доираси жуда кенг бўлғанлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш зурурки, Амир Темур даврида ягона сиёсий бошқарувга эга бўлган, бошқа қўшни давлатлар маданиятига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Сохибқирон ўзининг етук сиёсатдонлиги, илм-фан, санъат ва адабиёт намоёндаларига кўрсатган гамхўрлиги билан мўғул босқинчилари томонидан якson этилган Марказий Осиё уйғониш даври

маданиятини қайтадан тиклайди. Марказий Осиё халқаринин буюк бундкорлик салохияти, имон-эътиқоди, аждодлар анъаналарига содиклигини яна бир бор намойиш этади. Буюк ва қудратди туркий уруғларининг бошини бир ерга бириклириб, жаҳон давлатчилиги тарихидан муносаб ва мустахкам жой эгаллашларига эришади.

Темурийлар даврида маданиятнинг таракқий этишига хисса кўшган хукмдорлардан бири Шоҳруҳ Мирзодир. Хурросонда 50 йил хукмронлик килган Шоҳруҳ Мирзо энг аввало юртнинг ободчилиги учун кўп саъй харакат килиди, ички низоларни бартараф этиб, хунармандчилик, айникоша, дехқончиликнинг ривожланишига асосий эътибор беради. Натижада давлатининг йирик шаҳарларида ишлаб чиқариш жараёни анча жонланади. Дехқончилик ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бир неча баробар ошади. Шунингдек Шоҳруҳ Мирзо бошқа ўлкалар ва мамалакатлар билан савдо-сотик хамда маданий-сиёсий алокаларни авж олдиради.

Шоҳруҳ Мирзо хам ўз отаси Амир Темур изидан бориб, сарой кошида йирик қутубхона курдирадиган кўплаб нодир асарлар ва кўлёзмаларни ингидиради. ўз саройига ўша даврининг кўзга кўринган уламолари, олимлари, санъаткорлари, шоирлари ва меъморларини тўплайди.

Амир Темур вафотидан сўнг ўз даврининг машхур географ олим Хофиз Абру бошпана истаб Шоҳруҳ Мирзо саройига келади. Хофиз Абронинг ёзишича, Шоҳруҳ Мирзода «оламнинг шакли, қуруқлик ва сувлик, водий ва тогларнинг кайфияти хамда давлатлар давлатлар орасидаги йўллар сонини тадқиқ қилиш хохиши» пайдо бўлади. Шу боисдан у хукмдорнинг кўрсатмасига биноан 1427 йили географияга оид «Зубдат ут-таворих» асарини ёзади.

Шоҳруҳ Мирзо хам ўз пойтатхи Хирот, Марв, Балх ва бошқа шаҳарларда кўплаб мезморий ёдгорликлар, боғ - роғлар, сугориш системаларини, масалан, Мурғоб дарёсига тўғон курдириб Марв шаҳрининг сувга бўлган эхтиёжини

қондиради. Залх шахрида хам кўплаб иморатлар қурдириб, кўчаларни янгилатади, коризлар қаздириб сув таъминотини яхшилайди.

Темурийлар даври маданиятининг юксалишига, айникса аник фанлар тараққиётӣ, илм-маърифатнинг, меъморчилик санъатининг ривожига улкан хиссани Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Улугбек қўшади. Йирик давлат арбоби, мохир саркар улуғ астроном, фан ва маданият хомийси Улугбек даври темурийлар даври маданиятининг ёрқин сахифаларидан хисобланади.

Академик Б.Ахмедов таъкидлаганидек, Мирзо Улукбек Мозарауннахрнинг шахарларини, айникса, унинг пойтахти Самаркандни обод килишга улкан хисса қўшади. Энг аввало, бобоси Амир Темур даврида бошланган, лекин хар хил сабабларга кўра тугалланмай қолған бинолар “Шоҳизинда”, “Гўри Амир”, “Шахрисабз”даги кўк гумбаз ва бошқалар курилишини охиргита етказдиради.

Шахар марказини ободонлаштиришга алоҳида эътибор берали. Шахар марказий майдони-Регистонда мадраса, хонакоҳ, карвонсарой хаммом ва бошқа кўркам биноларни қурдиради. Мовароуннахрнинг маданий жихатдан ривожланган уч шахри-Самарқанд (1417-1420), Бухоро (1417 йилда) ва Гиждувон (1433 йил)да мадрасалар барпо эттиради.

Ўзи бевосита раҳбарлик қилган холда 1424-1428 йилларда ўша даврнинг академияси-Расадхонани қурдиради.

Бизга маълумки ҳар бир даврда бунёд этилган меъморий ёдгорликларнинг ҳар бири муайян мақсадни кўзлаган холда курилади. Агар Улугбек даврида курилган меъморий обидаларнинг мақсадли томонларига эътибор берсак, мазкур биноларнинг кўлчилиги илм-фан, маънавият ва маърифатни ривожлантиришга хизмат килганиligini курамиз. Масалан, Самарқанд, Бухоро ва Гиждувондаги мадрасалар, Самарқанддаги расадхона илм-фан ривожига улкан хисса кўшган. Самарқанд ва Шахрисабзда курилган

масжидлар за мақбаралар эса кишиларнинг маънавий эътиқодини мустаҳкамлашга, диёнат ва имон поклигининг шаклланишига хизмат килган.

Улуғбек курдирган мадрасаларда илохиётгунослик, мантиқ, фалсафа илми аruz каби фанлардан ташқари, аниқ фанлар: математика, геометрия, астрономия, табобат, география каби илмлар ўргатилган. Давлатиоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» асрида ёзишича биргина Самарқанд мадрасасида 100 дан ошиқроқ талабалар илм олганлар: «Улугбек Кўрағон Самарқандда бир олий мадраса, бир олий масжид хам бино этдиким, безаги, афзаллиги ва улуғворлиги жихатидан унга ўхшаш етти иклимда хам йўқдир. Шу кунларда ул олий мадрасада юздан ортиқ талаба ўқиб, истикомат қилмоқда», деб ёзади.

Улуғбек даврида Самарқанд Мовароунаҳр ва Хурросон ўлкаларининг хақиқий илм-фан маркази хисобланган. Самарқанд мадрасаси ўз даврининг университети хисобланган бўлса, расадхона хақиқий академия мақомига эга бўлган мадраса ва расадхонада «ўз даврининг Афлотуни» деб ном қозонган машхур математик ва астроном Қозизода Румий, «ўз даврининг Птолемей» номини олган математик ва астроном Али Кушчи, астрономлар ва математиклар Мансур Коший, Али ибн Мухаммад Биржандий, Мирам Чалабий, гиёсиддин Жамшид, Мухаммад Чагминий кабилар фаолият кўрсатганлар.

Улуғбек даврида Самарқанд ижод гулшанинг бўстонига айланган. Шу боисдан «Солнсмалар каймоги» номли асарнинг муаллифи тарихчи Лутфулла Хофизи Абру, фалсафий тасаввурга оид «Ат-тарифати Журжоний» рисоласининг муаллifi Али ибн Мухаммад Журжоний, машхур табиб Мавлоно Нафис, лирик шоирлардан Сирожиддин Бисотий, Самарқандий, Ҳаёлий Бухорий, «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг муаллифи Дурбек, касида жаҳрининг асосочиси Саккокий ва бошқа фан адабиёт ва санъат намояндлари яшаганлар.

Улугбекнинг ўзи олим сифатида астрономияга оид «Зижи Жадиди Кўрагоний», «Рисолай Улугбек», математикага оид «Бир даража синусини аниклаш хақида рисола», тарихга оид «Тарихи арбас улус» номли асарлар ёзган.

«Зижи Жадиди Кўрагоний» асарида Улугбек хижрий, суриний, юнон «жалолий», хатой ва уйғур хамда форсий эралар, уларда келтирилган саналар ва байрамларни қайд этиб, улар тўғрисида ўз фикриларини илгари суради. Шунингдек математика, сферик астрономия, күёш, Ой ва беш сайёра тўғрисида илгари суради.

Хуллас, тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий таъкидлаб ёзганидек, «Олим, одил, голиб ва химматли подшоҳ Улугбек Кўрагон... юлдузлар илмила осмон қадар юксалиб борди, маоний илмда қилни кирик ёрди. Унинг даврида илму фозиллар мартаабаси никоят чўққига кўтарилди».

Хуросон маданий хаётига жилдий таъсири кўрсатган темурийзодалардан бири Шохруҳ Мирзонинг учинчи ўғли Бойсункур Мирзодир.

У дастлаб отаси хукмронлик қилаётган Хуросоннинг бир катор вилоятларида хокимлик қиласди. 1416-1420 йиллари эса отаси қўлида вазирлик қиласди. Мазкур кутубхона Хуросондаги асосий илмий-маданий марказ хам хисобланган.

Бойсункур Мирзо «Ногиристон» га хаттотлар, сахлофлар наккошлар, лаввохлар (лавҳа чизувчилар) каби хунар эгаларидан киркка яқинини тўплайди ва уларга ўша даврнинг машхур хаттоти-Мавлоно Жаъфар Табризийни бош қилиб қўяди. Улар турли шахар ва кишлоказлардан қўлёзмаларни тўплаши, кўчириш безаш китоб шаклида келтириш, кўлайтириш ва тарқатиш ишлари билан шугулланадилар. Бу хусусда Давлатшоҳ Самарқандий шундай деб ёзади: «Шахзода Бойсункур хунаргарварлик ва хунармандликда жаҳонга машхур бўлди. Шеърия: ва хаттотлик унинг замонида ривож топди. (Хунарманд ва фозиллар унинг овозасини эшитиб, теварак - атрофдан хизматга келдилар.)

Хушхат котибларидан кирк киши унинг кутубхонасида китобат қилиш билан машғул бўлдилар. Бойсункур Мирзо хунарпарварлик ва хунармандлика жаҳонга машхур бўлди. Шеърият ва ҳаттотлик унинг замонида ривож топди. Хунарманд ва фозиллар унинг овозасини эшлитиб, теварак - атрофдан хизматга келдилар. Хушхат котибларидан кирк киши унинг кутубхонасида китобат килип билан машғул бўлдилар. Бойсункур Мирзо хунармандларни эъзозлар, шоирларни дўст тутар эди"

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Бойсункур Мирзонинг кутубхонасида китоб кўчириш билан биргаликда китобларга зар билан лавхалар чизиш, гўзат накшлар ва суратлар солиш, ўтмиш мутафаккирларининг ижоди ва таржимаи холига оид материалларни тўплаб ўрганиш, ноёб китоблардан нусхалар кўпайтириш, машхур<sup>3</sup> ижодкорларининг мукаммал кулииёти ва девонларини яратиш каби илмий-тадқиқот ҳамда ижодий ишлар йўлга кўйилган.

«Ногиристан» илмий-маданий ва санъат марказида юзга яқин котиблар, наққошлар, лаввохлар, қоғозрезлар, (қоғоз – уювчилар), музаххиблар, муқовачилар, матншунослар тўшаганлар ва уларга Бойсункур Мирзонинг ўзи бошчиллик қилган.

1425 йилда Бойсункур Мирзо бошчилигидаги бир гурух олимлар Абулқосим Фирдавсийнинг «Шохномаси» нинг 41 нусхасини йиғдириб, уларни қиёсий ўрганади ва танқидий матнига яқинроқ матн яратилади. Бу нусхага 21 та гўзал миниатюралар илова килинади ва настаъниҳ ҳатида кўчирилади. Илм-фандада «Шохнома» нинг Бойсункур нусхаси» деб юритиладиган бу қўлёзмага Бойсунқурнинг ўзи мукаммал сўзбоши ёзади. Бойсункур бу сўз бошига Фирдавсийга оид барча манбаларни тўплайди. Натижада Фирдавсийнинг хаёти ва ижодий фаолияти тутрисида китобхон тўлароқ тасаввурга эга бўлади.

(Қағанг: Ҳамиджон Ҳомидов. «Шоҳнома»нинг шуҳрати. Т. ўзбекистон. 1991. 63-бет).

Шунингдек Бойсункур Мирзо машхур бўлган айрим шоирларнинг шеърларини туплаб девон шаклига келтиради. Масалан, у Амир Хисрав Дехлавийнинг девонига кирган шеърларидан 120 минг байт, турли тўпламлар ва тақризлардаги шеърларидан хам 20 минг байтни жамлаб, алоҳида китоб шаклига келтиради.

Бойсунқур Мирзо уста ҳаттот ва шоиртабиат киши бўлган. Унинг туркий ва форсий тилларда гўзал шеърлар ёзганлигини Алишер Навоий хам, Ҳусайн Вониз Кошифий хам таъкидлаб ўтганлар. Унинг ҳаттот сифатида олти хил ҳатни мукаммал билганлиги, айниқса, сулс ёзуvida ўз давридаги энг уста ҳаттотларданг хам ўтиб кетганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди.

Хуросоннинг иқтисодий-сиёсий ва маданий жихатдан тараққий этишига, Мозаруннахр, Ҳиндистон билан маданий алоқаларни ўрнатишга, илғор Шарқ маданияти анъаналарининг то XVI аср бошларигача давом этишига улкан хисса кўшган темурийзодалардан бири Султон Ҳусайн Бойкародир.

Ҳусайн Бойкаро даври маърифат ва тарих илмининг, туркий адабиёт ва сўфиёна шеъриятнинг, миниатюра ва меъморчиликнинг, мусавирик ва мусика санъатларининг юксалган даври хисобланади.

Ҳусайн Бойкаро фан, санъат, адабиётнинг ривожланишга катта имкониятлар яратиб беради. Туркий тилни давлат тили даражасига кўтаради. Мовароуннахрдан бошпана истаб келаётган кўпгина олимлар, санъаткорлар, шоирлар ва меъморларга хомийлик қиласиди. Тарихий маълумотларга кўра Хиротда мингга яқин ижодкорлар фаолият кўрсатгандар. Мирзо Мухаммад Ҳайдар эса ўзининг «Тарихий Рашидий» асарида Хиротда яшаган 25 дан ошикроқ машхур олимларни санаб ўтади.

## **Савол ва топшириклар**

1. Ўота асрларда маданий-маърифий тараққиёт.
2. Марказий Осиёда ислом миңтақа маданиятининг пайдо бўлиши ҳақида гапириб беринг.
3. Марказий Осиёда «Илк Уйғониш даври» нечанчи асрларга тўғри келади?
4. Нима учун IX аср Ҳадис илмининг «олтин асли» дейилади?

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.Т., “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т., “Ўзбекистон”,2001.
3. Ўзбекистон халқлари тарихи.1-жилд.Т., “Фан”,1992
4. Ўзбекистон тарихи ва маданияти.Т., “Ўзбекисогон”, 1992
5. Исқандаров Б. Ўрта Осиё фалсафий ва ижтимоий-сийсий фикрининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавхалар.Т., “Фан”,1993
6. Қорабоев У.Х.Ўзбек халқи байрамлари. Т., «Ўқитувчи”,2001

### **1.3. КЕЧ ЎРТА АСРЛАРДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ**

Темурийлар сулоласининг сўнгги давридаги адабий жараён сермаксул давр бўлган. Адабий-бадиий жараён услугуб жихатидан анча такомиллашади ва янги бир босқичга кўтарилади. Мовароуннаҳр ва Хурросон худудларида чигатой (эски ўзбек тили) ва форс-тожиқ адабиёти ўргасидаги ҳамкорлик кенгайиб

боради, ўзбек тилининг шаклланиш жараёни тугалланиш босқичини бошдан кечирган.

Бу давр адабиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири-кўлгина шоир ва адиблар ўзбек тилининг гўзаллигини, унинг сўз бойлигини бу тилда хам назмий, хам насрой асарлар яратиш мумкинлигини намойиш қилдилар. ўзбек (турк) тилигэ иккинчи даражали тил сифатида қарашларни инкор қилдилар. Замонасининг истеъодли ва етук шоирлари хамда адибларидан Кутб, Сайфи Сарой, Хайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур ва Мухаммад Солихлар ўша давр адабиётнинг кўзга кўринган вакиллари бўлиб, улар ўзбек тилида хам кўплаб асарлар яратиб, бу тилнинг ўзига хос жозибадорлигини намойиш қилдилар. Улар томонидан ранг-барагн газаллар, рубойлар, китъалар, тұюқлар ва номалар, достонлар ва бошқалар яратилди.

Бу давр адабиётнинг яна бир хусусият-ўзбек адабиётида шеърий «Нома» жанрининг яратилганлигидир. Хоразмий «Нома» жанрининг асосчиси сифатида «Мухаббатнома» ни яратади. «Латофатнома»ни яратган Комил Хўжандий севги-мухаббат мавзусини давом эттиради. Темурий Мирошохнинг ўғли шоир Сайд Ахмад эса «Таашшукнома» («Ошиклар мактуби») ни яратиб бу мавзуни янада юқори босқичга олиб чиқади. Олдинги севги мавзусидаги «нома» лардан фарқланиб турувчи, сюжетга асосоланган «Дахнома» («ўн нома») ни яратиб Юсуф Амирий ўз номасида ошиқ ва маъшуқ образлари билан севги-мухаббат мавзусини ифодаланиш янада мураккаблаштиради.

Дурбек диний-афсонавий «Юсуф ва Зулайҳо» достонига дунёвий тус бериб кайта ишлайди. Атоий хижрон азобини куйловчи ғазаллар битса, Саккокий жўшқин ва ҳароратли ғазаллар битади ва қасида жанрини янада ривожлантиради. Лутфий ғазаллари ўзининг ҳаётйлиги, бадиий маҳорати ва тил бойлиги билан ажралиб туради.

Бу давр адабиётининг энг буюк сиймолари Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийлар эди. Улар тасаввух шеъриятини баркамоллик даражасига олиб чикадилар.

Абдурахмон Жомий лирика соҳасида Саъдий, Хоғиз ва Хўжандийлар даражасига этишиб чиқади. У нафақат адабиёт соҳасида, балки фаншинг бошка кўпгина соҳаларида хам асарлар яратади. У араб тилининг мукаммал равишда ўрганади. Сўнгра ўз билимини ошириш мақсадида Самарқандга келади ва Улугбек мадрасасида буюк астроном Козизода Румий, хукуқшунос Фазлуллоҳ Абулайс кабилардан таълим олади. Шунингдек тил ва адабиёт, риёзиёт ва фалакиётдан, фалсафа ва мантиқдан, дин асослари, хадис ва тафсир илмларини чукур эгаллайди.

Хиротта қайтиб келгач, Алишер Навоий билан биргаликда Хирот маданий мухитнинг ривожланиши ва тараққий этишига улкан хисса қўшади. Абдурахмон Жомий, айниқса достончилик анъаналарини давом эттириб, еттига йирик достонларни ўзида бирлаштирувчи «Ҳафт авранг», «Бахористон», «Хирадномаи Искандар» номли асарларни яратади. Бу достонлар ўзининг фалсафий-дидактик ва этикавий-таълимий мавзуси билан ажralиб туради.

Абдурахмон Жомий асарларининг каттагина кисми тасаввух руҳида ёзилган бўлса, бир қисмида оддий халқининг орзу-умидлари ифода этилади. Масалан, «Хирадномаи йўскандар» достонида Искандар ўзининг юришларидан бирида на бой, на гадой, на сulton ва на подшоҳ бўлмайдиган бир мамлакат устидан чиқиб колади. Бу мамлакат адолат хукмрон мамлакат эди. Абдурахмон Жомий ўзининг ана шу асари орқали инсониятнинг азалий орзуси хисобланган адолатли мамлакат ғоясини илгари суради.

Бу давр маънавий хаёти ва маданияти тараққиётiga улкан хисса қўшган буюк сиймолардан бири Алишер Навоийдир. Алишер Навоийнинг сўнгти темурийзода Ҳусайн Бойқаро даври ижтимоий-иқтисодий ва маданий

хаёти тараккиётнидаги ўрни бенихоят каттадир. Навоий инсон баҳт-саодат учун, халкнинг осойишталиги, мамалакат барқарорлиги, ободончилик, илм-фан, адабиёт ва санъат тараккиётининг буюк курашчиси сифатида тарих сахифасида ўчмас из қолдиради.

Алишер Навоийнинг биргина ободончилик ва меъморчилик тараккиётига кўшган хиссасига эътиборни каратган бўлсак, шунинг ўзидаас үнинг маданий тараккиётга кўшган хиссаси қай даражада бўлганлигини кўрсатади.

Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Хурросон ўлкасида кўплаб мёъморий ёдгорликлар, турли хил иншоотлар қурилади. Катта ободончилик ишларининг ривожланишига бевосита Алишер Навоий бошчилик қиласди. Ҳондамир ўзининг «Макорим ул ахлок» асарида таъкидлашича, Навоий ва үнинг сафдошлари томонидан 300 дан ошиқроқ жамоат бинолари қурилади. қурилишнинг кўпчилигига Алишер Навоийнинг ўзи хомийлик киласди ёки ўз маблагидан сарфлайди. Мирзо Мухаммад Ҳайдар ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида таъкидлашича, Алишер Навоий ўзининг хар йилги даромади-ўн саккиз минг «Шоҳрухий» динорини ободончилик ишларига сарфлайди. Ҳондамир эса ўзининг «Хулосат ул ахбор» номли асарида Алишер Навоийнинг адиллар, хунармандлар, санъаткорлар ва олимларга ғамхўрлик қилиши, фаровон хаёт кечиришига алоҳида эътибор билан қараганлигини ёзади. «Амир Алишер фазлу хунар табакасининг аксарига ғамхўрлиги зўрдир. Тазкиб ва тасвир ахл илми хунарида бенуксон ва чексиз бўлган қалам ахллари, шунингдек замон наққошлари ва давр мухандисларнинг кўпи ул ҳазратнинг таълим ва тарбия воситаси билан бу хўнарларни ўргадилар ва атроф оламда монанди йўқ яхшилар тенги бўлдилар».

Шунингдес, Ҳондамир ўзининг «Макорим ул ахлок» номли Навоийнинг Хурросонда мадраса, карвонсарой, 52 работ, 19 ховуз, 16 кўприк, 9 хаммом

бошқа биноларни барпо этганигини таъкидлаб кўрсатади. Биргина Астрabolдағи икки йиллик хокимлик даврида «Мир саройи», «Жомеъ масжиди» ни қурдиради, Хирот ҳам масжид, Марвда эса «Хусравия» номли мадраса қурдиради.

Алишер Навоий вазирлик вазифасидан бўшагандан сўнг, Ҳусайн Бойқаро ўз дўстига шахар ташқарисидаги Инжил ариғи бўйидан уй-жой ва боғ куриш учун ер беради. Навоий эса бу жойда нафақат уй-жой балки ҳалқка ёрдами тегузчи кўплаб биноларни ҳам барпо эттиради, яъни мадраса, шифохона, ҳаммом, савдо расталари, хоноқоҳ, дам олиш учун боғлар барпо эттиради. Бу биноларни «Ихлосия» (дўсти Ҳусайн Бойқарога бўлган ихлоси рамзи), «Шифоия» (соғлик рамзи), «Сафоия» (покстик ва ёргулук рамзи), «Хусравия» (шахзода Мухаммад Султонга атаб), қурдиради.

Навоий ижодининг марказида инсон, улардан ташкил топувчи ҳалқ, улар макон тутган Ватан, уларни хайвондан ажратиб турувчи ахлок муаммолари туради. Унингт изоди ва фалсафий тафаккури марказида инсонпарварлик, ахлоқий фазилат, меҳнатсеварлик, адолатпарварлик ғоялари ётади. Унингча, инсон бутун мавжудотнинг энг ғлий тожи, коинотнинг безаги, одоб-ахлоқда белазир.

Навоий ўз асарларидаги қаҳрамонлар орқали камситилган, хуқуқлари поймол бўлган, адолатсизлик қурбони бўлган инсонларни химоя қилиш ғоясини илгари суради.

Навоий асарларида мамлакат қудратига - қудрат кўшувчи, ҳалқ турмушга фаровоилик келтирувчи дехкончиликка алоҳида эътибор беради. Унингча, дехқон барча жонзотга ризқ улашувчи, барча жониворлар унинг меҳнати туфайли тирик. «...Дехконки тузлук била дона сочар, ҳак бирига етти юз эшигин очар. Сочқон донаси кўкаргунча, уруб хирмои килиб маҳсулин

күтартғунча, күрт ва күш ондин баҳраманд, дашит вахшийлари онині билан хурсаңд, мурлар уйи ондин обод...».

Хусайн Бойқаро даврида миниатюра санъати юксак даражага күтарилади. Еу даврда тасвирий санъат, шу жумладан миниатюра санъатининг буюк вакиллари: Камолиддин Бехзод, Мирак Накқош, Қосим Али, Махмуд Музаххиб, Ҳожи Мухаммад Накқош, Шоҳмузаффар кабилар фаолият кўрсатадилар. Бу давр миниатюра санъатида мавхумликдан реализм томонга интилиш кўчаяди. XV асрдагача тасвирий санъатда ўта бўрттириш ва жимжимадорликка эътибор берилган бўлса, XV аср ўрталаридан бошлаб ҳаққонийликка иетилиш, жонликка, ҳаётийликка интилиш кўзга ташлана боради. Масалан, миниатюра устаси Махмуд Музаххиб Навоий проретини чизаркан, унинг картлик юзига чиқарган хоргинлигини, алломага юз ифодаси тасвирилаб беради.

Бу даврда тасвирий санъатининг портрет жанри ривожланади. Натижада ҳукмдорлардан Хусайн Бойқаро, Шайбоний, Бобур Мирзоларнинг, алломалардан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хотифий, Бехзод ва бошқаларнинг портретлари яратилади. Шунингдек бу даврда тасвирий санъатининг маиший, баталия, манзара каби жанрлари хам миниатюра шаклида ривожланади.

Бу даврнинг кўзга кўринган мусаввири Камолиддин Бехзод «Хирот миниатюра мактаби» га асос солади. У кўплаб ўша даврнинг машҳур асарларига миниатюралар чизади. Масалан, Шайх Саъдийнинг «Бўстон» асарига 4 та, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» сига эса 8 та миниатра чизади.

Унинг портретларидаги қаҳрамонлар ўз маънавий қиёфлари билан ички хиссиётларини, кулк - авторини шундайгина юзага чиқаради. Масалан, Хусайн Бойқаро чўкка тушиб, ким биландир сухбатлашаётгандек тасвирилган. У серхашам кийим кийиб олган, шохона салла ўраб олган белида ханжар

осилган тилла камар. Шайбонийхон эса саркарда ва давлат арбоби, илми адабиёт ва санъатниг кадрига етадиган киши сифатида тасвирланган. У Хиротда расм бўлган енги калта, содда лекин бежирим тикилган гўн кийган, бошида оқ салла. У чордона қуриб, катта болишга бир оз суюни ўтирибди. Олидида сиёҳдон, қаламдон ва китоб. ўнг кўлининг бои бармоғида камондан ўқ узганда ишлатиладиган халка, чап кўлида қамчи. Савлати, бақувват гавдаси, ўтириши ўзини тутиши, кўлларининг холати ва чехрасидаги белгиларидан унинг сергайрат, шиҷоатли, ўз қадрини биладиган, ақлли шоҳ эканлигини пайқаса бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Қултон Ҳусайн Бойқаро даврида миниатюра санъати ривожланади ва унга султоннинг ўзи жуда катта имкониятлар яратиб беради. Зайнiddин Восифий ёзганидек, “Султон Ҳусайн кўнгил хушлиги учун сехрофарин мусаввурлар ва услуби гўзал накъошларни аъло даражада саклаб, уларга зўр илтифот кўрсатади”.

XIV- XV асрларда Мовароуннахр ва Хурросон мусика маданияти ривожининг чинакам марказига айланган. Бу даврда мусика маданияти назариясига оид асарлар яратилиб, Абдуқодир Наий, Али Шункор, Кулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳкули ғижжакий, Алижон ғижжакий, Қосим Раббоний, Зайнулобиддин ал-Ҳусайнний, Дарвиш Аҳмад Қоунний, Ҳўжа Юсуф Андижоний, Нажмиддин Кавкабий каби бастакорлар, созандо-ю хонандалар етишиб чиқкан. Тарихчи олим А. Мухаммаджонов таъкидлаб ўтганидек хатто Улуғбек ва Навоий сингари буюк сиймолар хам мусика асарлари яратганлар. Масалан, Улуғбек “Булужий”, “Шодиёна”, “Ахлокий”, “Табризий”, “Усуси Равон”, “Усули отлиғ” Навоий эса “Исфахоний” куйини яратганлар. Шунингдек бу давр Ҳожа Абдуқодир Найийнинг “Зудат ул адвор” (Асосий мусикӣ даврлар) ва “Мақосид ул-алхон” (Куйлар мақсадлари), Сафиуддин Абдулмӯъмин Урмавийларнинг “Рисолат уш-шарафийя” (Шарафга

лойик рисола) ва “Китоб ул-адвор” (“Мусиқий даврлар хақида китоб”) асарлари, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолайи мусиқий” (“Мусиқий илм рисоласи”). Нижмилдин Кавкабийнинг “Рисолайи мусиқий” ва “Рисола дар” баёни Дувоздаҳмаком (“ўн икки мақом баёнига багишланган рисола”). Зайнулобиддин Махмуд Ҳусайнининг “Қонуни илмий ва амалий мусиқий” (“Мусиқа илми ва амаллари қонунлари”), Дарвиш Али Чангийнинг “Тухфат ус-суруп” (“Шодлик тухфаси”) каби мусиқа илми түғрисидаги асарлар вужудга келади.

Абдурахмон Жомий ўзининг “Рисолайи мусиқий” асарини Алишер Навоийнинг даъвати билан ёзади. Бу асарнинг кириш қисмидаги мусиқанинг психологик ахамияти, тингловчиларда қайғу ва қувонч, тушкунлик, умидворлик ва кутаринқилик каби руҳий холатларни келтириб чиқариш масалаларига тұхтапынса, асосий қисмини нағымалар, уларнинг бошқа овозлардан фарки, нагманнинг создагы хусусиятлари, турлари инсон рухиятига таъсир этиши кучи ва бошқаларға тұхтапын ўтилади. Хотима қисмидеги охандарининг: а) ши焦аат ва жасурлик; б) хурсандчilik ва қувонч; в) қайғу ва мунг; г) ғам ва маюслик үйготиш куни тәжірибелік ўтилади.

Зайнулобиддин ал Ҳусайнин ўзининг “Мусиқанинг илмий ва амалий қонунлари” асарыда нагма-төвушнинг хусусиятлари, парда өлең, вокал күйлари масаласини таҳлил қилади. Шунингдек мақомлар, уларнинг төвушлар қаторларини таърифлаб беради.

Хулоса қилиб айтганды, Амир Темурнинг хокимият тепасига келиши тарқоқ давлатларни бирлаштириши, илк үйгөниш даври маданий тараккиёті натижасыда вужудга келген, лекин мұғуллар томонидан бир-биридан ажратып ташланған яғона маданий жараён яна ривожланишида давом этади.

Энг аввало иқтисодий хаёт, шунингдек, фан, санъат, ва адабиётдаги азалий анъаналар қайтадан тикланади. Инсон ва унинг ақл-идроқи, маърифатга

интилиши, Шафк ренессансига хос хусусият хисобланган маънавий комил инсонни шакллантиришга бўлган эътибор ва маърифатга интилиш кучаяди. Фан ва адабиётда жаханшумул ахамиятга эга бўлган асарлар яратилади. ўз даврининг дсрулфунунлари-слий ўкув юртлари, Улуғбек академияси вужудга келади. Астрономия, математика, мантиқ, фалсафа, тил ва адабиётшуносликка оид кўплаб асарлар яратилади, миниатюра ва меъморчилик санъатлари ривожланиб, ҳагтотлик санъат ва хунар даражасига кўтарилади.

Урта асрларда араблар ислом байрамларининг диний мазмунига алоҳида эътибор бериб, уларни ташкил этадиган ҳашаматли масжид курдиришади. Бу байрам масжиди хайит байрамлари ўтказишда диний марказ вазифасини ўтаган. Бу масжидларнинг моҳияти бир хил бўлсада, улар ҳар жойда турлича номланган: Намозгоҳ (намоз ўкиш жойи) «Мусалла ал-ийд» (байрам куни намоз ўкиш жойи) ва ҳаказо. Бу жойларнинг асосий максади ҳалқни мусулмон дини асосида бирлаштириш бўлиб, бу жойларда мажлис, намоз ва курбонлик каби диний анжуманлар уюштирилган. Лекин базъзи вактларда ҳукмдорлар ҳалқка ўз олижакоблигини кўрсатиш учун бу срларда катта зиёфатлар хам беришган.

Хі аср тарихчиси Бойхакийнинг маълумот беришича, ғазна шахри атрофидаги мусаллада бўлиб ўтган намоз ва қурбонликлардан кейин Амир Масъуд зиёрат уюштирган, ўша давр ғазналиклар маросимидағи удумга кўра май ичишган, мусика чалишган, қўшиқ айтишган, шеърларга ўкишган, давлатпаноҳ одамларга мукофотлар улашилган.

Ўрта асрларда ҳозирги ўзбекистон территорииясида яшовчи ахолининг йил фасллари ва меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган мавсумий (календарь) байрамлари хам бўлган.

Булар: бахор байрамлари, ёз-куз байрамлари, киш мавсумидаги байрамларий.

Бахор байрамлари янги мөхнат мавсуми бошланишидаң дарак берувчи бўлиб, у меҳнаткаш ҳалқ хаётида мухим ўрин тутган. Шуни таъкидлаш керакки, баҳор кириб келишини кутиб олиш байрамлари кадимдан барча ҳалқларда мавжуд бўлган. Махсус одатлардаги манбаларга асосланиб айтиш мумкини, баҳор байрамлари инсоният вужудга келган дастлабки пайтларга таалуқли бўлиб одамларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида улар хам барча ерларга ёйилган ва кейинчалик бу анъаналар барча ҳалқларда турилишларда ва шаклда учостирилган. Масалан, Японларда «Риссон», хитойларда «Чульцзе», славянларда «Маслиница» Марказий ва ўрга Осиё ҳалқларида эса «Навруз» ёки «Ийл боши» деб ном олган.

Ўрта асрларда «Наврӯз» байрами янада ривожланиб оммавий тус олди. Бу байрам хақида ўша даврнинг барча алломалари сўз юритганлар. ўрта аср ва кейинги даврларда «Наврӯз»нинг ҳалқ турмуши ва маънавий хаётидаги мавкеи, файз-таровати, фазилати хақида комусий билим эгалари Абу Райхон Беруний, Фирдавсий, Кошгари, Умар Хайём, Навоий ва бошқалар ажойиб фикр-мулоҳазалар билдиргашлар, «Наврӯз»ни Беруний «Наврӯз-оламнинг бошланиши» деса, Фирдавсий «Наврӯз-байрамлар шохи» дейди. Навоий «Хар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврӯз» деб одамларга истак билдиради.

Шуни хам таъкидлаш жоизки ўтмишда «Наврӯз» байрамига карши шахслар хам кам эмас эди. Бу байрам айниқса истилочиларга ёқмас эди. Бу ходиса араб истилосидан сўнг яққол намоён бўлди. Ислом арбоблари бу байрамни таъкидлашга кўп уриндишлар. «Наврӯз» уларнинг динига, сиёсатига, қонун-қоидаларига мувоғик эмаслигини билсалар хам, бу байрамларда одамларнинг озодлик сари рухан бирлашиблари мумкинлигидан кўркишар эди. Шунинг учун «Наврӯз» истилочилар саройларида, амалдорлар, дин ахли давраларида расмий байрам хисобланмаган. Лекин тазиикларга қарамай «Наврӯз» ҳалқ орасида нишонлана борди. Бундан айрим подшо ва амирлар ҳалқ

орасида хұз мазкеларини ошириш, үзларини халқпарвар қилиб күрсатиш мәксадида «Наврұз» ни ташкил қилишга бел боғлаганлар.

Айний 19 - асрда Бухорода уюштирилған бундай «Наврұз» хақида күйидагытарни өзади: «Амир Музаффар Россия билан бұлған урушда енгилгәнідан сұнг халқ олдида обрусиз бұлиб қолған, айникса, урушда бұшаб қолғаң жазинасіни тұлдирмоқчи бұлиб, хар бир ерда «чавқый» (умумий базм) уюштириб, одамларни унинг томошасига банд килғанлар. Шу йүл билан халқ оммасыннан діккәттінің юзининг ножұя ишларидан четта тортар, әки хұз кирдикорларини ҳамтүшларди».

Үрта асрларда «Наврұз» 3 күндан то далаларда экин-текин экилгүнча давом эттан.

«Наврұз» бозорлардаги маҳсус майдонларда, шахар чеккаларидаги сайдгохлауда уюштирилған. Эрталабдан карнай-сурнай, полвон, дорбозларнинг, қызықчиларнинг чиқишлиари бұлған. Кечки пайт сайллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилған, хар хил мұсабакалар авжға чиққан. Күпқары, кураш, цойга үюштирилған, хұroz, құңқор уриштирилған, хатто қимор ўйинлари үтказилған.

Хөвли жойларни тозалаш, дарахтлар үтказиш, ота-она, яқинларни зиёрат қылыш, мархұмларнинг қабрини зиёрат қилишлар «Наврұз» нинг таркибий қисмігі айланған. «Сумалақ» сайли уюштирилған. «Наврұз» күп жойларда дала ишләрі бошланғуынға қадар нишонланған. Байрам сұнгыда дехконлар ўз иш куролларини тайёрлаб, хұқыздарини ем билан боқиб, унинг шохини, бўйини мойлаб, дала томон йүл олишган. Бу маросим «Шохмойлар» деб белгилаб берилған. Бу кунлар дүшанба, чоршанба, жума кунидан бирига тұғри келиши лозим, ғунки бу кунлар дехконлар учун құш чиқарыш учун баҳтли кунлар хисобланған. Ҳиндистоннинг шымолий районларида яшовчи халқлар тасаевурича, Она Ер ойда 6 кун ухлади. Бу кунлар ойнинг 5,7,,9,11,21,24-

кунларига тұғри кслади. Мана шу кунлар ерга құш солиб бұлмайды. ўзбекларда бундай таъкиждар сақланиб қолмаган.

Шохмойларга қишлоқнинг эркагу аёли баравар тайёргарлик күрган. Имкониятта қараб хар бир ҳонадон хилма-хил таомлар пиширган. Бу тайёрланған таомларни құш чиқарылған жойта олиб келгандар. Қишлоқнинг барча ахолиси тұлланғач, қишлоқ оқсоқоли дуойи фотиха қылған. Мана шундан кейин пиширилған таомлар қишлоқ ахолисига тарқатиласы. Сұнг оқсоқол яна фотиха қылады. Сұнг қишлоқда құш чиқариш учун бокилиб ётган хұқыздардан бири танланади ва үтган йилги хосил үрими пайтида ўриб олинған охирги тутам бүгдейдан тайёрланған кулча нондан қишлоқнинг мұйтабар қариялари хамда меҳнаткаш деҳқонларига бир бурдан синдириб берилади. Бу билан қишилар бу йилги хессіл хам бултурғига үхшаб мұл-күл бўлсін, деган истакни билдираётган бўладилар. Нихоят, барча хұқыздарнинг шохига «ёмон кўз тегмасин» деб зигир мойи суртилған ва инсу жинслар хамда ёмон рухлардан пок бўлсін деб исириқ солинади.

Дастлабки қўшни қишлоқнинг кекса, ҳурматли, ували-жували оқсоқолларидан бири солади. У қўш билан кучи етганича ё бир марта, ё уч марта, ё беш марта-умуман тоқ марта бориб келиши керак. Шундан сұнг аввалги йил хосилининг охирги тутамидан олинған бүгдейдан хайдалған ерга бир ховуч сепиб беради, шундан сұнг барча деҳқонлар хұқыздарини етаклаб уйга кетадилар, хамма мўз оилаларида хурсандчилик қиласы.

Үрта Осиё халқларига ислом дини мажбуран қабул қилдирилған ҳар бир касб –хунар бўйича маҳсус рисолалар тузилған. Уларда хар бир касб-хунарнинг қонун - қоидалари, сифинадиган пирлари диний руҳда баён қилинған. Кейинчалик бой хонадонлар эртага қўй чиқарылади деган куни зиёфат беришиб, бу зиёфатга мултла ва эшонларни чақиришган. Улар зиёфатдан кейин кечқурун

алламахалгача кўшиларга «Дехконлар рисоласи» ни ўкиб беришган. Бирок бу нарса айъанага айланган эмас.

Иссик иқлим шароитида яшаб келаётган ўзбек халқида қадимдан сув билан боғлик урф-одатлар, байрамлар кўп бўлган. Сув хавзаларига бориб чўмилишга оид урф-одатлар кўп бўлган. Араблар истилоси даврида бу одатлар камайиб бориб, кейинчалик йў-олиб кетган. Ана шундай байрамлардан бири – адим замонларда ўтказилиб келинган, яқин кунларгача сақланган «Сув сайли» дир.

Бу қандай ўтказилган? Қорлар эриб, сойлар сувга тўлганда қишлоқ йигитлари «Сув сайли» га отланишган. Сув бўйида йигитлар аввалига бир ховуч сув ичишган. Сўнг юз - кўлларини ювишган, кейин уйдан маҳсус олиб чиқицган рўмолча билан артишиб, дилидаги орзусини айтиб, уни сувга оқизиб юборишган. Сўнг овқат тайёрлашган, қўшиқ ва достон айтишган, кизиқчилик қилишиб, ўйин-кулги қилишган. Куннинг энг қизиган вақтида мириқиб чўмилишган.

Ёз ойининг охири ва кузда дехқонлар ҳосил йигиб олишланган байрамларни нишонлашган. Масалан, бугдой ўрими бошланишидан олдин ва охирги тутам бугдойни ўришга оид курсандчилликка айланиб кетадиган маросимлар диккатга сазовордир.

Охирги тутам бугдойни ўриб олиш маросими дунёдаги жуда кўп халқларда мавжуд бўлган. Масалақ, арабларда охирги бир парча ердаги ўримсиз буғдой қолганда бир тутам буғдой бошоги билан қўшиб bogлашлар ва ўша ердан чукур кавлаб, боғланган бошоқли бугдойни ўриб, ана шу «қабр» га қўмиб қария вафот этди, леб чуқурга тупроқ тортар эканлар. «Худо мархумнинг буғдойини хам бизга берсин» дея дуо-фотиха килар эканлар. Бу маросим рус, украин, белорус ва башка кўп словян халқларида кенг тарқалган экан. Бундай маросим ўзбекларда «Обло барака» номи билан юритилган.

Номланишидан кўриниб тўрибдики, анимистик тасаввурга асосланувчи қадимий маросим ислом таъсири остида бошқача атама билан юритила боштаган, аммс генетик асослари билан исломга қадирли бўлган эътиқодий тасаввурларга бориб боғланади.

Буғдой ўрими хашар ёрдами билан ўтказилган. Ўрим охирида бир шарча ўрилмаган ер қолгач, ҳар томондан хашарчилар ўриб келаверадилар. Ҳар бир ўроқчи охирги тутам буғдойни ўриб олишга харакат қиласди. Ана шу охирги буғдой «Она буғдой» деб аталади. Кимки биринчи бўлиб етиб келса «еттим-еттим, обло барака берсин» деб уни ўриб олади. Она буғдой тутам холида боғланаб, уйга олиб кетилади ва баҳорги экин пайтига қадар сақланади. Баҳорги экин мавсуми бошланганда, она буғдой тозаланиб, бир қисми уруглик доғга, бир қисми янчилиб хонадондаги бошқа унларга аралаштирилиб юборилади. Бу ундан нон, патир ёпилган ва далага дон сепишга чиқкан дехконларга улашиб берилади. Улар нон, патирлардан ер эканлар, «бу йил хам хосил мўл бўлсин, она буғдой ўзи қулласин, бобо дехқон мададкор бўлсин», деб дуо қиласдилар. Мана шундан кейин дон сепилган.

Исломгача куз фасли байрамларга бой бўлган. ўрта асрларга келиб куз байрамлари дин унга қарши булгани учун хамда эски календардан мусулмон ой календарига ўтилганлиги сабабди камайган. Улар асосан хосил йигишга киришилганда, бошқалари меҳнат мавсуми якунланганида нишонланадиган бўлган. Бизнинг кунимизгача етиб келганларидан «Қовун сайли», «Хирмон тўйи» хисобланади.

«Қовун сайли» дехқонларнинг полизларида қовун-тарвузларни йигишидан бешланиб, бозор майдонларида хам давом этган.

Байрам бозорда бир неча кундан бир хафтагача давом этган. Дорбозлар, масхарабозлар, созандалар ва хонандалар ўз санъатларини намойиш қилишган. Сайил жараёнида томоша ва мусобакалар ўтказилган. Яхши қовун нави энг

ширин махсулот етиштирган дехконлар «Уста қовунчи» деб тан олиниб, түн ва дүппи кийдиришган.

Мұл хэсил етиштирган йиллари дехқонлар катта зиёфат уюштирган, үйин-кулғу қилишган, яхши ишлаганларга совға - салом беришган, тұнлар кийдиришган.

Ез-күз маросимларидан яна бири шамол чакириш маросимиdir.

Узоқ аждодларимиз шамолга хам ғайри-табиий құдрат меваси бұлмис жонлы нарса сиғатида қараган. Масалан, шимолда яшөвчи папайлар шамолни аллақандай тош одамлар вужудға көлтиради деб қараганлар. Шунинг учун улар шамол чакириш ёки тұхтатиша тошларға, қояларға сиғиниб қурбонликлар қилишган.

Ўзбекларда шамол хомийси-кекса аәл хисобланиб, у ҳақидағи тасаввурлар яхши сақланиб қолған.

Туркистан, Сайрам ва Чимкент атрофларида яшөвчи ўзбекларда ўтказилувчи «Чой момо» маросими унинг ёрқын мисолидир.

Ез ойларida, айникса, бошоқты донлар етилған пайтда, қаттың шамол туриб, арпа, бұғдой, мөш каби экинларни пайхон қилиб таштайди. Мана шундай бир неча кари аәллар қозларига қоракуя суркашиб, кели сопини от қылб минишиб, құлларига узук говрон олишиб, говронға турли рангдаги латта-пүтталарни бойлашиб, отға ұхшаб кишинаб сакраб «Чой момо» құшигини айтишган. Уларнинг тасаввурларыча табиат күчләри бундай хатти-харакатта бас келолмай, шамол тездә босилиб қолар экан. Шундан кейин хар бир хонадон маросим иштирокчиларига хайр-садақа қилинади.

Нима учун «Чой момо» дейилади? «Чой» сүзининг этимологиясы ҳақида гапирысқа, чой әмас чал момо бўлиши лозим. Қадимги туркий тилидаги «Чой» - шамол деган маънени билдиради. Чой момо «чал момо» сүзининг фонстик ўзгариши. «Чой момо» маросими матриархат даврнинг махсусидир, чунки

шамол ва унинг хомийсими аёл киши тасаввур қилиб, ундаш шамолни тўхтатишни илтико қилиш, маросимнинг аёллар томонидан бажарилиши жамиятда аёлларнинг юксак мавқға эга эканлигини англатади.

Табиат ходисалари қадимги кишилар учун гоҳ фойда келтирса, гоҳ зарар келтирган. Донли экинлар пишпб етилган пайтда қаттик шамол заарли бўлиб, «Чой момо» маросими шамолни тўхтатишга уриниш жараёнида юзага келган бўлса, куз фасли учун шамол эсиши талаб қилинган. Донни янчиб, сомондан тозалаш пайтида шамол хомийсига сўз воситасида тарьиб этиб, шамол чакириш маросимлари вужудга келган. Бу маросимнинг ўтказилиш тарзи, вакти, ўтказувчилар таркиби хақида хеч қандай маълумот сакланиб колмаган. Бу эса маросимнинг истеъмолдан тушиб колиши натижасида бўлиши керак.

Фарғона водийси, Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида яшовчи ўзбеклар орасида биргина тўртликнинг сакланиб қолганлиги хам бу фикрни тасдиқлайди. Унда шамол хомийси сифатида Хайдарга, яъни Мухаммад пайтамбарнинг кӯёви Ҳазрат Алига мурожаат қилинган. Афсоналарга кўра Хайдар мўз куч - кудрати билан барча табиат ходисалари, жумладан, шамолни хам мўз ихтиёрида саклар эмиш. Унга илтижо қилса, шамолни кўйиб юборар эмиш.

Тошкент атрофларида яна шамолнинг хомийси сифатида Ялонғоч отага хам мурожаат этадилар. Шамол чакириш маросими шамол тўхтатишдан кейин, патриархат динда вужудга келган.

Киши мавсумига оид маросимлар хақида 2 хил фикр юритиш мумкин. 1. Айрим маросимлар ўзларининг сўз компонентини йўқотган холда, хатти-харакат компонентида хам катта ўзгаришлар юз берган тарзда асримизнинг ўрталарига қадар этиб келган. Масалан, қишлоқда ўтказиладиган гапхўрлик, яъни гап-гаштак маросими.

Бу маросим дала мекнатидан бұшаган әрқаклар томонидан үтказилади. Қишлоқдаги әрқаклар узок ва зерикарли киши кечалари қишлоқдаги чойхона, бирорта бұш хонадонлардан бирига тұпланишиб галма-гал ойда 2 ёки 1 мартаңдан зиёфат беришган. үтириш, асосан, кечки пайт бошланиб жуда кеч, хаттоғи сахарға қадар давом эттан. Гап-гаштакни бошқарувчи оқсокоқ ва унинг ёрдамчиси бұлған. Улар зиёфат бериш навбатининг бориши, зиёфатнинг бориши, зиёфатнинг месъёри, үтиришда үтказиладиган ўйинларни, тартиби-иитизом кабиләрни бошқарып бөргенлар.

Ярим тунга қадар турли-туман хангомалар, ўйинлар үтказилған. Айрим жойларда халқ бахшиларидан достонлар, әртакчиларидан әртак тинглаганлар. Гап-гаштак оқсокоқининг ижозати билан иштирокчилар уй-үйларига тарқалғақтар.

Гап-гаштак маросимининг үзиге хос яхши жихатлари бұлған. Үнда кишилар бир томондан даврада үзини тутишни, иккінчи томондан мемон кутиш ва унинг күнглини олишни үрганған. Мекнаткаш дәхқонлар томонидан үтказилған бу тадбирда ичкіликтөзілк каби ғайрахлюқи шарсалар бұлмаган. Қолаверса бу тадбир үз даврининг маданий-маърифий фаолият шақыларидан хисобланар эди. Гап-гаштаклар үтмишда ташвиқтадағы ишларини олиб боришинғ асосий омили хисобланған. Чунки кишилар гап-гаштакларға турли томондан мемонлар тақлиф қилишган, иштирокчилар үзлари күрган, билгандарини хикоя килиб берипшілдеган. Гап-гаштак маросимларида халқ термалари ва күшиклари ижро этилған. Аммо мазкур маросимнинг үзилдегін айттыладиган маҳсус күшиклар ёки айттышмалар хакида маълумотлар йүк.

Яс - юсук маросини асосан, күчманчи чорводор ахолига тааллукылы бўлиб, XVII асрға қадар қимизхўрлк маросими сифатида мавжуд бўлған. Кейинчалик тарик ва курмакдан тайёрланувчи маҳсус ичимлик-бўза ичиш билан алмашынди.

Яс-юсун атамаси муғулча бўлиб, унинг бир қисми «яс» кандай маъно англатиши маълум эмас, 2-қисми эса муғулча «ёсо» сўзидан олинган бўлиб, тартиб, коида, урғ-одат, хатти-харакат маъноларини англатади.

Бу мазосим турли жойларда турлича. Масалан, Тошкент ва Фарғона водийсида бўзахўрлик, Бухоро Самарқанд ва Туркистонда кўча ўтиришлар деб юритилади.

Яс-юсун 30-40 киши кўшилиб шерда (мехмонхона) уюштириш йўли билан ташкил этилади. Шерданинг 2 хил шакли бўлган: 1-Холпана усулида, 2-хар сафар бир шерда аъзосининг харакат қилини билан гашкил қилинади. Шерданинг раиси, раиснинг ўнг ва чап оталиклари бутун маросимга раҳбарлик киладилар. Бундан ташқари эшик оғаси, бий ва унинг ўринбосарларининг буйруқларини бажартирувчи ясавул, бўза қуйиб узатадиган сокий (косагул) каби жавобгар шахслар хам маросимда мухим вазифа бажарадилар.

Яс-юсун маросимини ташкил этишининг ўзига хос талаблари бўлган. Булар кўнидагилар:

1. Барча иштирокчилар косагул узатган бўзани дархол охиригача бир нафасда ичib юбориши зарур;
2. Косадаги бўзани тўкмаслик керак;
3. Доим чўкка тушиб ўтириши ва бий рухсатидан сўнгтина оёқ узатиб ёки бошкача тарзда ўтириш мумкин;
4. Охиригача мастилик килмай одб сақлаши шарт.

Келтирилган шартлардан кўриниб турибдики, маросимнинг ўзига хос этикети мавжуд ва коидани бузишга хеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Шунинг учун хам маросим Яс-юсун деб аталади.

Косагул шерда иштирокчиларига бўза туттанида муайян тўрглик билан мурожаат этади. Косани олган шахс бўзани ичib, косагул шаънига кўнидаги шеърни айтаб, сўнг косани узатади.

Яс-юсунда иштирок этувчилик шеърлар айтишган, халқ қўшикларини куйлашган. Бу қўшикларда асосан кўнгил очиш, ғам-ташвишларни унутиш рухи устунлик қиласди. Бу қўшикларда ҳазил-мутойиба, кўнгил очишга даъват этиш мотивлари билан бир қаторда, ижтимоий тенгизлиқдан полиш рухи хам ёркин акс этади.

Кейинчалик шахарларда қишин-ёзин бўза билан савдо қилиш авж олиб кетди, майхоналар очилди ва Яс-юсун маросими унутилди.

Хиёбон мавсумидаги байрамлардан яна бири биринчи кор билан бўғлиқ «кор хат» ёзиш удуми оммавий тус олган, қор отишлар, ўйин-кулгулар, совға-саломлар, меҳмондорчилик зиёфатларидан ташкил топган қишки халқ байрами вужудга келган.

«Кор хат» нинг мазмуни шундан иборат бўлган: биринчи кор билан табриклиш, ишларига муваффакият тилаш, сўнгра «Кор хат» ёзувчининг истак, шарти баён килинган, яъни зиёфат, неча қиши иштирок этиши керак ёки совға олиб берилиши.

Қиши фаслиниң охири, эрта бахорда ўтказилган «Курултой» ўзбек ийғин-байрамлари қаторидан ўрин олган. Курилтойда энг долзарб масалалар ва келажакдаги режалар хақида маслаҳатлашиб олинган. ўзаро келишув ва маслаҳатлар тугагач, оммавий халқ томошалари, сайиллар уюштирилган.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида мезморчилик санъати анча юксалади. Бу юксалишнинг боиси, биринчидан, хукмдорларнинг Темур ва темурийлар анъаналарини давом эттириб, яъни ҳашаматли ва юксак бинолар куриш орқали ўзларининг куч-қудратларини намойиш қилиш натижаси бўлса, иккинчидан, ўзлари ва пир тутунган маънавий раЖнамоларининг номларини агадийлаштиришга бўлган интилишлари натижасидир.

Шайбонийлар даврида нафакат хукмдорлар, балки ўз даврининг кўзга кўринган ва катта маддий имкониятга эга бўлган шахслари хам кўплаб меъморий ёлгорликлар қурғандар.

Бу даврда Самарканда Мухаммад Шайбонийхон қурдирган Хонийа, Абу Сайд номли мадрасалар, Бухоро деворининг таъмирланиши, Мир Араб Абдуллахон, Модарихон (Абдуллахон ўз онасига атаб қурдирган), Говкушон, Фатхулла Кушбеги, Мухаммад Ҳожа Борсо, Жўйбор, Кўкалдош Қулбобо мадрасалари, Қалон, Ҳожа Зайниддин, Баланд, Чор Бакр, Абдуллахон масжидлари, тоқи Саррафон, тоқи Заргарон, тоқи Урдфурушон, тоқи Тиргарон, тоқи Телиакфурушон каби бешта тоқилар, Абдуллахон тими, Тошкептда Кўкалдош ва Бароқхон мадрасалари, Каффоли Тошиб мақбараси, Туркистонда Мухаббат Шайбонийхон масжиди, Балҳда Абдуллахон ва Қулбобо Кўкалдош мадрасалари ва бошқа меъморий ёлгорликлар қурилган.

Аштархснийлар даври хам кўплаб меъморий ёлгорликларнинг бунёд этилганлиги билан ажралиб туради. Бу даврда Бухорода Абдулазизхон, Убайдуллахон мадрасалари, Боки Мухаммад ва Убайдуллахон масжидлари, Субхонқулихон қурдирган касалхона-мадраса, Балх шаҳрида Назар Мухаммад ва Субхонқулихон мадрасалари, қатор чорбоғлар, Мозори Шарифда Ҳазрат Али қабридаги гумбаз ва бошқа бинолар барпо этилади. Албатта Аштархонийлар даврида хам ўзига тўқ кишилар, амирлар, амалдорлар хам ўзларининг маблагларига кўплаб меъморий ёлгорликлар қурдирганлар. Масалан, XVII асрда Хивада Араб Мухаммадхон, Ҳожамберди, Шерғозихон мадрасалари қурилган бўлса, Бухорода Пояндибий оталик масжиди, Шодимбек, Нардевонбеги мадрасалари, Бозори Русфанд мадрасаси, Самарканда Амир Ялангтўшибий ғомонидан Регистон майдонида Шердор ва Тиллакори мадрасалари бунёд этилади.

Шайбонийлар ҳам, Аштархонийлар ҳам ўз саройлари кошида кўплаб санъаткорларни тўплаб, уларга хомийлик қилганлар. Натижада нафакат шеърият ва меъморчилик санъатлари, балки мусика санъати ҳам тараккӣ этади. Иккала сулолалар хукмронликлари даврида мохир созанда ва хонандалар, шоир-bastакорлардан Мавлоно Кавкабий, Мавлоно Ризо, Мавлоно Шермуҳаммад Кулол, Али Дуст Ноий, Амир Али Акбар Самаркандий, Амир Масти Кобузий ва бошқалар ҳалқ орасида машхур бўладилар.

XVI-XVII асрларда яшаган Мавлюно Кавкабий ва Дарвеш Али Чангийлар мусикашуносликка оид асарлар яратишиб, куй ва қўшиқ, уларнинг турлари ҳамда шакллари масаласини ёритиб берадилар. Масалац, Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, "Ва мулло Кавкабий мусика соҳасида Убайдуллахон номига бир рисола тасниф этиб, унда таклиф ва ийқоъ хакида сўз юритган, ҳажми, жинслар бахсини ҳам келтириб, еттита бўлган биринчи табака зарбидан ва ўн учта бўлган иккинчи табака зарбидан хосил бўлувчи 12 мақомни 6 овозда назм килиб манзумага қуллиёт боғлаганким, мусанинифлар бир овоздан бу дилкаш амалга тахсинлар айтиб келмоқдалар". Кавкабий мақом йўллари ва мусиканинг назарий томонларини ёритиб беради. Шунингдек у ўзининг "Рисолаи мусика" асарида илми таълиф ва илми ийқоъ каби бўлимларга бўлиб таърифлаган, ҳамда 12 мақом, 24 шубба, 6 овоза, 24 мураккабот ва 12 усулиниг ўзи ёзиб олгағ номларини келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, темурийлар давридан кейинги маданий хаётда адабий-бадиий жараён сезиларли даражада ривожланишда давом этади. Лекин хаётнинг барча соҳаларини камраб олган мутаасибликнинг кучайиши фан тараққиётига, айникса, аниқ фанлар тараққиётига салбий таъсир кўрсатган. Шунингдек, диний мутаассиблик ишлаб чиқариш кучлари тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Натижада моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқариш олдинги даврлар - илк уйғониш ва темурийлар даврига нисбатан бир

мунича суст ривожланган. Ахолининг илм-фанга бўлган қизиқишилари хам, илмий тафаккур тарақиёти хам бир қадар сусая борган.

Бу давр маданиятининг характерли хусусияти - ўзлигини англашга бўлган интилишнинг кучая борганилиги билан характерланади. Натижада тарих фани тарақкӣ этади, ўзларининг номларини абдийлаштиришга бўлган интилишлар эса меъморчиликнинг ривожига олиб келади.

Сўфизм таълимости жамиятнинг мафкурасига айланади. Фанлардан факатгина фалсафа ва тарих фанлари ривожланишда давом этади. Лекин жаҳоншумул ахмиятга эга бўлган асарлар вужудга келмади. Маданият миллий маҳдудлик кобигига ўрала боради. Лекин адабий-бадиий жараён ва меъморчилик сенъати тараққиётида илк уйғониш даври ва Темурийлар даври анъаналари давом эттирилади. Ижтимоий хаётда чукурлашиб бораёттан таназуллар адабиётда танқид қилиш, масҳаралаш ва хажв қилишга йўл очиб беради.

XVII асрдан бошлаб иктисадий, сиёсий ва маънавий таназуллар ягона худудда яшаётган ҳалқларнинг ва кучли бир давлатларнинг парчаланишига олиб келади.

Вужудга келган уч ҳонлик ўзаро тил топиша олмайди. Ҳаттоқи юрт бошига ён бостириб келгандар, душманга зарба бўлиб тушадиган муштга айланади. Натижада рус истисои исканжасига осонгина тушиб қолади. Моддий ва сиёсий қарамлик, маънавий зулм сиртмоғига илинади.

Рус истисоилари махаллий ҳалқнинг маънавияти, қадриятлари, диний зътиқодларини оёқ ости қила бошлайдилар. Ҳалқнинг маънавий меросга бўлган муносабатларини ўзгартиришга, унинг онгига ўз манфаатига мос келувчи мафкуранни тикинтиришга интиладилар. Ҳалқни ичдан емирувчи барча воситаларни ишга соладилар. Моддий ва маънавий бойликлар талон-тарож қилинади.

Шунга қарамасдан, рус истироси билан бирга Европанинг илғор фан ва техникаси кириб кела бошлади. Ерли халқ орасидан ёшларни ана шу замонавий фан на техникадан вокиф бўлишга чорловчи маърифатпарварлар стишиб чикадилар. Халқнинг моддий, сиёсий ва маънавий зулмдан озод бўлишининг бирдан-бир йўли, янгича таълимни жорий қилишда леб хисобловчى "жадидлар" харакати вужудга келади.

Миллий санъатда янги жанр - театр санъати пайдо бўлади. Халқни мустамлакачилик йўғидодига карши курашга чорловчи вақтли матбуот шаклланади.

Албатта, истилочилик зулмига қарши онгли кураш олиб бориш тарафдорларининг саъй-харакатлари зое кетмади. Миллий гурур, миллий рух ва миллий ўзлигини англаш қайтадан уйғона бошлади.

Осиё халқларининг нафакат ижтимоий-сиёсий хаётida туб ўзгаришлар рўй берди, балки маданий ва маънавий хаётда хам айрим ўзгаришлар рўй бера бошлади, Марказий Осиё ҳудудида Европа ва азалий анъаналарга асосланган маданиятнинг, диний эътиқодларнинг ўзаро тўқнашуви содир бўлади. Шу боисдан Европа маданиятининг айрим жихатлари махаллий ахоли анъанавий маданиятига зид келиб қолган бўлса, айрим томонларидан, масалан, маърифат тарқатиш, илим олишга бўлган интилиш, дунёвий фанларни, техник тараккиётни ривожлантиришга бўлган интилишлар илиқ кутиб олинади. Чор Россияси маъмурлари ерли халқ манфаатларига зид келган жихатларни янада кескинлаштиришга интилган бўлсалар, махаллий халқ томонидан қабул қилинадиган жихатларининг ёйилишига тиш-тирноги билан қаршилик кўрсата бошладилар. Маънавиятда туб зиддииятли жараён вужудга келади.

Демак, русларнинг Марказий Осиёга бостириб кириши салбий, хам ижобий оқибатларга олиб келди. Салбий таъсир шунда эдикӣ, рус босқинчилари биринчи навбатда халқ маънавий маданиятининг ривожига тўсқинлик қилади.

Миллий мерсса бўлган муносабатини ўзгартира бошлади. Миллий ифтихор ва гуурга рахна сола бориб, ерли халқ онгига Европа ва рус маънавиятиги сингдиришга харакат қиласидилар. Ерли халқнинг бой-бадавлат кишилари ва руҳонийлари кўлга олиб, уларнинг ёрдамига таяниб рус хукмронлигига, рус босқинига бўлган муносабатларни ўзгаришишга, "совук" муносабатларни "илик"лаштиришишга, "босқинчи" тушунчасининг ўрганишга "ёрдамга келган", "маданият олиб келган" каби тушунчаларнинг кириб келишига интиладилар. Хатто хутбаларга рус педшосининг номини кўшиб ўқиттишишга харакат қиласидилар.

Европа фани ва техникасини ўзлаштираётган руслар, ўзлари босиб олган худудларда хам фан ва техника тараққиётига эришишга (албатта ўз мағфаатларини кўзлаган холда) харакат қиласидилар. Натижада рус олимлари жамиятлари, туэли хил илмий қашрлар вужудга келиб, Марказий Осиёнинг табиий, иқтисодий хариталари тузила боради. Фауна ва флораси тадқик этилиб, фойдали қазилма конларининг жойлари аниқланади. Россия саноати учун хом ашё сифатида табиий бойликлар қазиб олина бошланади. Пахта якка хокимлигига эришиш учун турли хил сугориш шахобчалари ва ишоотлари курилади. Дехқончиликда бир мунҷча силжишлар рўй беради.

Албатта рус маънавий босқинчилигига қарши турли хил харакатлар вужудга келади. Бу харакатлардан бири маърифатпарварлик харакати бўлса, иккинчиси, унинг замонавий ва бир мунча ижобий, омманинг, айниқса, ёшларнинг ўтмаслашиб ва сўниб бораётган миллий ғурури ва миллий руҳини ўткирлаштиришишга, онглилитини оширишишга қаратилган "жадидчилик" харакати эди.

Рус истилочиларининг Марказий Осиёни забт этиши миллий зиёлиларнинг дүнъскарашида бир катор ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Рус маданияти, у орқали европанинг юнфор маданияти билан танишиш ижтимоий

тараккىёттега бошқача казар башлашга турткы берди. Улар ижтимоий тарақкىёттинг янги боскىчига күтарилиш халкни маърифатли килиши, унга таълим бериш, илм-ғанни эгаллашларига ёрдам бериш орқали амалга ошиши мумкин деб хисобладилар. Маърифатпарварликнинг Муқимий, Завкий, Анбар Отин, Дилшод Барно сингари вакиллари нафақат хонликларнинг бошқарув тартибини таңқид килдилар, балки илм орқали адолатсизлик, жаҳолат ва зулмга бархам бериш мумкинлиги гоясини илгари сурдилар. Муқимий риёкор рухонийлар, бойлар ва амалдорларнинг халқ бошига биттган бало эканлигини, жабр-зулм уларнинг кундалик юмуши эканлигини, шахсий манфаат олдида бир-бiriнинг кўзини чўкишигача бориши мумкинлигини фош килишга интилади.

Завкий эса, хонлик идора усулини дастлаб қўллаб-қувватласа-да, сўгра уни қаттиқ таңқид қиласди. Ўз манфаати йўлида халкни талайдиган бекларни фош килишга интилади. Халқ бошига балолар тошини ёғдираётганларни коп-кора булатга ўҳшатади. Халкнинг озодликка, ана шу кора булатлар соясидан чикиб офтоб ва ёргулар - озодликка чиқишини орзу қиласди.

Маърифатпарварликни ва илм олишини тарғиб қўлган шоира Анбар Отин руслар томонидан ўрнатилган мустабил тузумни қоралайди. Зулмдан кутулишнинг бирдан-бир йўли - билим олиш орқалигина нодонликни тарк этиш, ақл-идрокка амал қилиш орқали халкнинг бирлигига эришиш мумкинлиги ғояларини илгари сурэди.

Маърифатпарварликнинг кўзга кўринган вакиллари Фурқат ва Сатторхонлар Маркази Осиёда хукмронлик қилаётган хонлик бошқарув тизими жамиятнинг иктисадий ва маънавий таназзулининг бирдан бир сабаби деб биладилар.

Улар факат илм-фанни эгаллаш оркалигина тараққиётнинг ташазул ботқоғидан олиб чиқиб кетиш мумкин деб хисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, илм-фан жамият тараққиётини белгилаб берувчи кудратли кучдир.

Маърифатпарварлик харакати вакиллари Марказий Осиёга мустамлакачилик сиёсати орқали кириб келаётган Европача маданиятни чуқур тахлил қаладилар. Бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ижтимоий тузимнинг мохиятларини чуқурроқ англай борадилар. Европага хос бўлган давлат тузилмалари, уни бошқарининг ижобий томонларидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлай бошлайдилар. Масалан, Аҳмад Дониш истибододга асосланган тузумнинг иқтисодий-сиёсий мохиятини чуқур тахлил килиб, давлат тузимини ижобий-сиёсий ташкилот бошқаруви билан алмаштирилишини таъхидлайди. У ўзининг мағхур "Наводир ул воқое" асарида ақл давлатнинг мохиятини белгилаб беришини таъкидлаб, "Кимки ақлсиз бўлса, у олил эмас... ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ақлсиз одамлар давлатни бошқара олмайди", деб ёзди. Унингча одил подшоҳ давлатни бошқариш ва бирор фармон чиқаришда ақлли одамлар билан бамаслаҳат иш қиладилар.

Жадидчилик харакати. Бу харакат XIX аср охирида бошлангача барча маърифатпарварлик харакатларидан бир мунча мукаммалроқ, уюшганроқ, исенкорроқ, мустамлакачиликнинг асл мохиятини чуқурроқ тушуниб етган харакат эди. Миллатнинг пакланиши, миллий қадрияларни сақлаб қолища жадидчилик харакати вакиллари жонбозлик кўрсатадилар. Улар ҳалқ турмушига сингишига қарши турдилар. Ҳалқнинг, айниқса, ёшларнинг миллий рухияти ва туйтусини сақлаб қолиш, миллий ўзлигини англаб этишлари учун рус-тузем мактабларига қарама-қарши "янги усул" мактабаларига асос соладилар. Натижада 1910 йилга келиб, жадидчилик харакатининг марказалари хисобланган Тошкентда 20 та, Қўқонда 16 та "Янги усул"

мактаблари фаолият кўрсатади. Бу мактабларда асосан туркий тил ва ислом илохиётини ўқитилади.

XX аср бошларига келиб маънавий таназзули чукурлашиб бораётган Бухорода янги оқим - "Жадидчилик ёки фикрлилар" оқими вужудга келади. Бу оқим тарафдорлари Бухоронинг иқтисодий-сиёсий жихатдан кучли давлатлар катэрига чиқиша учун кураша бошлайдилар. Бу оқимнинг фаол иштирокчиларидан бўлган Садриддин Айний ўзининг "Жадидлар ёки ёш буҳороликлар партияси таркиби ёки ёзилмай қолган режалар" номли асарида "Жадидчилик харакатининг" мақсад ва вазифаларини баён қиласди. Жадидлар ўз олдиларига саводсизликни тугатиш, халқ тафаккурини юксалтириш, янги мактаблар ташкил этиш, жадидчилик адабиётини тарқатиш, диний мутаассибликка қарши кураш, давлат арбобларининг қабиҳлиги, зулмкорлигини, қонунчиликни бузилиши, адолатсизликнинг авж олганлигини фош қилиши, ахлоқсизлик ва бидъатга, эркилик саркитларига чек кўйиш каби максадларни қўядилар. (Қаранг: Ўзбекистон тарихи, Т., Ўқитувчи. 1994, 229-230 бетлар).

1905 йилга келиб, жадидчилик харакати икки оқимга: маориф соҳасини ислоҳ килиш зарурлигиға ягоянини илгари сурувчи " янгичилар" ва илохиёт таълимини ислоҳ қилишга қарши турувчи "қадимийчилар"га бўлинадилар.

Жадидчилик харакатининг "гоявий раҳнамоси" Исмоил Гапиринскийнинг Туркистонга килган сафари (1893 йил)дан сўнг Туркистонда жадидчилик харакати авж олади. Жадидчилик харакатига қўшилган тараккийпарвар кучлар Туркистоннинг энг йирик шахарларида бу харакатнинг асл максади ва вазифаларини тарғиб қила бошлайдилар. Лекин бу харакат осонлик билан ёйилмайди. Бу харакатга биринчи навбатда халқнинг миллий уйғонишидан чўччидиган рус мустамлакачилари, иккинчи томондан эса уларни қўллаб-

кувватловчи ~~м~~латбуруш гурухлар, учинчи томондан мутаасиб ва жохил рухоний ~~гурухлари~~ каршилик кўрсатадилар.

"Жалидат" харакати вакилларининг сайдъ-харакатлари туфайли савод ўргатишнинг яхши усул мактаблари ташкил килина бошланади. Биринчи жадид мактаби Бухорда 1893 йилда И smoil Гаспиринский<sup>й</sup> ва Амир Абдулаҳаджони<sup>йт</sup> келишувни асосида ташкил этилади. Кейинчалик Кўконда, Андижонда, Тошкент ва бошка шаҳарларда жуда кийинчилик билан ташкил этила боради. 1903 йилга келиб Туркистон ўлкасида 102 та жадидчилик мактаблари фоизят кўрсатган эди.

Жадидчилик меслакларини халқ ўртасида ёйишда вактли матбуотдан хам фойдаланишига этиладилар. Натижада 1906 йилда "Тараккий", "Хуршид" номли газета<sup>дор</sup> чиқара бошлайдилар. Лекин уларнинг чикиши рус цензураси томонидан туттиб кўйилади. 1907 йилдан бошлаб Абдулла Авлоний "Шухрат" номли газета чиқара бошлайди.

Шунингдек жадидлар ерли халкнинг миллий онгини уйғотиш учун, европанинг ишонч маданиятидан боҳбар бўлган, замонавий фанларни эгаллаган ёшлиарнинг чет шода, айникса, Европада ўқиб келишларига эришишга харакат киладилар. Бу мисадин амалга ошириш учун ўкишга борадиганларга молдий ёрдам беруви<sup>чи</sup> зурли хил хайрия жамиятларини ташкил этиладилар. Масалан, Тошкентда "Жамият хайрия", Бухорода "Болалар тарбияси" (Гарбия атфол) ташкил этилади. Туркистоннинг айрим миллатпарвар бой-бадавлат кишилари бу жамиятларни<sup>ни</sup>аблаг билан таъминлаб турадилар.

XX аср бошларига келиб Туркистонда жадидчилик харакати ва унинг максад хамди<sup>ни</sup>фаларини кенг ёйишда "Садои Туркистон" газетаси мухим рол ўйнайди. Бу газетада жадидчилик харакатининг Убайдуллахўжа Асадуллахўжа<sup>ни</sup>(биринчи олий маълумотли ўзбек юристи), Мунаввар Кори, Абдулла Авлоний, Абдулхамид Чўлпон, Хамза, Тавалло, Аблулла Кодирий,

Махдумхўжа, Бехбудий, Лутфилла Олимов, Абдурауф Музффарзода, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Шокиржон Раҳимий ва бошқаларнинг халқ тарихи ва маданийатини, жадидчиликнинг моҳияти, ўша давр сиёсий воқеаларини ва бошқа долзарб муаммоларга бағишлиланган мақолалар билан чиқиши қиласидилар.

Хулоса қилиб айтганда, жадидчилик харакати ва унинг илғор вакиллари миллий онгнинг ўйгониш ва шаклланишида, мустамлакачилар ўртасида сиёсий парокандаликни келтириб чиқаришда буюк хизматларни бажарадилар.

XIX асрнинг охириларига келиб Марказий Осиё Россиянинг ҳом ашё базасига айлантирила бошланади. Рус истилочилари ўзлари хоҳламаган холда ерли халқ орасидан илғор зиёлиларнинг келиб чиқишига шарт-шароит яратиб беришга мажбур бўладилар. Марказий Осиёда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг кириб келиши ерли халқ буржуазиясининг шаклланишига олиб келади.

Имон-эътиқодсизликнинг кучайиб бораётганлиги, миллий ва диний қадриятларнинг топталётганлиги ўз кўзи билан кўраётган инсофли-диёнатли рухонийларнинг айрим гурухлари хам илғор зиёлилар ва миллатпарвар буржуа вакиллари билан бирлашишга интила бошлайдилар.

Рус истилочилари бу уччала гурӯх вакилларининг ўзаро тил топишларининг олдини олишга барча кучларини сафарбар этадилар. Чунки бу миллатпарвар илғор табақалар вакилларининг ўзаро бирикуви истилочилари учун ўта хавфли куч хисобланарди. Илғор кучлар сиёсий онгининг шаклланиши ерли халқнинг миллат сифатида шаклланишига, ўзлигини англаб етишга, миллий қадриятларни саклаб колишга ёрдам беради. Бу эса мустамлакачилик сиёсатига, унинг мақсад ва вазифаларига зид келарди. Шу боисдан Рус истилочилари ерли халқ илғор фикр эгаларининг хар бир хатти харакатини назорат остига оладилар.

Миллий тараккӣпарвар кучлар эса миллатни шакллантириш, унинг миллий онгини оширишнинг бирламчи вазифаси уларни маърифатга етаклаш деб хисоблардилар.

Агар XIX аср охири адабий-бадиий мухитига назар ташласак, шоирлар ижодида бир мунча эркинлик вўјудга келганингини хис килиш мумкин. Бунга сабаб биринчидан, Марказий Осиёга Европа маданиятининг кириб келиши бўлса, иккинчи сабаб, литографиянинг, вактли матбуотининг, татар ва озарбайжон театрларининг, у билан бирга бир мунча тараккӣпарвар мусулмон маданиятининг кириб келиши, ва учинчидан, рус истилочи хукмдорларининг режали равишда ерли халқ зиёлиларининг руҳонийлар ва мулқдорларни танкид килишларига атайлаб йўл кўйганликлари натижасидир. Чунки бундай эркин танкид мустамлакачиларнинг айни муддаоси эди. Мустамлакачилар учун ерли халкнинг ички карама-каршилиги, "бўлиб ташлаб бошқари" учун ўта зарур эди.

Туркистонга литографиянинг кириб келиши Тошкент, Самарканд, Кўкон, Андижон, Тўракўргон, Когон ва Хоразмда босмахоналарнинг ташкил этилишига олиб келади. Натижада турии хил шеърий тўпламлар, баёзлар, тазкиралар, девонлар, кулиётлар, тарихий, илмий ва фалсафий асарлар чоп этила бошланади. XIX аср охири ва XX аср бошларида Лутфий, Навоий, Жомий, Оғаҳий, Фузулий, Табибий ва бошкамарнинг девонлари чоп этилади.

1870 йилда Тошкентда халқ кутубхонаси ташкил этилиб, "Туркистон вилоятининг газетаси" нашр этила бошланади. Газетанинг бош мавзууси ерли халкнинг Чор Россияси манфаатларига содиклик руҳида тарбиялаш хисобланади. Шу боисдан газетада бериладиган маколалар улуг миллатчилик шовинизми билан сугорилар, хукumatнинг буйруклари, расмий эълонлар хамда рус тарихи, адабиёти ва маданиятига оид мазмунлар ёритилар эди. Баъзан Марказий Осиёда яшовчи ўзбеклар, тожиклар, козоклагъ туркман ва киргизлар адабиёти, маданияти, хамда тарихига оид материаллар хам бериб борилар эди.

Масалан, Фурқат, Сатторхон каби маърифатпарварларнинг адабиётига доир мақолалари, Оғажий, Комил Хоразмий, Муқимий, Камий, Нодим каби раъиятпарвар шоирларнинг шеърлари вакти-вакти билан чоп этиб туриларди.

ХХ аср бошларига келиб Туркистонда "Тарақкий", "Хуршид", "Шуҳрат", "Осиё", "Бухорси Шариф", "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Ойна" каби газеталар чиқиб турган.

Умуман олганда, рус босқини ерли ҳалқ маданиятига бир томондан ижобий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчий томондан жуда катта зарар келтиради. Ерли ҳалқнинг маънавий маданияти - азалий анъаналари ва урф-одатларига, диний зътиқодлари ва ахлоқий қарашларига салбий таъсир кўрсатувчи Европача маънавият кириб келади. Миллий ўзлиқни унуглишга ёрдам берадиган, босқинчилик сиёсатини оқладиган турли хил бегона қадриятлар ерли ҳалқнинг маънавий хаётига сингдирила бошланади.

Янги усулдаги мактабларнинг миллий рух билан суғорилганлиги ва миллий маданиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатишини сезиб қолган рус амалдорлари бу мактабларни ёпиб қўйиш пайига тушиб қоладилар.

Марказий Осиё чор Россияси томонидан босиб олингач, махаллий ҳалқнинг маданий-тарихий илдизларини бутунлай киркиб ташлаб, ўз манфаатларига сўзсиз итоат этувчи авомни вужудга келтириш, миллий маданият, миллий рух ва миллий меросни оёқ ости килиш учун барча чораларни кўллайдилар. Хатто махаллий миллат вакилларининг Самарқанд, Бухоро ва бошқа шахарлардаги машхур мадрасаларига бориб таълим олишини чеклай бошлашади. Мадрасаларнинг моддий ахволини янада қийинлаштириш мақсадида асосий даромад манбаи хисобланган мол-мулк, ер ва пулнинг вакф сифатида берилишини таъкиклаб куядилар.

1875 йилда Туркистонда ҳалқ маорифи тўғрисида конун қабул қилинади. Бу конунга кўра, Марказий Осиё худудларида, яъни Туркистон генерал-

губернаторлигига худудларда рус ахолиси учун ўғил ва кизлар гимназиялари, махаллий ахоли болалари учун рус-тузем мактаблари очила бошланади. Бу мактаблар дәстүрига рус алабиёти, географияси ва тарихидан машыулотлар киритилади.

Хуллас, рус истилочилари ерли жалқыннан миңлий қадриятларини мустахкамлаш за миңлий ўзликни англашнинг асосий манбасыдан бири хисобланган таълим соҳасига қарши туради ва бу соҳанинг ривожига түсқинлик киладилар. Бу манбадан ўзларининг манфаатлари учун фойдаланишга алохиди эътибор берадилар.

XVII - XIX асрда халк маданияти, яъни масхарабозлик, қизиқчи, дорбоз, қўғирчоқбоз санъати, халк педагогикаси, ўйинлари, ижоди, одатлари, маросим-байрамлари хам нухоятда ривожланди.

XIX асрнинг охири-XX аср бошида янги гояларнинг тарқалиши муносабати билан, яъни Туркистон зиёлилари чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан қуттилиш, ўз миңлий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш чораларини кўришга бел боғлади. Бу борада жадидчиллик харакати катта роль ўйнади.

«Жадид» атабча сўз бўлиб, «янги» деган маънени билдиради. Янгилик тарафдорлари «жадидлар», унинг гоялари «жадидчиллик» номини олди. Бу ғоя дастлаб Кримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни эгаллаган Исмоилбек Гаспирали бўлади. У 1884 й. жадид мактаби ташкил этиб, 40 кунда 12 боланинг саводини чикаради.

Унинг ташаббуси билан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Тўқмоқда, Андижон, Қўконда жадид мактаблари очилади. Бу мактаблар учун маҳсус дарсликлар хам яратганлар. Ҳусусан, Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал», Мунавваркорининг «Адиби аввал», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Искенчи муаллим» дарсликлари ахамиятга эгадир.

Жадидларнинг халқ маърифати учун кураш дастури З асосий йўналишдан иборат

1. Янги усул мактаблари тармогини кенгайтириш;
2. Умидли, иқтидорли ёшларни чет элга ўкишга юбориш;
3. Турли маърифий жамиятлар тузиш, газеталар чоп этиши.

Шу йиллари жадидларнинг «Тараккий», «Хуршод», «Шуҳрат», «Осиё», «Самарканд», «Садои Туркистон», «Садои Фаргона», «Бухорон Шариф», «Турон», «Кенгаши», «Хуррият», «Улуг Туркистон» рўзномалари, «Ойина» журнали чоп этилди. Лекин тез юрада чор маъмурияти томонидан газеталар нашри маън этилди. Шунингдек, Ўзбекистон миллий маданияти, чунончи урфодатлар ва байрамларни «Қайта англаш», ўзгартириш жараёни шакллана бошлади. Бу борада турли фикрлар вужудга кела бошлади. Бу давринг маърифатпарвар зиёлилар, Фуркат, Бехбудий, Сўфизода, Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Мунаввар Кори, Хамза кабилар хаётни янгилаш, бойитиш тарафдорлари эди. Улар мактабларда ўқиши, ўқитиш ишларини янгилашга, халқни маърифатли килишга хизмат килдилар. Барча баҳтсизликнинг асосида маърифатсизлик ётади деб ёшларни маърифатга чакирдилар.

«Алхосил, тарбия бизлар учун ё хаёт, ё мамот, ё нажот, ё халокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», деб ёзган Авлоний узининг «Туркӣ Гулистон» асарида (1913 й. ёзилган).

Бу даврда миллий уйғониш рухи, айниқса, ватанга, миллатга содик фарзандлар тайёрлаш масаласи ўткир қўйилган «Америкаликлар бир дона буғдой экиб, 20 кадок буғдой оғурлар. Овруполиклар ўзимиздан 5 тийинга олган пахтамизни келтириб 25 тийинга сотурлар! Аммо биз туркистонликлар думба сотиб, чандир чайнаймиз, каймок бериб сут ошаймиз, нон ўрнига кесак тишлиймиз!»—деган фикрлари А.Авлонийнинг аср бошидаёқ бу масала хусусида нечоғлик чуқур ва теран мушохада юритишини кўриш мумкин.

Туркистондага октябрь воқеалари ва большевикларнинг зўравонлик билан хокимиятни ғаллаши жадидларга ўз мақсадини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай улар Ленин бошчилигидаги большевиклар хокимиятининг «Россия халқлари декларацияси» (1917 й. 2fX1) хужжатларида кўрсатилган миллатларнинг тақдирини ўзи белгиласи тўғрисидаги хуқуқлардан фойдаланиб, Туркистон мухторияти хукуматини эълон қилдилар. З ойги яшаган бу мухтор республика тутатилиши окибатида жадидлар таъқибга учрадилар. Кейинчалик 1929, 1937-1938 йилларда оммавий кирғин қилинчишига олиб келди.

Жадидчилик харакатидаги фаоллига ва маърифий-маданий ишларда миллатпарварлига учун А.Авлоний, Бехбудий, Чўлпон, Сўфизода ва бошқа кўплаб жадидчилик харакати намоёндалари ноҳақ равишда камситилиб, хаёти ва ижодлари ўрганилмай, мутахассислар томонидан фикр билдирилганда ноҳақ, бирёзлама баҳо берилди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва маърифат ривожи ҳакида гапириб беринг.
2. Ўрта асрларда ўтказилган қандай мавсумий байрамларни биласиз?
3. Марказий Осиёга Европа маданиятининг кириб келиши ҳакида гапириб беринг.
4. Маърифатпарварлик ва «жадидчилик» харакатларининг вужудга келиши ҳакида гапириб беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998

2. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., «Ўзбекистон», 2001.
3. История и культура народов Средней Азии. М., 1991
4. Искандаров Б. Ўрта Осиё фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрининг шаклланиши ва ривожжаниши тарихидан лавхалар. Т., «Ўзбекистон», 1993.
5. Ўзбекистон халклари тарихи. 1-жилд. Т., «Фан», 1992.
6. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Т., «Ўзбекистон», 1992.
7. Корабоев У. Ўзбек ҳақи байрамлари. Т., «Ўқитувчи», 2001.

#### **1. 4. ШЎРОЛАР ДАВРИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ**

1917 йил 7 ноябр куни рӯй берган, тарихда Улуг Октябрь социалистик революцияси деб ном олган Октябрь тўнтаришидан сўнг маданий революция килиш, социалистик маданиятни яратиш ишига жадал киришилади.

Пролетар маданиятини янгидан яратиш зарур деган гояни илгари сурган пролеткультчилар кадимдан колған барча моддий ва маънавий маданиятни йук килиб ташлашга киришадилар. Кадимий китоблар, архитектура ёлгорликлари, масжиду мадрасаларга хужум бошланади. Китоблар ёндирилади, биноларнинг айримлари бузиб ташланади, айримлари эса омборхона, отхоналарга айлантирилади.

2-боскичдаги вазифаларга кишилар онгидаги диний ва эскилик саркитларни тугатиш, барча жамоат ташкилотлари аъзоларида коммунистик онглиликини ва ахлоқни тарбиятини, ишчи ва деҳқонларнинг маданий ҳамда техникавий савиясини зиёлилар савиаси даражасига кўтариш, коммунизмнинг молдий-тея аз базасини яратиш ва коммунистик ижтимоий муносабатларни карор топтириш, ҳалк оммасиниң соводсизлигини, колоктигини, диний урф-

одатларни, ақпүй мөхнат билан жисмоний мөхнат ўртасидаги тафовутларни тугатиш кәбилар кирап эди.

Маориф халк комиссарлыги хузурида барча маданий-оқартув ишларига рахбарлик күливчі мактабдан ташқари бўлим ташкил этилади. «Саводсизликни тугатиш» шиёри остида республикамизнинг 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча ахолиси ўқиш, ёзиши ўрганишга мажбур этилади. Шу даврларда 1000 га яқин саводсизликни тугатиш мактаблари, кўплаб кутубхона, кироатхона, клуб, кизил чойхона, хотин-қизлар клублари хам иш олиб борди. Театр салъати ривожига ўзтибор берилиб, 1918 йилда ўлқан сайёр драмматик труппаси ташкил этилди. Тошкентда М.Уйгар бошчилигига драмматик труппа тузилади, театр мактаби очилади. ўзбекистон компартияси ўзининг 1925 й-ги 1-съездиде маданий-оқартув ишлари халқда резолюция ишларни кучайтириш, саводсизликни тугатиш мактабларни кўплайтириш, «битсин саводсизлик» деган жамоат ташкилоти қишлоқ ячейкаларини мустахкамлаш, бу ишларга ўқигувчиларни жалб килиш, талабалардан қишлокларга маданий ёрдам қўрсатувчи отрядлар тузиш лозимлиги курсатилади.

Ўзбекистон компартиясининг II съездиде «Жлуб иши» хакида алоҳида резолюция қабул қилинди. Унда клуб ишчилар оммаси маданий савиясини оширишнинг энг синалган, оммани Совет хокимияти ва партия вазифаларини бажаришга, социалистик курилиш масалаларини мухокама қилишга жалб этишнинг воситаларидан бири эканлиги хамда ушбу вазифаларни ишчилар оммаси фаоллиги ва хаваскорлигини ошириш асосида олиб бориши лозимлиги курсатилади.

Кадрлар тайёрлашни яхшилаш мақсадида ишчилар факультети ва кечки курслар ташкил этилади. Шундай қилиб, Шўролар даврида маданий-маърифий фаслият давлат тизимиға айлантирилиб, совет мағкурасининг бир кисми бўлиб

колди. Бу даврдаги маданий-маърифий фаолиятининг асосий мақсади битта ахолини коммунистик рухда тарбиялашдан иборат эди.

Мамлакатда социализмнинг узил-кесил галаба қозониши билан маданий революциянинг 1-даври тугалланди, деб хисобланди. Бу даврда саводсизликни тугатиш, янги совет зиёлиларини етиштириш, умумий мажбурий таълимим жорий этиш, маданият таркибидан феодал ва буржуа идеологиясини сиқиб чикариш, марксизм-ленинизм идеологиясини бутун жамият идеологиясига айлантириш, аслий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликни тугатиш, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятни шакллантириш каби масалалар долзарб қилиб қўйилди.

Мана шу режалаштирилган сиёsat натижасида Шўролар даврида маданий-маърифий муассасалар халққа хизмат қилиш ўrniga, бутунлай коммунистик ғояларни тарғиб қилувчи масканларга айлантирилди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик асарлар яратиш талаби эса бир-бирига ўхшаш, мазмунан саёз, бир хил қолинга солинган зўрма-зўраки ёзилган асарлар яратилишига замин бўлди.

Шўролар даври маданий-маърифий фаолиятида махаллий шароитни хисобга олмаслик, Европа ва Россияга хос шаклларни зўрма-зўраки тикиштириш, маданий мерос ва миллий анъаналарни инкор этиш, бузиб кўрсатиш халқ ижодини менсимаслик каби кўплаб хатоликлар мавжуд эди.

Шўролар даврида куйидаги шакллардан кўпроқ фойдаланилар эди: жонли газета, оғзаки журнал, митинг кечалари, портрет кечалари, концерт лекциялар, агид судлар, намойиш, тематик кечалар, агитбригада томошалари ва хоказолар.

### **Савол ва топшириклар**

1. Шўролар даврида миллий маданиятни йўқ қилиб социалистик маданиятни яратиш ишлари қай тарзда амалга оширилди?

2. «Клуб иши» хакидаги резолюция қачон ва нима мақсадда кабул қилинди?
3. Шўролар даврида маданий мерос ва миллий анъаналарга муносабат хакида гапириб беринг.
4. Шўролар даврида маданий-маърифий фаолиятнинг қандай шаклларидан фойдаланилган?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. Йистикюл ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997
3. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Т., «Ўзбекистон», 1992.
4. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. Т., «Фан», 1992
5. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизғилар. Т., «Шарқ», 1998
6. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т., «Шарқ», 2002

### **1. 5. Мустақил Ўзбекистон Республикасида маданий – маърифий фаолиятнинг янгиланиши, ютуқлари ва муаммолари.**

Маънавий қадриятларимизни тиклаш ўз - ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. У энг аввало, мустақиллик шарофати билан вужудга келган тарихий эҳтиёжлар асосида маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотлар замирида содир бўлмоқда. Маънавий соҳадаги ислоҳотлар доирасида кўйидаги мухим ишлар амалга оширила бошланди. Энг мухими Ватанимизда жаҳонда аналоги йўқ «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Кенгаши тузилди ва унга

юқсатылған вазифалар үлкемизда жамоатчилик диккетини маънавий масалаларига каратди.

Маънавиятни ривожлантириш - давлатнинг бosh вазифаси деб қараш - бу соҳани жиддий тараққий этишига замин бўлди.

Узбекистон Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш туғрисидаги (1996 й) Фармонида «Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши, деб хисоблансин», - деб қайд қилинди.

«Айрим катта-кичик раҳбарлар... - дейилади ушбу Фармонда, - маънавиятниг асл маъносини тушуниб етмаслик туфайли, унга иккинчи даражали иш сифатида қарашмоқда. Маънавий-маърифий ишларига бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришлек эзгу максадимиз рӯёби учун мутлақо зиддир». Фармондаги бу фикрлар турли даражадаги раҳбарларни халқ маънавиятига жиддий эътибор беришга унади.

Миллий мафкурага бағишлиланган (6 апрел 2000 йилги) анжумандада Президентимиз раҳбар, ходимлар, энг аввало, маънавият, мафкура, маданият билан шуғулланиши даркор эканлигини таъкидлади.

Барча даражадаги раҳбарлар маънавият билан бевосита шуғуллана бўешлаши - барча жойларда кенг куламда маънавиятни жонлантиришга имконият яратмоқда. Маълумки, илгари, жумладан, шўролар даврида маънавият билан учинчи раҳбар (ёки раҳбарнинг учинчи ўринбосари) идеология ишининг бир қисми сифатида шуғулланар эди. Кўпгина мустақилликка эришган давлатларда козир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бизнинг Республикаимизда эса Президентимиз Фармони асосида: «жойларда маънавият билан боғлик ишларнинг амалга оширилиши учун бутун маъсулият шахсан Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят шахар ва туман хокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи

рахбарларининг зиммасига юклатилди. Президентимиз эса барча рахбарларга шахсий намуна кўрсатиб, ўзини «маънавиятнинг бош - хомийси ва химоячиси» деб эълон қилди.

Иирик нуфузли ташкилотларга маънавият бўйича маҳсус - рахбарнинг 1-ўринбосари лавозими жорий этилиши - дарҳақиқат барча ишлар орасида маънавиятнинг бириччи ўринга олиб чиқилганига амалий исбот бўлди. Айникса, олий ва ўрта маҳсус билим юртларида ректор ва директорларнинг «маънавият ва маърифат» бўйича 1-ўринбосари лавозимлари жорий этилиши - ўқув юртларида ва нафакат яхши мутахассисларни, балки маънавий камол топган бўлажак рахбарларни тарбиялаш учун имконият яратди.

Республикамиизда азалий қадриятларни тиклаш бўйича ўта жиддий тадбирларнинг амалга оширилиши - маънавиятимиз «бино» сининг қаддини кўтаришида мухим воситалардан бири бўлмокда. Натижада республикамиизда янги маънавият соҳаси тизими вужудга кела бошлади.

«Ўзбеккино», «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбеклий», «Ўзбектеатр», Бадиий академий, ўзбек амалий санъати маркази, «таълим маркази» каби кўплаб республика ташкилотларининг тузилиши маданият ва маънавиятнинг асосий соҳаларини тарақкий эттиришга кўмак бермокда.

Дарҳақиқат, миллый қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилаётган тарихий ишларимизни қамрови жуда кенгdir. Уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

- Кўп минг йиллик тарихимиз хаққоний, чуқур ва хар томонлама ўрганилиши, тарихий мавзулардаги (совет даврида такикланган) асарларнинг чоп этилиши миллый-тарихий онгни шакллантиришда мухим роль ўйнамокда.

- Халқ содатлари, маросимлари ва байрамлари (Наврӯз, Рўза хайит, Курбон хайит кабилар) нинг тикланиши ва янги байрамлар (Мустакиллик куни,

ўқитувчилар куни, хотира ва қадрлаш куни кабилар) ни жорий этилиши халк маънавий хаётига ижобий таъсир этмоқда.

- Диний қадрияларниг тикланиши, эски масжид ва мадрасаларнинг таъмирланиши, янгиларининг барпо этилиши, диний адабиётлар нашр этилиши республикамизда виждан эркинлигини таъминламоқда.

- Дунё тараққиётига ўз хиссасини қўшган - буюк мутафаккирлар, давлат арабобларининг маънавий меросидан халқимиз фахр билан фойдалана бошлади, жумладан, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Накшбандий, Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро кабиларнинг асарлари халқимизга руҳий-маънавий қувват багишламоқда. ЮНЕСКО ёрдамида жаҳонга муносиб хисса қўшган алломалар (Улугбек, Амир Төмур, Ал-Хоразмий, Ахмад Фарғоний) нинг юбилейларини ўтказиш одамларда миллий фахр туйғуларини юксалтирмоқда.

- Жаҳонги лол колдирган тарихий меъморчилик иншоотлари кенг кўламда таъмирланмоқда, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз каби шаҳарларда тарихий-меъморий ёдгорликлар тикланиши, Бухоро ва Хива каби кадимий шаҳарларнинг 2500 йилтиги, Термиз шаҳрининг 2700 йиллигининг нишонланиши аждодларимиз руҳи олдида чукур хурмат тарзида намоён булмоқда. Узбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши эса миллий гуруримизни устирмоқда. Уз навбатида жаҳон тилларини ўрганиш эктиёжи бизни оламга «юз тутишимиз»га, жаҳон ҳамжамиятига кўшилишга, умуминсоний қадриятларни ўрганишимизга ёрдам бермоқда.

- Халқ ижди, амалий санъати жонланиб, ватандошларимизни хам, хорижликларни хам ялол колдирмоқда. Халқ ижоди бу республика ва халкаро анжуманлар ўтказилиши, аждодларимиз қолдирган мерос ва миллий-ахлоқий мадданият дурданаси ёшлиарни тарбиялашда мухим омил бўлмоқда.

- Буни алоҳида таъкидлаш керакки, аждодларимиз меросини тиклаш бўйича килинаётган ишларимизни нафақат ўзимиз, балки бутун жаҳон тан

олмокда. Бу борадаги оламшумул ишларимизни ўрганиш учун дунёниң күнгина мамлакатлари (чуюнчи, Ж.Америка, Норвегия, Голландия, Франция, Олмония, Турция) дан ташриф буюрган мутахассис-олимлар анъанавий маданиятимизни тиклаш бўйича қилинаётган харакатларимизга қойил колизимоқда.

Анъанавий халқ маданиятини яхлит ва кўп қиррали ходиса сифатида ўрганиш, унинг тузилиши, асосий кўринишлари, шаклларини аниклаш мухим аҳамиятга эга. Ўзбек боз этномаданият эволюцияси за умум қабул қилинган «маданият» таснифидан келиб чиқиб, халқ маданиятининг асосий соҳаларини аниклашга иктилдик. Натижада, этномаданият ва унинг таркибий қисми бўлган анъанавий халқ маданияти тизимининг таркибий қисмida: халқ дошишмандлиги, халқ фалсафаси, халқ эътиоди, халқ педагогикаси, халқ одатлари, халқ ижоди, халқ ўйинлари, дам олиш маданияти, халқ пазандалиги, миллий либослар, халқ меъморчилиги, халқ амалий санъати, халқ габобати, халқ турмуш маданияти каби кўшлаб соҳаларни ажратса бўлади.

Анъанавий халқ маданиятининг барча соҳаларида авлодларнинг дунёкарашлари, фалсафий тушунчалари ўз аксини топганлиги учун этномаданият таркибида халқ дошишмандлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг сабаби шундаки, халқнинг ғоя, фикр, билим, дунёкарашини ифода этган этномаданият кўринишини халқ фалсафий дошишмандлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тахлиллар шуни кўрсатадики, халқ маданиятининг фалсафий - ғоявий мазмуни қанчалик чуқур бўлса, унинг шакли хам шунча бақувват, ижтимоий аҳамияти кучли, умри хам боқий бўлар экан.

Халқ маданиятининг асосий кўринишларини аниклаш натижасида ўзига хос хусусиятлари ва тавсифий белгиларини аниклаш хам катта илмий қийматга эгадир.

Сдий мекннаткаш халқ оммаси маданий - ижодий фаолият билан асосан, ишдан ташкари, яъни бўш вактида машгул бўлади. Эндиликда ханузгача дәярлик ўрганилмаган анъянавий дам олиш маданиятига алоҳида эътибор бериш лозим бўлмокда. Шу сабабли халқ орасида машхур бўлган мавсумий дам олиш анъяналар («Гул сайли», «Сув сайли», «Тоғ сайли», «Боғ сайли», «Гапгаштак» кабилар) га хамда турли тарихий жараёпларда маданий - маърифий хордик чиқариш масканлари (Эркаклар уйи, Оташхона, Ийдгоҳ, Шерда Маданий ботлар, Тарбхона, Томошагоҳ, Сайлгоҳ, ўйингоҳ, Чойхона кабилар) тажрибаси диккатига сазовордир.

Халқ ижодий анъяналарини саклаш ва ривожлантириш, жумладан, халқнинг оғзаки, мусиқали, амалий, театр - тамошавий деб аталган асосий ижод турлари жаҳнларини тиклашга оид услублар ишлаб чиқиши зарурати туғилмокда.

Халқ оғзаки ижодининг асия, достон, мушоира, лоф, кулги-хикоя, асотир (миф), афсона, эртак, латифа; анъянавий мусика ижодининг: алла, ялла, ёр-ёр, алёр, терма, агула, маросим кўшиқлари ва мусика фольклори асосида вужудга келган оиласи жамоалар фольклор этнографик ғурухлар, халқ хаваскорлик жамоалари; халқ театр-томуша ижодининг масҳарабоз, қизиқчи, дорбоз, муаллақчи, найрангбоз, қўғирчоқбоз; халқ оммавий - безак ижодининг наккошлиқ, кулолчилик, ўймакорлик, зардӯзлик, тўкимачилик; табиат билан боғлик бўлган ижодининг ранг - баранг тур ва жанрларини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиндики, улар авлодлар онгини, бадиий тафаккурини, эстетик қарашларини тараккий эттирибгина қолмай, балки ижтимоий хаётнинг барча соҳаларида ижодкорликни ривожлантирган, халқнинг ўз тарихи ва тақдирни хакида ўйлашга, бунёдкорлик килишга унданган. Шунинг учун, ижодий меросни тиклаш ва камол топтириш халқнинг барча ижтимоий-маданий соҳаларидағи фаоллигини оширишда мухим омил бўлади.

Халқ педагогикаси минг йиллар давомида карор толиб, юзлаб авлодларни тарбиялаш жараёнида вужудга келган илғор ахлоқий ғоялар, тажрибалар ва усусларни ўзида умумлаштирган† Халқ педагогикасига оид тажрибалар, анъаналарни ўрганиш натижасида тарбиявий жараённинг самарали бўлишига хизмат қилуечи «Таг максад (таг маъно), - подцель», салбий тарбиявий жараённи келтириб чиқарувчи «хуфия тарбия» - «теновая педагогика» ҳамда катта қимматга эга асрлар оша синалган «устоз - шогирд» анъаналариға алоҳида ўрин бериш мухим экан.

«Анъанавий халқ маданияти» дейилганда кенг маънода этноснинг хаётидаги барча қадриятлар тушунилса ҳам, унинг туб маънодаги негизини халқ анъаналари ҳосил қиласди. Шунинг учун ҳам халқ анъаналарини ўрганиш ўзбек маданиятшунослигининг асосий вазифаларидан бирига айланмоги лозим.

Анъаналар халкнинг тарихий шалланиши ва ривожланиши жараёнида яратилган за авлодлардан авлодларга муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебахо маънавий бойлиги хисобланади. Этнос - миллатининг асосий белгиларидан бирига айланган одатларни асраш ва камол тоғтириш ҳар бир авлодларниг мукаддас бурчига айланган. Анъанавий халқ байрамларининг тикланиши ўзбек маданияти тарихида ўта мухим воқеа бўлиб колмоқда. Чунки байрамлар хаётнинг энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирадиган ва акс эттирадиган кўзгу сифатида халқ маданиятининг йирик ва мухим шакли хисобланади. Шунинг учун азалий маданиятнинг энг қимматли томонларини қоидалаштиришга замин яратилди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, ҳалқимизнинг эҳтиёжи, орзу - истакларини хисобга олиб, азалий байрамларни тиклашга ва янги истиқбол байрамларини шакллантиришга катта эътибор бера бошлади. Жумладан, Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Фармонларки асосида «Наврӯз», «Рӯза ҳайити», «Курбон ҳайит» лар расман

тикланиб, халқ үртасида кенг нишонлана бошлади. Шунингдек, истиқоллини шарафлайдиган икки байрам «Мустақиллик куни» ва «Конституция куни» жорий этилди. Уз навбатида Узбекистон рахбарияти Шўролар даврида пайдо бўлган барча байрамларни таъкидламади. Улар орасида умуминсоний гоя ва қадриятларни тарғиб қилувчи «Янги йил байрами», «Хотин-қизлар байрами» кабилалар саклаб келинди.

Хозирги вақтда Ўзбекистоннинг асосий давлат байрамлари асосан шаклинига бўлса-да, азалий байрамларни тиклаш жараёни тугаган, деб хисоблаш истўғри бўлади. Бу борада хали бажариладиган ишлар хам кам эмас. Бир томондан, азалий байрамлар билан бирга уларга хос одатлар ва анъаналар тикланиши даркор. Иккинчи томондан, мустақиллик даврида пайдо бўлган тарихий - маънавий қадриятлар билан хам бойитилмоғи лозим.

Халқ анъаналарига оид тадқиқотларимиз, чунончи, Марказий Осиё ҳалқларининг минг йил ичидаги юзга яқин байрам ва маросимларига оид тўпланган маълумотлар таҳлил натижасида куйидагилар маълум бўлди: Йинсоннинг табиий - хаётий эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган маросим ва байрамлар асрлар давомида ўз ахамиятини йўқотмайди. Уларга сиёсий вазиятлар, турли давлат сулолаларнинг маҳв этилиши, хукмдорлар, истилочиларнинг келиб кетишлари, хаттоки худуддаги аҳоли таркиби ўзгаришлари хам таъсир этмайди. Иккинчи туркум байрам маросимлар эса маълум вақтдан сўнг ўзгариши ёки бошқа янги байрамлар вужудга келиши асос бўлиши мумкин. Учинчи гурух маросим ва байрамлар эса муайян давр сиёсати, давлат ёки хукмдорларнинг хоҳиш-иродаси сифатида вужудга келади, ўшалар билан биргаликда яшайди ва ўз тарихий вазифасини бажариб бўлганидан сўнг барҳам топади.

Халқ анъанавий маданияти борасида сўз борганда, ёшлар камолотида мухим ўрин тутадиган халқ ўйинларига алохида тўхталиш лозим. Бунинг сабаби

куйидагилардан иберат: биринчидан, ўйинлар - аждодларимизнинг энг қадимий тарихий қадрияти, кўпгина маданияти шакллари чашмаси – рақс, театр, спорт, маросимлар кабилар айнан ўйинлар заминида келиб чиқсан ва тарихий жараёнларда ўйинлар аждод - авлодларимизнинг соғломлаштирувчи воситаси бўлиб келган; иккинчидан: ота-боболаримиз халқ ўйинлари ва мусобақалари ёрдамида аҳлан расо, руҳан тетик, жисмонан бақувват бўлиб келган; учинчидан, ўйинлар нафақат маънавий мерос бўлиб қолмасдан замондошларимизни, айникса, ёшлиаримизни ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишида ўта муҳим ўрїн тутадиган манбадир.

Ўйинлар -энг қадимий маданият шаклларидан бири. Улар кўпгина санъат турлари (рақс, театр), маросим, спорт кабиларнинг сарчашмасидир. Биз шунга алоҳида эътибор бериб, Фориш нохиясида 1985 йилдан бошлаб унуглилган халқ ўйинларини ўрганиш (1985-86 йил) тиклаш (1987-91 йил), ва тарғиб килиш (1991-93 йил) бўйича тажрибалар олиб бордик. Бунинг натижасида, 100 га яқин ўйинлар тикланди. Мазкур тажриба натижалари анъанага айланиб, хар йили ўтказилиб келинаётган «Халқ ўйинлари» байрамлари олимпиадаси, қатор фильмлар ва оммавий ахборот воситаларида, тадқиқотларда ўз аксини топди. Тажриба асосида халқ ўйинларини тиклаш ва ривожлантириш йўллари белгиланди.

Республикамизда халқ ўйинларининг тикланишида хам айнан Жиззах вилояти Фориш туманини тажрибаси диккатта сазовор бўлди. Бу ерга аввалига бир мактаб, қишиюқ, кейин туман, сўнгра вилоят ва нихоят, республика даражасида тикланган халқ ўйинлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Форишда 1994-96 йилларда Республика I-II Олимпиадалари ўтказилиши ўлкамизнинг турли жойларида азалий халқ ўйинларига бўлган кизиқишини кучайтириб юбсрди.

Шу нарсани қувонч билан қайд этиш керакки, ўйинни жоң дилдан севадиган ёшларимиз аждодларимизнинг ўйинларирига катта кизиқиш билан қарашмоқда. Форишада ўтқазилган олимпиада мусобақаларининг иштирокчилари асосан, ўспирин-ёшлардан ташкил топди. Бу эса XX аср ўрталарда унугилган анъаналарини аср охирида тикланиб, ёшлар томонидан ўтқазилганидән далолат беради.

Халқ ўйинларини тиклаш жараёнида хам ўзига хос муаммолар йўқ эмас. Масалан, азалий мусобақаларининг спортта яқин турларига кўп эътибор берилмоқда. Бирок ўйинларнинг харакатли томонига эътиборни кучайтириб, ургу бериб, руҳий томони унтутилиб қўйилмоқда. Холбуки Шарқ ўйинларида одинги ўринда руҳият, кейин жисмоният турган. Аждодларимиз фойдаланган сўз ўйинлар, ақрли ўйинлар, рақсли ўйинлар, сюжетли театрлаштирилган ўйинлар хам дикқат талаб килмоқда. Халқимизда инсонни ҳар томонлама баркамол қиласиган анъаналар, ўйинлар, мусобақалар яратилган, улардан нафақат саралаб, балки анъанавий ўйинлар тизимидан яхлит шаклда фойдаланмок хам керак.

Маданий меросимизнинг бир қисми бўлган, авлод - аждодларимизга асрлар мебайнинда рух жон ва соғлик ато этиб келган ҳалқ ўйинларини жонлантириш - миллий қиёфамиз, маънавиятимиз ва қадриятимизнинг мухим қисмини тиклаш демакдир. Уларни қўз корачигидек асраш, эъзозлаш ва улардан оқилона фойдлана олиш мүкаддас иш эканлигини унутмаслигимиз керак. Ана шундай қила олсак ўзимизнинг хам, келажак авлодларимизнинг хам, ҳалқ ибораси билая айтганда «жону тани омон бўлади».

Анъанавий ҳалқ маданияти ва унинг асосий кўринишлари (ҳалқ доинишмандлиги, эътиқоди, педагогикаси, анъаналари, ижоди, дам олиш маданияти, ўйинлари кабилар) инсониятнинг тарихий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, ҳалқ хаётида ўзининг муносиб ўрнини топган, авлоддан -

авлодга мерос бўлиб ўтган, гакомиллашиб, ижтимоий тараккиётда мухим ўрин тутган. Улар хозирги замонда хам жамиятни маънавий камол топтириш учун мухим омил сифатида хизмат қиласди. Шунинг учун аждодларимизнинг бу бебахо меросини янада чукуррок ўрганишимиз, тиклашимиз ва камол топтиришимиз учун аж, куч ва ғайратимизни аямаслигимиз лозим.

### **Савол ва топшириклар**

1. Мустақиллик йилларида қандай миллий маданий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.
2. Президент И.Каримовнинг ўзини «маънавиятнинг бош хомийси ва химоячиси» деб эълон қилишидан кўзланган мақсад нима?
3. Анъанавий халқ маданияти деганда нимани тушунасиз?
4. Мустақиллик йилларида миллий маданий меросни тиклаш ва ривожлантириш бўйича қандай ютукларга эришилди?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998.
3. Каримов И. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., «Ўзбекистон», 2001.
4. Каримов И. «Бизни танлаган йўлимиздан хеч ким қайтара олмайди», «Ўзбекистон овози» 2005 й. 21 июнь
5. Ватан туйгуси.Т., 1997
6. И момназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.Т., «Шарқ», 1998
7. Зиёмухамедов Б. Маънавият асослари. Т., 2000

8. Ҳрабосев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т., «Шарқ», 2002

## II. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ НАЗАРИЯСИ

### 2. 1. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ҳаф қандай фан, ўкув предмети, умуман, билимнинг барча соҳалари илмий асос ёки назариясиз ривожлана олмайди.

**НАЗАРИЯ** – хаёт ходисалари, инсон тажрибаси, амалий фаолият хақидаги билимларни йигади, умумлаштиради, мантиқий бир системага солади.

Назария – маълум билимлар соҳасидаги инсон тафаккурининг объектив конкунларини акс этиради, мантиқий фикрлаш йўли билан ишлаб чиқарган билим - қоидалар асоси ва мажмусасини вужудга келтиради. Назариянинг асосий вазифаларидан бири кишилар билимини бойитиб ва чукурлаштириб боришидир.

Хозирги даврда «Маданий – маърифий фаолият» асослари фанини шакллантирадиган асослар, яъни унинг моҳияти, хаётда тутгаш ўрни, вазифалари, ўзига асос ҳусусиятлари ва уларни ташкил килиш қонун - қоидалари хақидаги билимлар мавжуд.

Ўзбекистон мустакилликни қўлга киритган дастлабки кунлардаёк ижтимоий хаётни қайта қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари билан бир каторда ахолининг турмуш маданиятини тубдан яхшилаш, кишиларнинг бўғи вақтини мазмунли уюштириш, уларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, халқнинг бадиий ҳаваскорлик ижоди ва кобилиятларини ривожлантириш каби долзарб муаммоларга жиҳдий эътибор берилди.

«Маданий -- маърифий фаолият», аввало, маданий-маърифий муассаса, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар, кутубхоналар фаолиятидир. Маданий-маърифий муассасалар бу гоявий ва тарбиявий ишлар жараёнининг таркибий қисми хисобланиб, улар ҳалқимизнинг ижтимоий-маданий хаётида мухим роль ўйнайди. Уларни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаваскорлик ижодига жалб қилиш ва мазмунли хордик чиқаришни уютириши орқали олиб боради.

Маданий-маърифий фаолият, асосан кишиларнинг ишдан бўш вактларида олиб борилади, кишиларга асосий ишдан ташқари ҳар хил мазмундаги ва шаклдаги «иккинчи» фаолият билан шуғулланишларига имконият яратади. Бу фаолият кишиларнинг хордик чиқаришга, билимини, дунёкарамини ўстиришга, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, улар ўз навбатида асосий иш фаолият билан яхшироқ шуғулланишга самарали ёрдам беради.

Маданий – маърифий фаолият – ахолини маънавий камол топтириш, маданий савиясини ошириш, билимини ўстириш, дунёкарашини кенгайтириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, бўш вактини самарали ўтказишга қўмак берувчи ижодий-ташкилий ишлар мажмуасидир.

Маданий-маърифий фаолиятнинг ўз обьекти, предмети ва иш фаолияти мавжуд.

Маданий – маърифий фаолият куйидаги ишлардан иборат:

1. Ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш.
2. Ҳалқ ҳаваскорлик ижодини ўстириш.
3. Кипиларнинг дам олишини ташкил қилиш.

Бу иш фаолиятлари маданий-маърифий ишларнинг шакларини вужудга келтиради. Маданий-маърифий фаолият турларига спектакль, оммавий томоша,

халқ сайллари, байрамлар, карнавал, рақс кечалари, викторина, күргазма, конкурс, саёкат ва экскурсия кабилар киради.

Күриниб турибдики, маданий-маърифий фаолиятининг иш шакллари хилма хил за кўпdir. Улар хақида тўлик тушунчага эга бўлиш учун махсус тасниф мавжуд. Улар ичида икки хил тасниф дикқатга сазовордир. Биринчи тур таснифлашга маданий – маърифий иш шаклларига қатнашадиган кишиларнинг сони асос қилиб олинади. Улар қўйдагиларга бўлинади: якка, гурухли ва оммавий шакллар.

1. Якка шакллар-мутахассис ва тингловчи ўртасидаги консультация, якка сухбат, оммавий машғулотлардан ташкил топади.

2. Гурухли шакллар – таҳминан 15-30 киши қатнашадиган тадбирлар, яъни мунозара, семинар, сухбат, экскурсия, хаваскорлик жамоалари машғулотларини ўз ичига олади.

3. Оммавий шакллар – сони чекланмаган, катта аудиторияга мўлжаллаңган маъруза савол-жавоб кечалари, мавзули кечалар, оммавий томонпалар, байрамлар ва бошқаларда вужудга келади. Оммавий шакллар Маданий-маърифий фаолиятнинг асосий қисмини ташкил килади.

2-тур таснифлаш маданий фаолиятда қандай таъсиричан воситалардан ва усуллардан фойдаланиш асосида вужудга келади. Бу борада ҳам иш шакллари Зга бўлинади: монологик, диологик ва кўп тармокли шакллар.

1. Монологик шакллар – бу нотиқнинг оғзаки, «жонли» сўзи ҳамда бошка таъсиричая воситалар орқали аудиторияга ахборотлар берадиган тадбирлар. Масалан, маъруза, доклад, ахборот ва бошқалар.

2. Диологик шакллар булар асосан, мулокот, сухбат, фикр алмашиблардан изборат бўлиб, унга сухбат, мунозара, учрашув, савол-жавоб кечалари киради.

3. Кўп тармоқли шакллар деганда монологик ва диологик шакллар билан бир қаторда бошқа таъсирчан воситалардан фойдаланиш мумкин бўлган тадбирлар гушушилади. Масалан, оғзаки журнал, мавзули кечалар.

Маданий – маърифий фаолиятнинг уч асосий бўгини мавжуд бўлиб, булар: маданият, маънавият ва маърифатдан иборат.

*Маданият* арабча «мадина» (шахар кентлар) сўзидан келиб чиқкан. Араблар кишилар хаётини икки турга бўлиб, бирини бадавий ёки сахроий турмуш, иккисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик бу кўчманчи холда чўл сахроларда яшовчи халқларга, маданийлик эса шахарларда ўгрок яшаб, шахарга хос турмуш тарзида яшовчи халқларга нисбатан ишлатилиган.

Маданият атамаси кенг маънода кўлланиб жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий хаётда кўлга киритилган ютуклар мажмунини бирор ижтимоий груп ёки халқнинг маълум даврда кўлга киритилган шундай ютуклари даражасини, ўқимишлийлик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик ва маърифатлийкни хамда турмушнинг маърифатли киши эктиёжларига мос келадиган шароитлари мажмунини билдиради.

Маданият икки турга бўлинади: модий ва маънавий маданият.

Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳалари хамда унинг самаралари-мехнат куроллари, турар-жой, кундаклик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алока воситалари ва бопқаларни ўз ичига олади.

Маънавий маданиятга ақлан ва маънан яратувчалик соҳалари-билим, алока, таълим-тарбия, хукуқ, фалсафа, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор, дин ва шу кабилар кирафи.

Факат бир халққа тегишли, факат бир халқ маданиятининг асосини шу миллат яратган бўлсада, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши ва таъсири бўлади, албатта.

Маданият – умуминсоний ходиса, лекин Шўро мафкурачилари айтиб келганидек сиғфий ходиса эмас. Маданият барчага баобардир.

Ҳар бир жамият ва давр ўз маданият кўринишига эга бўлади. Жамият узгариши билак унинг маданияти ўзгаради-ю, лекин маданий тараққиёт узилиб қолмайди, илгариги маданият йўқ бўлиб кетмайди, маданий мерос ва анъаналари сақланади.

Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликларя мажмумига маданий мёрос дейилади. Ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий маданият негизини янгитдан яратмайди, балки аждодлар тамонидан яратилган маданий бойликларни қабул килиб олади.

Шўролар даврида маданий меросга нотўғри муносабатда бўлинди: яъни улар «бою заминдорларга, ҳоким синф табакаларига хизмат қилган ўтмиш маданиятининг бизга кераги йўқ, янги-пролетар маданиятни яратамиз» деган шиор остида собиқ Совет Иттифоқи ҳалқларининг, жумладан, ўзбек ҳалкининг моддий ва маънавий маданиятига кирон келтирилди, сарой, масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, нодир асарлар ёкилди.

Шу билан бирга ҳар бир жамият ўтмиш маданий меросини қандай бўлса, шундайлигича, кўр-кўронга қабул килиб олмайди, албатта. Маданий мероснинг ўз дунёкараши, тузуми, манфаатларга мос келадиган, бугун ва келажак учун хизмат киладиган қисмини қабул қиласди. Чунки ўтмишдан қолган барча нарсалар бир хил қадриятга эга бўлмайди. Масалан, шўролар замонида яратилиб, унинг сиёсатини таргиг этган эндиликда ўз умрини яшаб булган китобларнинг бугун учун хам, келажак учун хам қадрияти йўқ. Тўгри, улар мерос, лекин маданий мерос эмас, уларни тарихий факт сифатида саклаб қўйиш мумкин, холос.

Демак, маданий мероснинг қадри абадул - абад тушумайдиган қисмига миллий қадриятлар дейилади.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва кувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат багишлайди. Фақат моддий жихатдан гаъминланиш билан кифояланиш онгсиз ва рухсиз маҳлукларга хос. Маънавиятга интилиши эса рух ва онт эгаси бўлмаш инсонга хос фазилатdir.

*Маънавият* – одамнинг руҳий ва аклий оламилигини мажмуидир.

Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим бир кишининг ички хаёти, руҳий кечинмалари, аклий қобилиятига, идрокини мужожассамлаштарувчи тушузча. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи инсон ва жамият хаёти маълум йўналишининг бош омилидир.

Маънавият бойиб борса, жамият равнак топади, ва ривожланади, маънавият қишлоқланса, жамият тақказулга юз тутади.

Шунинг учун мустақиллик йилларида маънавиятта кучли эътиборга борилаётганлигининг сабаби хам шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат кўриб бўлмайди.

Маънавият кең тушунча бўлиб, маърифат, маданият тушунчаларини хам ўзига камраб олади.

Ҳар бир жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдод эгаларини, умуман, ўкуеви шахсларини қадрлаш, уларга гамхўрлик кўрсатилиши, камол топтиришига учун етарли шарт – шароитини таъминлаб бериши билан хам белгиланади. Ривожланган, маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари миллатнинг юзи, ғурури ва келажаги деб қаралади. Бизнинг ўзбек жамиятимиз хам шу йўлдан бормоқда.

Турон ва Туркистонда азалдан истеъдод эгаларини эътироф этиш ва муносиб қадрлашга хамиша эътибор бериб келинган. Бир тарихий мисол А.Навоий буюк асари «Хамса» ни ёзиг тутатгач, Султон Ҳусайн Бойкаро улуғ бобомизни саройга гаҳлиф қиласи, пешвоз чиқиб, карнай-сурнайлар садоси остида зўр тантаналар билан кутиб олади, аркони давлат, амирлар, вазирлар,

уламо ва фузало хозирлигига шоирга шохона саруполарни ўз кўли билан кийгизади, кумуш билан зийнатланган эгар-жабдукли оқ аргумоққа мингазади А.Навоий мизған ст жиловини Хусайн Бойқаронинг ўзи тутганича Хурросон мамлакатининг пойтахти бўлмииши Хиротнинг бош кўчаларини айлантириб чикади. Халойик уларни баб-баробар олқишилайди. Бири буюк асар яратгани учун, иккиси шу асар яратувчининг қадрига етгани учун шундай олқишиларга сазовор бўладилар. Бу буюк асарнинг шохона тақдирлапиши эди.

Бироқ мустамлақачилик, чоризм зулми ва совет империяси йилларида юртимизда истеъоддод эгалари тўла бўй кўрсатишларига эътибор берилмади. Чунки бундан коммунистик тузум манфаатдор эмасди, у йирик истеъоддод эгалари пайде бўлиши халқнинг миллий рухи ва гурурини уйғотиб юборишидан чўчир эди.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришгач хар соҳада бўлгани каби истеъоддод эгаларига бўлган муносабат хам ўзгарди. Илм-фан, адабиёт, санъат ва мсьморчилик соҳаларида истеъодоли ёшларни излаб топиш, уларнинг ижодий салоҳиятини юртимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини бойитишига йўналтириш, уларга гамхўрлик қилиш кун тартибига кўйилди. Республика Президентининг бу борадаги қатор фармонлари, хукумат-карорлари фикрларимизни тасдиқлайди. Буни жамиятимизнинг маънавий даражасини кўрсатувчи белгилардан бири дейиш мумкин.

Маърифатнинг луғавий маъноси - билиш, таниш, билимдир. Бу сўзниңг кўплик шакли маорифдир.

*Маърифат*-табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмусини билдиради. Маърифатли дегани-билимли, муайян соҳада маълумоти бор, деганидир. Маърифатни хаётта сингдириш маориф тизими оркали амалга оширилади. Маориф асосан, умумий ва ўрта маҳсус билим берувчи мактаб ва ўқув юртлари тармокларини камраб олди.

Маърифат тушунчаси эса кенгроқ бўлиб, билим ва маданиятни ёйиши ва юксалтиришинг хамма турлари ва соҳаларини ўзига камрайди.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиши, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли сиймолари маърифатпарварлик билан шугуланадилар.

Хар бир даврнинг ўз маърифатпарварлари бўлади. А. Дониш, Мукимий, Фуркат, Комил Ҳоразмий, А. Ўтар, Завқий кабилар ўз асарларида ҳалқни қолоқликдан қуткариш йўлинги маърифатда кўрдилар.

Мунаввар кори, М.Бехбудий, А.Авлоний, С.Айний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар ҳалқни миллий уйғонишга даъват этдилар.

*Маданий – маърифий муассасалар қуйидаги турларга бўлинади:*  
Кутубхона, музей, маданият уйи, истироҳат бозги, маданий дам олиш масканлари.

Кутубхоналар ўзларининг вазифалари, фаолиятлари, китоб фонidlариынг таркибига қараб, оммавий, техникавий ва турли маҳсус кутубхоналар, ўқув юртлари, кутубхоналари, илмий кутубхоналарга бўлинади. Оммавий кутубхоналар ахолининг турли соҳага доир китобларга бўлган талабларини қондиришга қаратилган.

*Узбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги тизимида қуйидаги кутубхоналар бўлади:*

1. Республика кутубхонаси.
2. Вилоят кутубхонаси. Улар республикадаги, вилоятдаги, шахар, туман, кишлоқ кутубхоналарига услубий ёрдам берадилар.
3. Шахар, туман кутубхоналари қуйидаги турларга бўлинади.
4. Қишлоқ кутубхоналари.
5. Болалар кутубхоналари.

6. Маданият уйи бюджетида турувчи клуб-кутубхоналари.

*Үқув юртлари кутубхоналари.* Улар ўзларининг фонdlларирига қараб умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллекцияри, олий ўқув юртлари, малака ошириш курслари за институтларнинг кутубхонасига бўлинади.

*Илмий-техника ва турли маҳсус кутубхоналар.* Бу кутубхоналарнинг китоб фонdlлари ишлаб чиқариш малакаларини оширишда, ҳалқ хўжалиги йўналишидаги маданиятнинг конкрет вазифаларини хал қилишда турли соҳадаги ходимларга ёрдам берувчи адабиётлардан ташкил топади. Буларга корхона, илмий муассасалар, нацириётлар, конструкторлик ташкилотлари, театр, музика, спорт ташкилотларининг кутубхоналари киради.

*Илмий кутубхоналар.* Улар ўз ишларини фан, маданият, ишлаб чиқариш талабаларга յувофиқ ташкил килади, мутахассисларга илмий малакаларини оширишда кўмаклашади.

*Музейлар -* Улар вазифаси тарихий хужожатларни, моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини, санъат асарларини, табиат бойликларининг памуналарини тўплаш, сакланш, уларни илмий ишлаб чиқариш ва кўргазмага кўйишдан иборатдир. Шулар билан биргаликда музейлар илмий - текшириш ишларини хам олиб борадилар.

*Музейлар куйидаги тармоқларга булинади:*

1. Тарих музейлари.

1. Хотира ёдгорлик музейлари.

2. Ўлкашунослик музейлари.

3. Санъатшунослик музейлари.

4. Табиий-илмий музейлар.

1. *Тарих музейларида* Ватанимиз тарихини акс эттирувчичи хужжатлар, ёдгорликлар, моддий ва маънавий маданият эсдаликлари тўпланган бўлади.

2. *Хотира-ёдгорлик музейлари* Республикаизнинг машхур арбоблари; шуҳрат қозонгач ёзувчи ва рассомлар, композитор, олимлари, санъаткорлар хотирасига бағишиланган бўлади. Буларга F.Ғулом, А.Қахҳор, Ойбек уй-музейлари, Ўрол Тансикбоев, М.Ашрафий уй - музейлари, Тамарахоним, М.Гурғунбоеева ва бошқаларни кўрсатиш мумкин

3. *Ўлқашунослик музейлари.* Вилоят, туманнинг табиий шароити тарихи, хўжалиги маданияти ва турмушини характерлувчи хужжатлар ва ёдгорликларни тўплайди.

4. *Табиий-илмий музейларга* табиатшунослик, биология, география музейлари киради.

5. *Санъатшунослик музейлари.* Уларга тасвирий санъат, амалий санъат, архитектура, мусиқа, театр санъати ютукларини кўрсатувчи музейлар киради.

*Маданият уйлари, саройлари икки турга бўлинади:*

*I. Маданият Вазирлиги тармогидаги маданият уйлари.* Буларга куйидагилар киради:

1. Шахар маданият уйлари - булар давлат тармогидаги маданият уйлари бўлиб, шахэр ахолисига хизмат кўрсатади.

2. Туман маданият уйлари.

3. Қишлоқ маданият уйлари - ўзлари яшайдиган қишлоқ ахолисига маданий хизмат кўрсатади.

*II. Касаба кўмитаси тармогидаги маданият муассасалари.* Уларга корхона қошидаги, шунингдек, санаторийлар, дам олиш уйларининг клублари хам киради. Улар ўз ташкилотларининг ихтиёрида бўлади.

*Маданият ва истироҳат боғлари* - уларда оммавий сайиллар, карнаваллар, спорт ва бошқа байрамлар, турли оммавий томошалар ўтказилади, спектакллар, кинофильмлар кўйилади, сиёсий ва илмий маъруза ва докладлар

тиингланади. Маданий дам олиш учун кенг имкониятлар яратилған бұлалы. Бұндан таңқары маданият ва истирохат боғларининг безаги, улардаги табиий манзараға жейлар кишиларнинг эстетик дидларини ўстиришга ёрдам беради

*Театрлар* – саҳна асарларининг жанрларига мувофік, қуидагиларга бүлинади:

- А) опера ва балет театрлари;
- Б) драма;
- В) мюзикалы комедия театрлари;
- Г) ёш томашабинлар театрлари;
- Д) құғырчоқ театри
- Е) миниатюра театрлари
- Ж) эстрада театрлари

*Концерт таңқилотларига қуидагилар киради:*

- А) давлат филармониялари;
- Б) давлат эстрада жамоалари
- В) мұстакіл мусиқа жамоалари.

*Кинотеатрлар* – кинофильм намойиш килиш учун маҳсус жихозланған маскан.

Шунингдес, маънавий – маърифий ишлар билан оммавий ахборот воситалари (радио, тв, матбуот); Таълим тарбия муасасалари; Ижодий уюшмалар (әзувчилар, рассом, композиторлар, театр арбоблари) хам шүғуланадилар.

### **Савол ва топшириклар**

1. Назария нима? Унинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Маданий-маърифий фаолият иш шакллари ҳақида гапириб беринг.

3. Маданий-маърифий фаолиятнинг нечта асосий бўгини мавжуд ва уларни асослаб беринг.
4. Маданий-маърифий муассаса турлари ва вазифалари ҳакида гапириб беринг.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., «Ўзбекистон», 2001.
3. Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунининг Янги таҳрири:// Ўзбекистон
4. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонун. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992
5. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т., «Шарқ»

## **2.2. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Маданий – маърифий фаолият назариясини узлаштирипда уларнинг моҳияти ва ижтимоий – маданий хаётда туттган урнини билиш мухим булганидек, уларнинг тамойиллари, узига хос хусусиятлари ва вазифаларини илмий асосда урганиш хам катта ахамиятта эгадир.

Мустакиллик республикамиз маданий – маърифий муассасалари зиммасига бусп вакт шароитида ижтимоий – маданий фаолиятнинг моҳиятини ифодалайдиган ва унинг йуналиши, мазмунни ҳамда шаклларини белгилайдиган энг умумий коидаларни – маданий –

маърифий фаолият тамойилларини шакллантириш имконини хам берди.

Маданий – маърифий фаолиятнинг узига хос тамойиллари уларни ташкил килишда йул – йуриклар курсатадиган асосий манба хисобланиб, улар куйидагилардан иборатдир:

- ҳаётийлик;
- оммавийлик;
- ихтиёрийлик;
- илмийлик.

Ҳаёт билав, мустакил давлатимизни ривожлантириш амалиёти билан ҳамоҳанглик, бунинг учун кишилар олдида турган вазифаларнинг мөхиятини тушунтириш, уларни мустакилликни мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлат яратишдаги тарихий ролини англаш руҳида тарбиялаш маданий – маърифий фаолиятнинг ҳаётийлигидан дарак беради.

Маданий – маърифий фаолиятнинг ҳаётийлик тамойили аниқлик ва максадга йўналтирилганлик хусусиятларини хам ўз ичига қамраб олади. Бу шунунинг англатедики, маданият муассасасидаги ҳар бир тадбир муайян хусусиятта эга бўлиши ва мустакиллик даври талаблари билан боғлик ҳолда аниқ ифодаланган мақсадга эга бўлиш керак. Шунингдек, у ўзининг бутун табиати ва мазмуни билан ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришни рагбатлантиради, инсонга ўз қобилияти ва талантини намоён килиш, ривожлантириш учун кенг имконият беради, инсон ҳаётига ранг – баранглик киритади. Табиат билан мулоқотда бўлишига ёрдамлашади.

Маданий – маърифий фаолиятнииг оммавийлик тамойили бир катор ижтимсий жихатдан аҳамиятли вазифаларни бажаради, яъни омманинг ижтимоий – маданий ижодиётини ҳамда ижтимоий фаолигини ривожлантиради, оммавий мулоқотда бўлишни ташкил этади ва шулар асосида жамоатчилик фикрини шакллантиради. Шахста таъсир этиш нуктаи назаридан оммавийлик тамойилининг ўзига хос тамойили шундан иборатки, ҳар бир киши маданий – маърифий тадбирларда факат томошабин ёки кузатувчи сифатида эмас, балки руй берадиган ходисаларнииг фаол катнашчиси, ўз карашларини исбот қилувчи шахс сифатида иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга оммавийлик тамойили инсонга ижтимоий жихатдан ўз – ўзини намоён қилиш имконини ҳам яратади.

Маданий – маърифий муассасаси инсонни ихтиёрий асосларда, унга доимий хурмат ва ишонч руҳида ижтимоий – ижодий фаолиятга тортади. Маданий – маърифий фаолият ҳамма вакт тула ихтиёрийлик тамойиллари асосида курилади. Агар меҳнат жамоаларида инсоннииг фаолияти беъзан соғ моддий сабабларга кура белгиланса, маданий – маърифий фаолиятда, биринчи навбатда, фаолиятнииг мазмунига кизикиш асосида намоён булади. Бошкacha айттанди, маданий – маърифий муассасаси жамоаси шахснинг маънавий – ижодий кобилиятини намоён қилиш ва ривожлантириш учун эркинлик беради. Бу тамойилнинг аҳамияти маданий – маърифий муассасасига катнашишинг ихтиёрийлиги, у ёки бу маданий – маърифий ўюшмаларида иштирок этишни тан олиш билан чекланиб колмайди. Ихтиёрийлик маданий – маърифий муассасалари томонидан таклиф килинадиган куплаб фаолият турларидан бирини танлаб олиш

имкониятини акс эттиради ва шахснинг буш вакт шароитида уз ижтимоий – маданий фаолиятининг мазмунини узи томонидан белгилаб олишини ифодалайди.

Ҳозирги замон маданий – маърифий ишлари қуламининг муттасил ошиб бориши ва мураккаблашуви ундан турли соҳаларнинг узаро алокасини, илмий асоеда марказлашган, ресжали бошкарувни талаб этади. Илмийлик тамойили маданий – маърифий фаолиятнинг кузга куринган тамойилларидан бири хисобланади. У маданий – маърифий фаолиятда тарбия жараёнининг максади, мазмуни, шакли ва услубларини куллашни, бир – бирига якин фанлар – педагогика, психология, санъатшунослик, эстетика, иктисодиёт ва бошкарув назариясининг ютукларидан фойдаланишни талаб этади.

Илмийлик тамойили бир катор белгиларда намёён булади. Улар орасида объективлик белгисига биринчи уринни ажратиш мумкин. Маданий – маърифий ишларий тарбиявий таъсир курсатиш керак булган объектнинг ҳакикий холати ва бундай таъсир курсатишнинг реал имкониятларини хисобга олган холда, умуман жамият ва алохида шахс ривожланишининг объектив конуниятларини билиб олиш ва улардан окилона фойдаланиш асосида курилиши лозим ва шундай булиши керак.

Илмийлик воеалар, фактлар ва уларнинг мояхиятини очишни, ижтимоий хаётнинг реал манзарасини ва унинг ривожланиш жараёнларини, ижтимоий тараккиётнинг боришини белгилаб берадиган кучларни аниклатиб имконини беради. Вокеликни кабул килишнинг тасодифий таъсирларининг оддини олиш ва бизни ураб турган дувё ҳакида чинакам илмий тасаввурни пайдо килиш

маданий – маърифий фаолиятнинг мухим вазифаси хисобланиб, илмийлик тамойили шахс дунёкарашини шаклланишини кучайтиришга катта хисса кушади.

Маданий – маърифий фаолиятнинг тамойиллари бир – биридан алсхида ҳолда мавжуд булмайди, улар яхлит тизимни ташкил этади ва уларниг ҳар бири буш вакт шароитида омманинг ижтимоий – маданий фаолиятида ягона жараённинг ажралмас кисмини ифодалайди. Маданий – маърифий фаолиятнинг тамойиллари ижтимоий – маданий фаолиятнинг мавжуд конуниятларини акс эттиради ва барчаси биргалиқда маданий – маърифий ишларниг характери, мазмуни ва шакларини белгилайди. Бу тамойиллардан бирининг булмаслиги умумий бир бугунликнинг бузулишига олиб келади.

Маданий – маърифий фаолият аҳолининг дам олишини ташкил килиш, оммага ахборот ва билим бериш, оммани хаваскорлик ижодиётига жалб килиш каби вазифаларни хам бажаради.

Демак, маданий – оммавий тадбирларни тайёрлашда маданий – маърифий фаолиятнинг ўзига хос ташкилий хусусиятларига мурожаат этиш мухим урин тутгари. Чунки ҳар хил маданий – маърифий фаолият шаклини ташкил килишда бу вазифалардан бирдек фойдаланила бермайди. Баъзи шаклларда кўпроқ ахборот берилади, баъзилари, асосан, дам олиш учун хизмат қиласи, бошқалари кўпроқ маданий – ижодий жараёнга қатнаштиришга ёрдам беради.

Маданий – маърифий фаолиятни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятини билиш шу соҳага оид билимларни конкретлаштиради,

уларни эталланға аниклик киритади табиирлар мөхияти ва хусусиятни тұларок ёритиб беришга ёрдам беради.

Маданий – маърифий фаолиятдаги табиирларнинг үзиге хос хусусиятларидан бири у бир марта ташкил килиниб, асосан, бир марта намойиш килинади. Агар спектакллар, кинофильмлар тайёрлашганидан сунг юзлаб марта намойиш килипса, маданий – маърифий муассасалардаги табиирлар, асосан, такроран куйилмайди. Маданий – маърифий фаолият табиирларининг деярли хаммаси худди шу хусусиятта зга. Факет бадий таргибот – ташвиқот жамоалари, бальзи мавзули концерт дастурлари бир марта тайёрланиб, хар хил жойларда бир неча марта намойиш этилиши мумкин. Улар маълум вакт мобайнида (масалан, маълум мавсумда, иш жараёнида, яъни пахта, галла йигим – теримида...) бир неча марта намойиш килиниши мумкин. Лекин маълум муддатдан сунг, албатта бошка янги дастур тузишига тайёргарлик курилади.

Агар театрда қўйилган пьесани яна бир неча йилдан кейин қайтадан саҳналаштириш мумкин бўлса, маданий – маърифий муассаса табиирларида бу холат такрорланмайди. Бирор табиир сценарийси схемасини иккинчисига кўллаш мумкин эмас. Ҳар кандай янги сценарий янги тузилишни, янги меҳнатни талаб килади.

Маданий – маърифий фаолиятнинг яна бир хусусияти улар, асосан, махаллий ахоли учун, уларнинг реал ҳаётидан олинган материаллар асосида тузилади. Табиирларнинг бош каҳрамони сифатида муайян жойда меҳнат килиб, махаллий ахоли орасида намуна булаётган кишилар намоён булади. Масалан, «Хотира ва кадрлаш күні»га багишланған байрамни олайлик. Бунда махаллий

жойда яшайдиган уруш катнашчилари, меҳнат фахрийларининг курсатган жассратларига асосий ургу берилиши керак. Уруш қахрамонларининг уз сузларини эшитиш тадбирни жонлантиради ва таъсирчанлигими оширади.

Маданий – маърифий фаолиятнинг навбатдаги хусусияти шундан иборатки, улардага жуда кенг куламда таъсирчан воситалар бирлаштирилади.

Тадбирлар рсал хаётнинг узини ташкил килиши билан бирга, ундаги мужим воеаларни уз мазмунига сингдиради. Уларнинг можиятини очиш ва ахамиятини ёритиш учун таъсирчан воситаларга мурожаат килинади. Тадбирда мазмун маълум бир композицион тузилиш холатига келиши учун ундаги барча баён килиш ва таъсирчан воситалар ҳам бир – бирлари билан бирлаштирилади, уйгуналаштирилади. Акс холда тадбирнинг мазмуни пуч, шакли эса самарасиз булиб колиши мумкин.

Маданий – маърифий фаолиятнинг навбатдаги, яъни туртинчи хусусияти бу оммани тадбир катнашчисига айлантиришdir.

Маданий – маърифий муасассаларида ўюштириладиган тадбирларни оммавий деб аташнинг боиси шундаки, у омма учун ўюштирилади ва омманинг иштирокида утади. Агар театр, кино ҳамда телевизорда асар катнашчилари ва томошибинлар уртасида куринмас «девор» мавжуд булиб, омма факат томошибин ролини бажарадиган булса, маданий – маърифий муассаса тадбирларда эса омманинг актив иштироки кузда тутилади.

Албатта, тадбирларда ҳаммани бирдай фаол катнаштириши кийин. Унинг асосий катнашчилари олдиндан белгилаб куйилган

бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг аъзолари хамда сузга чикадиган кишилардир. Лекин тадбир ташкилотчиси бу асосий куатнашчилар билан кибояланиб колмасдан, балки оммани ҳам фаоллаштириш, тадбир иштироқчисига айлантириш йулларидан фойдаланмоги лозим. Бунинг учун тадбир иштирокчилари ўртасида оммавий ўйинлар, қўшиклар, савол-жавоблар каби маҳсус тадбирлар уюштириш максадга музофиқ. Чунки санъят-одамни томошабин ёки тингловчи бўлиб қолганда эмас, балки у оммавий тадбирларда фаол иштирок эттаида ўзига хаммадан кўпроқ камраб олади.

### **Савол ва топшириклар**

1. Маданий-маърифий фаолиятнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
2. Маданий-маърифий фаолиятнинг асосий вазифаларини айтиб беринг.
3. Маданий-маърифий фаолият тадбирларининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.Миллий мафкура хақида. Т., «Ўзбекистон», 2000
2. Каримов И. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». «Халқ сўзи» 2005 йил 26 май
3. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., «Фан», 1990
4. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т., «Шарқ», 2002

## **2.3. ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТЛАРИ**

Бозор иктисадиёти муносабатларига ўтиш босқичида давлат ва жамоат ташкилотларининг маданий-маърифий фаолиятини янада такаомиллаштириш гоҳт, мужим амалий ахамиятга молик бўлиб, уни мустақил ўзбекистон

Республикасида амалга оширилаётган улугвор ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ўзгеришлар асосида амалга оширилиши лозим. Зеро, «Миллий давлатчилигимизни қайта тиҳлашда кўп асрлик бекиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна кад ростлашида сезиларлик қадамлар кўйилди. Миллий гуруrimиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйгулари уйғонмокда» .

Мамлакатимизда амлага оширилаётган маънавий тикланиш жараёни, халқнинг маданий хаётида кечёттаги ислохот режаларини амалга оширишида, жамоат ташкилотларининг фаол иштироки зарурлигини талаб этмоқда. «Биз, - деб таъкидлаган эдилар Президентимиз И.А.Каримов, - фуқаролик жамиятини куришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқка топшириш, яъни ўзини ўзи бошқарини органларини янада ривожлантириш демакдир» .

Миллий мустакиллигимиз дадил одимлаётган хозирги даврда давлат, иктисодиёт, маданият ва ижтимоий онгнинг барча бўғинлари орасидаги ўзаро алоқдорлик ва узвий боғлиқликнинг амалий ахамиятини эътиборга олиб, маданий-маърифий фаолиятни кутаришга катта эътибор берилмоқда.

Зеро, мамлакатимиз олдида турган долзарб ижтимоий муаммоларни халқилишда жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли каттадир. Айниқса, махалла мухим ижтимоий бўғин хисобланади. Шу боис махаллалар фаолиятини хар жихатдан кўллаб - кувватлаш, уларнинг моддий таъминотини мустахкамлашга давлатимиз алоҳига эътибор бермоқда. Мамлакатимизда кечёттган ислохотларнинг таянчи саналган махалланинг ижтимоий хаётдаги ўрни хакида Президентимиз И.А.Каримов шундай ёзадилар: «Жамоатчилик ғоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги,

<sup>11</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Ташкент: Ўзбекистон. 1996. 265 – бет.

кўпчилик фикрининг устуғлигига асосланиш – жамиятимизнинг мухим хусусиятидир. Шу бойс жамиягни демократиялаш тизимида, унинг асосий коидаларини, энг аввало ижтимоий адолатни рўёбга чиқариша махалланинг роли ғоят каттадир. Хозирги вақтда оиласарнинг хақиқий моддий ахволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини махалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тизим йўқ. Махалла хозир халқ ишончини қозонган адолат маскани хамда ахолини ижтимоий қўллаб - қувватлаш механизми бўлиб колди. У жамиятимизда истроҳатларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши даркор».

Жамоат ташкилотларининг миллий мустақиллик шароитида маданий-маърифий фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятларининг асосий мақсади ва вазифалари Президентимиз асарларида мукаммал баён этилган бўлиб, бу фикрлар давлат ва миллат келажагини белгиловчи илгор гояларни ўзида мужассамлаштирган.

Маданий-маърифий фаолиятнинг ривожланишида жамоат ташкилотларининг роли масаласи кўпгина ўзбек олимлари томонидан фалсафа, социология, педагогика ва маданиятшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг маданий-маърифий фаолиятлари бевосита ахоли маънавий эктиёжларини қондириш билан боғлик бўлиб, турли-туман шаклда воқе бўлиши билан характерланади. Маданий-маърифий фаолият куйидаги умумий жihatлари билан ажralиб туради:

---

Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиколининг асосий тамойиллари. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 11 – бет.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 400 – бет.

Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истикол, истисодиёт, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Ўзбекистон истисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўйи Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент: Ўзбекистон, 1996 ва ҳ.к.

а) у факатгина устун ривожланган маданий фаолиятга бориб тақалини мүмкін әмас;

б) фаолят мазмұни ва натижалари маданий фаолиятнинг етакчи тамойили хисобланади;

в) маданий кадриятлар яратиш ва оммалаштириш ижодий жараён бўлиб, унда сустарчилликка йўл кўйилмайди. Маданий-маърифий фаолият ўз табиатига кўра коммуникатив фаолият хисобланади.

Маданий-маърифий фаолият – бу жамоа миқёсидаги ижодий жараёси сифатида намоён бўлади. Кишлоплардаги жамоат ташкилотлари эса шахсни маданий фаолиятга жалб этишга йўналтирувчи маданий-маърифий фаолиятта нисбатан бундай ёндашувнинг асосий хусусияти шундаки, маданий фаолиятда субъект сифатида жамоат фаолиятининг намоёнласи хисобланувчи алохиди шахс әмас, балки жамоа, бирлашма, маданий уюпма ёки кнег ҳалқ оммаси ўртасида маънавий фаолият олиб борувчи жамоат ташкилотлари белгиланади. Айни пайтда жамоат ташкилотлари фаолиятининг самараодорлиги улар билан индивидуал ижодий фаолият бирлигига бошликлигини хам хисобга олиш зарур.

Кишлоп маданияти турли шакл ва кўринишларга эга бўлади. Айрим таджикотчилар субъект-объект муносабатларини фаолият турларини гурухлаш учун қабул қиласалар, бальзи олимлар маданий кадриятларни яратиш, тақсимлаш ва оммалаштиришни таснифлайди. Улар белгилар микдорига кўра фаолиятнинг максулдор ва номахсул турларини ажратадилар. Гурухлаштириш мезони сифатида эса маданий кадриятларни тарғиб этиш воситалари нашриёт, радио, телевидение ёки маданий фаолиятни ташкил этувчи институтлар белгилаб олинади .

Маданий-маърифий фаолиятни ташкил этилишини шаклга хам таснифлаш мүмкін: жамоа ва индивидуал маданий фаолият. Маданий фаолият

субъект хусусиятларига кўра индивид, гурух, уюшма, жамоа ташкилотлари фаолияти каби турларга бўлинади. Маданий фаолиятни амалга оширадиган гурухлар табиатига кўра у оиласвий, хизматдошлар ва бошқа турларга бўлинади.

Маданий-маърифий фаолият турлари хамда уларни ташкил этиш шакллари таснифи хусусида тўхтлаганда таъкидлаш жоизки, маданий фаолиятнинг шахсий ва институт шаклларида ижодий салоҳият бир хил даражада амалга ошиши мумкин эмас. Ижодий режа мазмунига мувофик фаолиятнинг у ёки бу шакли белгилаб олинади. Жамиятда демократиялаш жараёни кечётган хозирги босқичда маданий фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий (институтлар даражасида) хада шахсий шакллари кенг оммалашиб бормоқда.

Маданий-маърифий фаолият иштирок этувчи субъектлар табиатига кўра индивидуал, гурухли ва оммавий каби шаклларга ажратилади. Маданий-маърифий фаолиятнинг хар бир турига муайян шакл мос келади. ўқиш, амалий санъат асарлари билан танишиш санъат асарларини умумлаштиришнинг индивидуал шакли хисобланади. Бадий ижроциилк, туризм ва хаваскорлик ижодий бирлашмалари бадий кадриятларни оммалаштиришнинг гурухли шакли хисобланса, спектакллар, фильмлар, концертлар томоша қилиш ва байрамларда иштирок этиш маданий фаолиятнинг юкорида баён килиб ўтилган индивидуал, гурухли ва оммавий шакллари муайян маданий анъаналарнинг уйгунилгизи назарда тутади.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг ижодий қобилиягини ривожлантириш, тарбиявий ишларни олиб бориш ва дам олишни ташкил этиш каби вазифаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Чунки маданий фаолиятнинг мазкур йўналишлари кишлок маънавий хаётида мухим ахамият касб этади. Кўшилоқ жамоат ташкилотлари педагогик тизим сифатида халққа энг

яқин турувчи бўғин хисобланади. Улар фаолияти орқали ахолининг маданий ва маънавий савиаси ўсиб боради. Натижада ахоли ўзинининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг хар бирни ўзига хос хусусиятларга эга бўлсаларда, улар ўзаро аллоқадорликда иш олиб боралилар. Уларнинг фаслиятидаги муштараклик максаднинг умумийлигида (хуқуқий демократик давлат қуришда иштирок этиш, кишлоқ маданиятини давлат қуришда иштирок этиш, қитлоҳ маданиятиги ривожлантириш), вазифа ва мазмуннинг муштараклигда намоён бўлади. Хар бир ташкилотнинг ўзига хос хусусияти эса тарбиянинг муайян шакли, услугуб ва воситасини қўллашда қўзга ташланади. Кишлоқда ахоли эстетик эктиёжини кондирувчи маданий-маърифий фаслиятнинг турли-туман шаклларидан, хусусан, радиоэшиттириш, телекўрсатув, кино, фан ва маданият арбоблари билан учрашув, сухбат, маслаҳат ва бошқалардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Аҳборот манбалари тизимида рўзнома, радио ва телевидение асосий ўринни эгаллайди. Жамоат ташкилотлари томошидан ўтказиладиган тадбирлар аҳборот манбалари орасида олтинчи ўринни эгаллайди. Таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқотнинг дастлабки босқичи ўзбекистон Республикаси мустақиллигъ эълон килиниши арафасида олиб борилди. Табиийки, кўп йиллик мафкуравий кулликда яшаган ҳалкимиз маданий хаёти хам ўша даврда шўролар сиёсати иссанжасида эди. Бундай инқирозли вазият қишлоқ ахолиси маданий фаолиятининг турлари ва манбаларига нисбатан бўлган муносабатларида хам ўз ифодасини топган.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг дикқат марказида, асосан моддий ишлаб чиқариш масалалари устивор ахамият касб этгани холда қишлоқ маданиятини рафожлантириш муаммоларига (гарчи қишлоқ ахолиси учун уларнинг зарурлиги таъкидлаб турилсада) кам ахамият бериб келинганилигини

кўрсатди. Кишлек мөннаткашларининг эътироф этишларича, маданий фаслиятнинг, асосан ҳалқ ижодиёти, профессионал ҳамда хаваскор жамоаларнинг чиқишини ташкил этиш каби турларига катта эътибор берилиб, шундан сўнгтика ишлаб чиқариш ва техника тарғиботига ахамият бериб келинган. Лекин қишлоқ ахолиси маданий фаолиятнинг бошқа шакл ва услубларига нисбатан бефарқ эмас. Маданий фаолиятнинг мавзули кечалар, савол-жавоб кечалари, мутахассислар куни байрам, маросим каби шакллари хам самагазниш.

Жамоат ташкилотларининг маданий-маърифий фаолиятлари муаммосига багишлиланган назарий манбалар ҳамда Узбекистон Республикаси хукуматининг маънавият ва маданиятни ривожлантириш борасидаги хужжатларини ўрганиш асосида олиб борилган тадқиқотлар давлат ва жамоат ташкилотларининг маданий-маърифий фаолиятни ривожлантириш борасида фаолиятларнинг услугубий тизимиши ишлаб чиқишида муҳим назарий ахамият касб этди.

Кишлек маданиятини ривожлантириш мақсадида иш олиб борувчи жамоат ташкилотлари фаолиятнинг услугубий тизими маданий фаолият субъекти; маданий фаолиятнинг шакл ва турлари; маданий фаолият ижтимоий ташкилотларининг ўзаро алоқаси; маданий фаолиятни режалаштириш ҳамда дастурлаштириш предмети каои узвлардан таркиб топади.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг ахоли маданиятини ривожлатириш билан боғлик фаолиятлари тизими – бу қишлоқда маданиятнинг шаклланиши, сақланиши ва мустаҳкамланишига қаратилган тадбирлар мажмуасидир. Давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, ахолининг маданиятини ривожлантиришдаги юкори ижтимоий фаоллигига эришиш мазкур тизимнинг асосий вазифаси хисобланади. Ушбу вазифа ташкилий, ижтимоий ваа иқтисодий тадбирлар мажмуасидан иборат жараён

бўлиб, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро хамкорликдаги фаслиятлари ёркали амалга оширилади.

Тизим таркибига қўйидаги компонентлар киради:

1. Давлат ва жамоат ташкилотларининг қишлоқ маънавий маданиятини ривожлантириш борасидаги фаолиятлари.

2. Давлат ва жамоат ташкилотларининг моддий ўзгартирувчанлик ва ярнатувчанлик борасидаги маданий фаолиятлари.

Ахоли маданиятини ривожлантиришнинг режалаштирилаётган даражасига эришиш бутун ахоли ва ҳар бир шахс маданий савиёсининг ўсиши билан бевосита боғлиқдир. Тизимни ишлаб чиқиша жамоат ташкилотларининг қишлоқда олиб бораётган маданий фаолиятларининг хозирги холатини тахлил этиш, қишлоқдаги моддий-маданий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари миқдорини аниқлаш хамда социологик тадқиқотлар олиб бориш назарий асос бўлиб хизмат киласди.

Хозирги пайтда қишлоқ турмуш тарзини ривожлантиришга йўналишилган маданий фаолият тизимини ишлаб чиқиш мухим амалий ахамият касб этади. Жамият аъзоларининг маданий ривожланишга бўлган талаблари ва шахснинг маънавий комилликка бўлган эктиёжларини кондириш мазкур тизимнинг асосий вазифаси хисобланади. Бу ёркали маданий фаолият тизимида жамоат ташкилотлари фаолиятларининг самарадорлигини ошириш, моддий маданият ёдгорликлари захирасини бойитиш, маданият ходимлари ва муассасаларини ташкил этиш мумкин бўлади. Тизимнинг мақсади жамоат ташкилотлари, алоҳида шахс ва бутун қишлоқ ахолисининг маданий фаолиятини оширишдан иборатdir. Жамоат ташкилотлари маданий фаолиятларининг мазкур тизимдаги предмети маданий қадриятлар, яъни маънавий бойликларни бунёд этиш ва ўзлаштириш, саклаш ва тарғиб этишини ўз ичига олади.

Бозор муносабатларига ўтиш боскичи ахоли маданиятининг ривожланишини режалаштиришда, дастурлаш хамда янгича ёндошувни жорий килишни талаб этади. Чунки бусиз ижтимоий ва маданий жараёнларни бошқариш мумкин эмас.

Жамоат ташкилотларининг кишлоқ маданиятини ривожлантиришдаги иштироки тизимини ишлаб чиқиш тажрибаси куйидагиларга асосланади:

а) Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилиниши арафасида қимилсқда маданий фаолиятнинг мавжуд холати;

б) Мустақил Ўзбекистоннинг янти шароитда юзага келган маданий фаслият имкониятлари;

в) Кишлок ҳолисининг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондиришнинг янги усул ва захиралари мавжудлиги.

Давлат ва жамоат ташкилотлари маданий-маърифий фаолиятларини ташкил этиш учун унинг тизими мөъёрлари аниқланди:

- 1) кишлоқ ахолисининг у ёки бу маданий тадбирларга жалб этилганлиги;
- 2) у ёки бу турга мансуб маданий фаолиятнинг изчиллиги;
- 3) бўш вактни кўнгиллиётказишнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлар.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг мданий фаолиятлари мазмуни хар бир киши ўзининг бўш вақтида тадбир ва машгулотларнинг муайян бир турини танлаши учун кенг имкониятлар яратади. У шахс ривожида бир хиллик ва меъёрийликни казарда тутмайди. Фақаттина муайян тадбирни танлаш эркинлиги шахс маънавиятининг изчил ривожланишини белгилаб беради. Давлат ва жамоат ташкилотларининг маданий фаолиятлари ўз мазмунига кўра ахолининг умумий маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, куйидагиларни хисобга олади:

- а) умумий маданий эҳтиёжларнинг ривожланишни истиқболлари;

б) ахолининг маданият соҳасидаги ижодий фаолиятлари учун етарли шароит яратиш.

Давлат ва жамоат ташкилотлари маданий-маърифий фаолиятларининг турларини яхлиглантирган холда икки гурухга ажратиш мумкин:

1. Фаолият вақти ва шаклини шахснинг ўзи танлайдиган маданий фаолиятниңг ўй турғи.

2. Клуб, кутубхона, музей, кўргазма ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда амалга ошириладиган уйдан ташқаридаги фаолият тури.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган фаолиятлари унинг самарадорлигини мунгазам равишда оширишни назарда тутиб, хаморликда ишлашга каратилган.

Бугунги кунда Республикаизда давлат ва жамоат ташкилотлари тархиби шаклланиб, фаолият қўрсатмоқда. Унинг асосий турлари:

- жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, партиялар, ижодий уюшмалар, жамоатлар ва бошқалар);

- ҳалқ ҳаваскорлик жамоалари, махалла қўмиталари ва б.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг маданий-маърифий ишларини ривожлантириш борасидаги маданий фаолиятлари тизими мазмунини ишлаб чиқиша куйидаги омиллар асос қилиб олинади:

а) Республикаизда ахоли барча катламларини маънавият ва маданиятни ривожлантиришга кенг жалб этиш; демократия жараёнларини жадаллаштириш, турғунлик даври қолдиқларини бартараф этиш; миллий маданиятни, маънавий кадриятларни тиклаш ва ривожлантириш ишлари олиб борилаётганлиги, Ватанга содиқлик, эл-юртга мухаббат, юксак маънавийлик сифатларини шакллантирган уз ҳаракати ва қарорларига жавоб бера оладиган фаол фукаро позициясида турувчи кишини сиёсий маданиятли шахс деб хисоблаш мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятлари хам шахсда худди шу сифатларни тарбиялашга қаратилған. Бундай фаолият самарадорилиги нафакат амалға оширилған табдирлар міндеори ва сифатига күра, балки уларни ким ташкил этгандығи хамда амалға оширганлығи, шунингдек, уларда ахолининг иштирок этиши даражасига уларда ахолининг иштирок этиши даражасига күра хам бағоланади.

б) умумахамиятта мөлік вазифаларни хал этшига қаратилған халқ ижодиетини ривожлантириш мақсадға мұвоғиқтігі; давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-мәданий фаолиятта тұғри педагогик раҳбарлық қила олиши бунинг асосий замини хисобланади. Педагогик раҳбарлик вазиятни, билим ва құннықмаларни оқилона үйгүнлаштиришни назарда тутади. Давлат ва жамоат ташкилотлари алқ үртасида амалға ошириладыган маңнавий-мағырифий мұлқотлар асосида шахснинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширувчи воситага айланади, шунингдек, жамият тафаккурининг шаклланишида хам фаол иштирок этади.

в) хозирги даврда қажақхоналар, видеосалонлар, студиялар, үйин хоналари мусиқа ва спорт анжомларини изяраға беріш. Оилавий тантаналарни үтказып бұлғымларини ташкил этиш орқали ахолининг пуллук хизматта бұлған талабини қондириш мүмкінлигі.

г) бозор иқтисодиёті шароити ва муносабатлари мәданияти моддий-техника салохияттін ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда махаллий корхоналар ёрдамида ва хомийлар күмагидан кенгрек ғойдаланишини талаб қилаётгандығи.

Давлат за жамоат ташкилотлари ўз мәданий-ижодий фаолиятларини дам олиш вактида амалға оширады. Дам олиш фаолияти ўз навбатида шахснің мустақіл ижедий салохияттінинг амалға опишига күмак беради, шунинг учун хам у қызықарлы, ақлий ва рухий жиҳатдан бой бұлиши лозим.

Шу жиһати билән у хавасқорлик ижодиетидан фарқланади ва кенг ҳалқ оммасини үзиге жалб килади. Маданий-маърифий муассасалар кошида ва улардан ташқарида бадий уюшмалар, коллекционер ва техник ижодкорлар жамиятлари, оиласый хамда ўсмирлар спорт клублари ва бирлашмалари ташкил этилиб, ғаолчыят күрсатади. Ушбу ижодий бирлашмалар фаолияти халқнинг қизықарли тадбиғо хамда мулоқотга бўлган эхтиёжлари асосида юзага келган.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг тарбиявий салоҳиятлари халқ оммаси хаётини демократиялаш вазифаларини ўз зиммаларига олишларида намоён бўлади. Бу эса сиёсий, ахлоқий, иқтисодий, ҳуқукий маданиятни ўзлазитириш, ижтимоий фаоллик самарадорлигини ошириш, аҳолига билим хамда кўнилмаларни чукур эгаллаш имкониятини беради.

Жамият хаётини демократиялаш жараённада ижтимоий адолат тамойилларининг тадбиқ этилиши ва мустаҳкамланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Адолат – бу аҳлок ва ҳуқук тушунчасидир. Ижтимоий онг ва ахлоқий тафаккур ижтимоий адолат ёрдаида кишилар хулканинг ижтимоий аҳамиятга молик жиҳатларини, ижтимоий сиёсат можияти хамда жараёнларини ўзида акс эттиради.

Давлат ва жамоат ташкилотлари маданий фаолиятлар тизимини тавсифлашда социологик тадқиқот натижаларига таяниш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот кишилек ҳаётида маҳалла қўмиталари мавқеининг ошиб бораётганилигини кўрсатди. Бу эса 36,2 фоиз сўралувчиларнинг жавобларида ўз аксини топди.

Тадқиқот натижаларига кўра маҳалла қўмиталарининг ва ўз-ўзини бошкариши идораларининг етакчи мавқега эгалиги аниқланди. Маҳалла қўмиталари аҳоли бўш вақтининг кўнгилли ўтишига муҳим таъсир кўрсатадилар (24,3 фоиз); кишилар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни

мустаҳкамлашга катта хисса қўшадилар (25,8 фоиз)% ҳашарлар, шанбаликлар, ёрдам кўрсаткішларни амалга оширишда қўмаклашадилар (39,6 фоиз).

Кишилар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда маҳалла қўмиталаридан сўнг қасаба уюшмалари, жамоа ҳўжаликлари бошқаруви раҳбарлари, кишлоқ кенгашлари катта хисса қўшадилар.

Давлат ва жамоат ташкилотлари қишлоқдаги барча маданий-оммавий тадбирларни маданият уйлари ва саройлари орқали амалга оширади.

Клуб жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бўриб, улар фаолиятини мувоғиқлаштирувчи манбага айланади, улар билан биргаликда маданий-маърифий муассасалар ўз фаолиятини қўйидаги шаклларда ташкил этиш имкониятига эга бўлади:

- қишлоқ маданиятини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи, экологик тарбия, ҳукуқий маданият ва бопка долзарб масалалар юзасидан жамоат фикри минбари вазифасини бажариш.

Урғодат ва анъаналар ҳеч кимни бефарқ колдирмайди. Ҳалқ удумларининг тикланиши, мустаҳкамланиши ва ривожланиши жамоат ташкилотлари фаолиятидаги катта ижтимоий масала ҳисобланади. Удум ва анъаналар мухим эстетик тарбия воситаси бўлиб, ҳалқимизнинг миллий қадриятларни улуғлаш ғоясини мустаҳкамлайди, аҳлоқий сифатларни шакллантиради.

Хулюса қилиб айтсак, маданият кишиларнинг ижтимоий яратувчанлик жараёнидаги иштирокининг меъёри ҳамда шахс ижодий салоҳиятини фаеллаштириш воситаси ҳисобланади. Маданият ижодий фаолият сифатида кўпгина билим ва тажрибаларни эгаллашни, улардан фаолиятнинг турли шаклларидан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий тараққиётининг янги шароитида сиёсий маданият ижодий фаолият сифатида тушунилади ва бу фаолият

натижаси миңтәзайи баркарорлик ва халкаро ҳамкорликни, республикамизнинг сиёсий ва иктисадий мустакиллигини мустаҳкамлани, хукукий-демократик давлатни барпо этишдан иборат.

Маданият таркибини таҳлил этиш давлат ва жамоат ташкилотларининг маданиятини ривожлантириш борасидаги фаолиятларининг асосий йўналишлари хамда мазмунини аниқлаш имкониятини беради:

1. Маданият инсон ижодий фаолиятининг ўзига хос кўриниши сифагида ижтимоий үзумлар, жамият, жамоа, шахс томонидан амалга оширилади.

2. Маданият ўз таркибига кишилар моддий хамда маъянвий фаолиятлари ва унинг натижаларини қамраб олади. Бундан ташқари, унинг сиёсий, хукукий, экологик, меҳнат, маший ва турмуш, жисмоний тарбия маданиятлари каби таркибий узвлари ажратилади. Маданиятнинг мазкур турлари тушунчаларининг бирлиги. Уларнинг жамият ва шахс умумий маданиятини ташкил этишларида, шу билан бирга хар бири алоҳида тарзда ижодий фаолиятни ва унинг натижаларини иғодалашларида намоён бўлади.

3. Кўриб ўтилган хар бир маданиятдаги ижодий фаолиятда қўйидагилар фарқ қиласи: маълум ижтимоий ва сиёсий ходиса юзасидан билимларни згалташ, уларни муশоҳада ва қайта ишлаш жараёни ва нихоят, мазкур маданиятни ривожлантиришда фаол иштирок этиш.

Маданиятнинг мөхияти, таркиби хамда турларини тадқиқ этишга бундай ёндошув жамоат ташкилотларининг кишлоқ маданиятини ривожлантиришдаги иштирокининг ўзига хос услуги ва меъёрларини очиб бериш имкониятини берди.

Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкилотлари хамда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёлларда «сиёсий партиялар, бирлашмалар, касаба ўюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турли хил хаёрия ва ижодий жамғармалар

хамда уюшмаларда» иштирокини янада кучайтириш, уларнинг давлат олдидағи мавзенини мустахкамлаш вазифаси қўйилмоқда.

Жамоат ташкилотларининг маданий-маърифий фаолиятларининг хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

а) ушбу фаолиятнинг мақсади шахсда муайян ҳусусият хамда сифатларни тэрбиялашдан иборатdir;

б) кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнида ғоялар, малака ва билимлар алмашинуви мазкур фаслият воситаси ҳисобланади;

в) жамоат ташкилотлари фаолияти ёки индивидуал фаолият маданий фаслиятни амалга ошириш усулидир.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг ахоли маънавий эҳтиёжларини қондириш; билан боғлик маданий фаолиятлари хилма-хил бўлиши билан ир қаторда унга қўйидаги умумий жихатлар хам хосдир:

а) у фақатгина бир устувор маданийтта таяниши мумкин эмас;

б) фаолият мазмуни ва натижалари маданий фаолият мезонлари ҳисобланади;

в) маданий фаолият мезонларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш сустарчилликка йўл қўйилмайдиган ижодий жараёндир.

Кишилекда маданий фаолият ўзининг турлари ва шаклларига кўра фарқланади. Маданий фаолият шаклларини уларнинг ташкил этилиш тавсифига кўра жамоавий ва индивидуал; маданий фаолият субъекти тавсифига кўра индивид, гурух, уюшма, жамоат ташкилотлари; маданий фаолият олиб борилаётган гурух турига кўра эса оиласвий, хизматдаги дўстлар ва бошқа турларга бўлиб таснифлаш мумкин.

Каримов И.А.Ўзбекистонниң смесий – ижтимоий ва иктисадий истиқболининг асосий темсийлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 14 – бет.

Жамиятни демократиялашнинг ҳозирги боскичида маданий фаолият тараққиёти уюшған (ташкилотлар даражасига) хамда шахсий шаклларда амалга оширилали.

Аҳоли маданиятини ривожлантириша юқори кўрсаткичларга эришили жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий муассасалар ва бошка ташкилотларнинг энг олий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани хал этишининг йўллеридан бири жамоат ташкилотларининг маданиятини ривожлантириш борасидаги фаолиятларини бошқаришни такомиллаштириш ва илмий ёндошишдан иборат бўлиши мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг қишлоқ маданиятини ривожлантириш йўналишидаги фаолиятлари тизими ўзининг максади, вазифалари ва мазмунини амалга оширишнинг энг самарали воситаларидан бири-мулоқотдир. Мулоқот бизнинг нуқтаи назаримизда - услугубий тизимнинг мухим белгиси, миллий маданиятни ривожлантиришнинг қадимий воситаси, ўзбек халқ педагогикасининг ётакси унсурларидан бири сифатида олиб курилди.

Мулоқот тавсифи оммавий ахборот воситалари (телскўрсатувлар, радиоэшиттиришлар), ҳаваскорлик ижодиёти, байрамлар. Сайллар бевосита таъсир кўрсатади. Давлат ва жамоат ташкилотлари мулоқотнинг машҳур кишилар билан учрашув, оила кунлари, қизиқувчилар бирлашмалари каби шаклларидан фойдаланиладилар.

### **Савол ва топшириклар**

1. Миллий-маънавий тикланиш жараёнида давлат ва жамоат ташкилотларининг роли кандай?

2. Президентимизнинг қайси асарларида жамоат ташкилотларининг маданий-маърифий фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятларининг асосий мақсади ва вазифалари баён этилган?
3. Жамоат ташкилотларининг қишлоқ маданиятини ривожлантиришдаги ишларни тизими ни ишлаб чиқиш нималарга асосланади?
4. Жамоат ташкилотлари маданий-маърифий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

#### **Адабиётлар:**

4. Каримов И. Ўзбекистон – буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998
5. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998
6. Каримов И. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., «Ўзбекистон», 2001
7. Ватан туйгуси. Т. 1997
8. Йомонназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т., «Шарқ», 1998
9. Зиёмухамедов Б. Маънавият асослари. Т., 2000
10. Бекмуродов М. Ташкилот маданияти ва раҳбар маънавияти. Т., 2001
11. Қерабоев У. Ўзбек ҳалқи байрамлари. Т., «Шарқ», 2002

### **III. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ УСЛУБИЁТИ**

#### **3.1. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ СОХА ХОДИМИ ФАОЛИЯТИ.**

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш сиёсати маданий курилишда муҳим таянч ҳисобланади. У республикамизда маънавий ҳаётни янгилаш масалалари билан боғлиқ бўлиб, миллий маданиятни

ривожлантириш, тиклаш сохаси ходимларини тайёрлашни тақазо этади.

Республикамиз маданий хаётида иқтисодий, ижтимоий, сийсий, маънавий, хукуқий ўзгаришларюз бераётганлиги маданий-маърифий фаолиятга бўлган талаб ва эҳтиёжли янада ошириди.

Маданий-маърифий соха ходимининг фаолияти инсон фаолиятининг барча сохалари сингари ўз хусусиятларига эга. Унинг энг биринчи хусусияти маданий-маърифий фаолиятнинг хаёт билан, мустақиллик даври вазифалари билан узвий бўғланганлигидадир.

Маданий-маърифий соха ходими фаолиятининг хаётдан, унинг муаммоларидан, кишиларнинг эҳтиёжларидан ажralиб қолиши, уларни мухим маърифатчиларга қуруқ сафсатабозларга айлантириб қўяди.

Маданий-маърифий соха ходими фаолиятининг яла бир мухим хусусияти шундан иборатки, у мунтазам изланишларини, ишга хамма вақт ижодий ёндошишни талаб қиласди. Мустақилликни қўлга киритган Республикализ жаҳон хамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб, тобора ривожланиб бормокда.

Республикамизда содир бўлаётган ўзгаришлар натижасида кишиларимизнинг маънавий-маданий эҳтиёжлари кундан кунга ўсиб, ўзгариб бормокда, ахлоқий қиёфаси ва феъл-атворида хам ўзгаришлар рўй бермокда. Бундай шароитда маданий-маърифий иҳларнинг шуролар даврида мақбул бўлган шакл ва усуллари бугунги кунда эскириб, талабга жавоб бермаяпти. Мустақиллик шароити кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, унга ғоявий тэъсир этишнинг янада янги, самарали усул ва воситаларини қўллашни талаб қилмоқда. Бу эса маданий-маърифий ишларнинг мазмунини такомиллаштириб, янгилаб боришни тақазо этади.

Маданий-маърифий фаолият педагогик фаолиятнинг бошқа турларидан ўзининг мазмунен мураккаблиги, кўп қирралилиги, шаклан хилма-хиллиги, иш шаклларининг ўзига хос тарзда бир-бирига чатишиб кетганлиги билан фарқ қиласди.

Маданий-маърифий соҳа ходими фаолияти тарбиявий фаолият хам хисобланади, лекин у тарбиявий ишларни мактаб ва ўкув юртлари педагогик жамоаларида бўлганидек бир хил ёшдаги, бир хил тайёргарликка эга бўлган ўкувчилар ёки талабалар билан эмас, балки ёши, касби, билим даражаси, қизакиши ва эҳтиёжлари турлича бўлган кишилар орасида олиб боради. ўкув юртларида тарбия жараёни мажбурий машғулотлар орқали амалга оширилса, маданий-маърифий соҳа ходимлари кишиларнинг бўш вактини мазмунли ўюнтириш, маънавий эҳтиёжларини қондириш, кобилият ва истеъоддларини ривожлантириш мақсадида маданий-маърифий муассасаларда ташкил этиладиган хилма-хил оммавий тадбирлар ўтказиш йўли билан хал қиласдилар.

Маданий-маърифий соҳа ходими фаолиятининг яна бир хусусияти маданий-маърифий тадбирларда кишиларнинг акл-идроқи билан бирга уларнинг хиссиётига хам таъсир кўрсатиш лозим. Маданий-маърифий муассасаларда ўтказиладиган хар бир тадбир чукур мазмунли, юксак даражада гоявий бўлибгина колмай, қизиқарли, жозибали, одамларни мафтун этадиган хам бўлиши керак жонсиз, қуруқ ўқилган маъруза, пухта тайёрланмай кўрсатилган концерт, баҳс-мунозара кечаси ёки бошқа тадбирлар қатнашчиларни қизиқтирмайди, боскор ўтказган вакт учун ачиниш хиссини, уйғотади.

Маданий-маърифий соҳа ходимининг касбий (профессионал) фаолияти ўз моҳияти билан тарбиявий иш эканлигини биз юкорида таъкидлаган эдик. Унинг асосий вазифаси хар томонлама камол топган шахсни шакллантиришдан иборатдир. У кишиларнинг маданий дам олиш, ўз маънавий эҳтиёжларини

коңдириш, истесъод ва қобилиятларини ўстиришга қаратилган ижтимоий-фойдали фаолиятни уюштирувчидир. Маданий-маърифий соҳа ходими омманинг педагог-тарбиячиси, улар орасида ўтказиладиган ижтимоий-фойдали ишларнинг ташаббускори, хаваскорлик жамоаларининг раҳбаридир.

Маданий-маърифий соҳа ходими фаолиятининг бундай кўп кирралилиги маданий-маърифий соҳа ходими шахсиятига, унинг ахлокий қиёфасига юксак талаблар қўяди.

Мустақил давлатимиз маданий-маърифий соҳа ходими чукур гоявий-назарий ва қасбий тайёргарликкаэга бўлиши, ўз қасбига меҳр-мухаббатли, садоқатли бўлиши керак. ўз қасбига содиклик, хушёрлик, ишда катыйлик, ўзига талабчачлик, ишда катыйлик, ўзига талабчанлик маданий-маърифий соҳа ходимининг асосий хислатларидаидир. Шунингдек, ишга ижодий ёндошиш, ташаббускорлик, янгиликка интилиш хислатлар хам хос бўлиши керак. Буларсиз у маданий-маърифий ишларнинг мазмуни, шакл ва усусларини тўхтөвсиз тақомиллаштириб боришдек муҳим вазифани мувоффакиятли бажара олмайди.

Кишилар билан ва кишилар учун ишлашга даъват этилган маданий-маърифий ходимининг қиёфасини ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ахлокий сифатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки маданият уйидаги ҳар бир оммавий тадбир, тўғарак машғулотлари кишиларни ўз она юртига, ҳалқига чукур меҳр-мухаббат туйғуларини шакллантиришга, ватанпарварлик хиссини мустаҳкамлашга ёрдам бериш керак. Бу эса маданий-маърифий соҳа ходимининг ўзида ватанпарварлик туйғулари қанчалик чукур ва мустаҳкам ўрин олганлигига, ўтказиладиган тадбирлар мазмунини ягона мақсадга йўналтира билишига боғлиқ.

Ҳаётда синовдан ўтган бир нақл бор: «Бошқаларни тарбиялайдиган кишининг ўзи яхши тарбияланган бўлиши керак». маданий-маърифий соҳа

ходими фаолиятига бўлган талабалар мана шу педагогик хақиқатдан келиб чикади.

Билимлар тарғиботчиси, омманинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга мутасадди бўлган маданий-маърифий соҳа ходими юксак даражадаги дунёқараш маданиятини, яъни ижтимоий-сиёсий, иктиносидий ва фалсафий билимлар мажмунини эгаллаган бўлиши керак. чунки маданий-маърифий соҳа ходимининг онг-бўлим даражаси у иш олиб бораётган кишилар билимидан, савиясидан юхори бўлиши керак.

Маданий-маърифий соҳа ходими учун энг зарур билим гармоқларидан бири-бу педагогик билимлар хисобланади. Педагогика маданий-маърифий соҳа ходимига олиб бориладиган ишларнинг мазмуни ва моҳиятини чукур тушуниб олишда, кишиларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг янги-янги усулларини ўзлаштириб олиб, улардан оқилона фойдаланиш йўлтарини ўрганишда ёрдам беради. Педагогик одоби-ўзини жамоатчилик орсида қандай тутиши, қандай гапириш ва хоказоларни эгаллаб олиш, таълим-тарбия ишларини улдалай билиш ҳам талаб қилинади.

Маданий-маърифий соҳа ходими касбий маданиятининг яна бир муҳим кўрсаткини –бу психологияк (руҳиятшунослик) билимларидир. Руҳиятшунослик жараёнлари қонуниятларипи чуқур ўзлаштириб олиш, ишни уюштиришда маданий-маърифий муассасалардаги тарбиявий жараённи тўғри уюштириш ва унинг самараҳи бўлишини таъминлаш мумкин.

Маданий-маърифий ходимининг ташкилотчилик кобилияtlари куйидагиларки ўз ичига олади:

Коммуникатив ҳусусиятларни, яъни кишилар билан тезда тил топишишни улар билан алоқа боғлашни, бир-бирларини тезда тушунишни, жамоанинг ҳар бир аъзосининг имкониятларини, унинг ижтимоий тоғиширикни бажаришга лаёкатини тўғри аниклай олишини;

Вужудга келгаш вазиятни тез ва тўғри баҳолашпи, муайян холаіда тўғри йўл топиб, уни зудлик билан ишга сола билишни;

Ишга ижодий ёндошишни, тадбиркорликни янги, самаралироқ иш шакллари ва усулларини тезда тониб, маданий-маърифий иш амалиётига жорий қила билишни;

Ишни амалда ташкил этишни, мақсадга интилган холда тёз харакат қилишни, тонширилган ишнинг ижросини назорат кила ва текшира билишни

Хўрсатиб ўтилган фазилатларнинг кўпчилиги кишида болалик чогидан бошлиб ўкиш, айниқса жамоат ишларида қатнашиш жараёнида намоён бўлади ва ривожланиб боради. Махсус ўқув юрглари-коллеж ва институтларидаги таълим бу сифатларнинг янада ривож топишига ёрдам беради. Лекин маданий-маърифий соҳа ходимининг ташкилотчилик қобилиятларини ўстириш ва шакллантиришда унинг оммавий фаолияти хал қилувчи роль ўйнайди. Маданий-маърифий соҳа ходимининг ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришда ўз-ўзини тарбиялаш усуллари орқали маданий-маърифий соҳа ходими ўзида ишчанликни, бошланған ишни охирига етказа билишни эгаллаб олиши мумкин. ўз-ўзини тарбиялаш бошқа кўп ижобий сифатларни ўстиришга, салбий сифатлардан кутулишга ёрдам беради.

Маданий-маърифий соҳа ходими доимо кишилар билан алоқада бўлади. Маданий-маърифий муассага келувчиларнинг, ўзи билан бирга ишлайдиган камкасларињинг «диққат марказида» туради. Шунинг учун хам у хар бир ишда ибрат бўлишта иштилиши, одамларни ўз шахсий намунаси, юксак одоби, хулқи билан ишонтириши ва тарбиялаши керак.

Ибратли сифатларга эга бўлган маданий-маърифий ходимгина жамоа орасида обрў қозонади. Обрўнинг ўзи нима? Обрў - куч, хокимият, таъсир маъноларини билдириб, улар мажбур этишга эмас, балки шахс ёки жамоанинг

ахлоқий қадр-кимматини жамоатчилик томонидан ихтиёрий тан олишіга асосланған бұлади. Обрұннан даражаси маданият ходими билимларининг ўткирлиги, виждөннан ишлаши, ижтимоий-сиёсий активлиги, ахлоқий киёфаси билан белгиланади.

Маданий-маърифий соха ходими фаолиятини таъсирчинлігінің оширадыған омыллардан яна бири бу маданият ходимининг педагогик одобидір.

Маданий-маърифий ходимининг педагогик одоби-бу упннг майян вазиятда шахсга ёки жамоага тарбиявий таъсир этишининг мақсадға мувофиқ усууллари ва қўлларини танлай ва қўллай билдириш. Педагогик одоби амалий фаслиятда, кяшилар билан мулокотда бўлиш жараённда намоён бўлади ва мустахкамланади. Одобиликнинг ривожланиши маданий-маърифий ходимининг умумий маданияти, шахсий сифатларга боғлик бўлади.

Педагогик одоби аввало кишилар билан мумомалада, у билан самимий, ростгўй бўлишда намоён бўлади.

Ишдан бўш вақтда ўз билимларини бойитиш, кобиляйтларини ўстириш, маънавий эхтиёжларини кондириш учун маданий-маърифий муассасага келувчиларга меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатиш маданий-маърифий ходим педагогик одобининг мухим хусусиятларидир.

Педагогик одоби кишига хурмат билан карашни назарда тутади, лекин бу унга талабчан бўлишни истисно этмайди, адолатли талабчанлик хамма вақт тарбиячизини обрўйини кўтаради.

Эътибёр Билан караб, ўз дикқатини бошқа нарсаларга чалгитмасдан, уринсиз саволлар билан сухбатдошининг сўзини бўлмасдан, эшита билишилик хам маданий-маърифий соха ходимининг мухим хусусиятидир.

Юмор, қазил, асқия-булар сухбатдошга, тингловчиларга эмоционал таъсир этишининг кучли воситасидир.

## **Савол ва топшириклар**

1. Маданий-маъоифий соҳа ҳодими фаолиятининг ўзига хос ҳусусиятлари нималардан иборат?
2. Мустакиллик шароитида маданий-маърифий соҳа ҳодимига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
3. Маданий-маърифий муассаса ҳодимининг педагогик одоби ва ташкилотчилик қобилияtlари деганда нималарни тушунасиз?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккӣётлафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997
2. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т., «Ўзбекистон», 2001
3. Каримов И. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». «Ўзбекистон овози», 2005 йил 21 июнь
4. Т. Кўзиев «Ҳалқ донишмандлиги ва соғлом фикр экстремистик жаҳолатга қарши» «Ўзбекистон овози» 2005 йил 24 май
5. Бекмуродов М. «Ташкилот маданияти ва раҳбар маънавияти». Т., 2001
6. Отамуродов С. Маънавият асослари Т., 2002
7. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари Т., «Шарқ», 2002

### **3.2. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ ВОСИТАЛАРИ.**

Маданий-маърифий фаолиятнинг гоявий эмоционал воситаларсиз тасавзур қилиб бўлмайди. Махсус материалларсиз уй қуриб бўлмаганидек, воситаларисиз маъданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиб бўлмайди.

Воситалар тадбирнинг таркибий қисми, асосий механизмлари сифатида хизмат қилади.

Восита деганда, кишиларнинг хиссиятига, психологиясига ва онгига таъсир этувчи ва билим олиш, самарадорлигини оширувчи гоявий-хиссий куролларни тушунамиз.

Маданий-маърифий фаолиятда кўлланиладиган воситаларнинг диапозони жуда кенг ўва уларнинг сони кўпдир. Маъданий-маърифий тадбирларда жонли сўз, матбуот, кўргазмали куроллар, адабиёт ва санъат, ҳар хил техник аппаратлар каби воситаларда кенг фойдаланамиз.

**ЖОНЛИ СЎЗ.** Асосий таъсирчан воситалардан бири- бу жонли сўздир. (Баъзи холларда «оғзаки сўз» деб хам юритилади). Жонли сўз маъданий-маърифий шаклларнинг хаммасида энг асосий восита сифатида кўлланилади. Маданий-маърифий тадбирларда жонли сўз факатгина мазмунни ёртишда хизмат килмасдан балки тадбир сюжети билан оммавий холатларни хам бир-бирига уйгунлаштириб боради. Айни жонли сўз воеа маъносини томошабинга етказади, бир эпизодни 2-га болгайди, бошқарувчининг аудитория билан мулокотда бўлиши учун шаройт яратади. Жонли сўзининг яна бир афзаллик томони шундаки, баъзан фикрини хеч кандай таъсирчан восита томошабинга етказиб бера олмайдиган дақиқаларда жонли сўз ёрдамига келади.

Оммавий тадбирларда бошқарувчи сўзи асосий ўриннни эгаллади, баъзи холларда эса у кеганинг бошидан то охиригача етакчи восита сифатида кўлланилади. У кириш сўзи (монолог) шаклида ёки мукаддима сифатида яхши хизмат қилиши мумкин. Тадбир давомида эса бошқарувчи, шархловчи, хикоячи ёки интервьюс берувчи айланниб, жонли сўздан фойдаланиш. Тадбирларда жонли сўздан фойдаланиш имкониятлари жуда кўп.

Жоғоли сұз бошқаруvinning гапидан ташқари, тадбир қаҳромонининг нүтқи әки ундағы қатнашчанинг сұзи, кечә қаҳрамонига аталған табрік, мәхнат ветеранлари, уруп интироқчиларининг сұзи бўлиши мумкин.

**БАДИЙ СҰЗ** - гайтілмоқчи бўлган фикрни бадий-эмоционал тарзда етказиб беришга хизмат қиласди. Маланий-маърифий фаолият шаклларида бадий сұзкінг шеър ўқиши, прозаик ва шеърий монологлар, жуфт ёки кўпчилик томонидан ўқиладиган шеърлар каби турлардан кенг фойдаланилади.

Бадий сұз бошқа материаллар билан бир вақтда ижро этилиши мумкин. Масалан, шеър ўқилалаётган бир вақтда шеърнинг маъносига мос келадиган кино парчалари кўрсатилиши мумкин.

Бадий сұзни вужудга келтириш учун бадий асарларда келтиришнинг ўзи камлік қиласди. Ёзма шеър-ёзма бадий сұздир. Уни жонли бадий сұзга айлантириб, ижро этиш учун ижрочининг шеърдаги фикрини муносабатта, рухий кечинмалари, хис-хаяжонли талаб қиласди. Акс холда шеърнин өддий, жонли сұздан фарқи колмайди. Яна шуну унутмаслик керакки, чукур англаш, фикрнинг туб мазмунига етиб хисқаяжон билан айтилган хар бир жонли сұз бадий сұзга айланып кетиши мумкин. Агар «1941» ёки «1991» деган иборани шундай айтиб ўтсак, у қуруқ рақамнинг ўзи бўлиб қолади. Лекин кўз олдимизга урушнинг бошланишини келтириб, даҳшатли воқеаларни хис қилиб, маңтиқ талаб қиласдиган дамлғайтда, маъноли «минг... тўққиз юз.... кирқ бир...» десак бу сұз бадий- эмоционал таъсир этади. Шундай қилиб, оддий сұз бадий сұзга айланып кетиши учун ундағы фикрий мантиқ хис қилиниб, ижро этилиши керак.

**МАТБУОТ ВОСИТАЛАРИ.** Маълумки, маъданий-маърифий тадбирларга ахоли янги, уларга хали маълум бўлмаган ва қизикарли воқеалардан хабардор бўлгани учун келади. Бу ишда матбуот воситалари, яъни

жнги газета, журналлар, айниқса китоблар битмас туганмас манба бўлиши мумкин.

Матбуот энг асосий ахборот тарқатувчи ва сакловчи воситадир. Шундай экан тадбир тайёрловчилар тадбирнинг мазмунини бойитиш учун улаэга хар доим мурожаат қилмоғи лозим. Тадбирларда кўпроқ томошабинларнинг назарига тушмаган материаллардан фойдаланишга харакат килиш керак.

**МУСИКА.** Маданий-маърифий тадбирларда мусика стакчи ўринларда бирини эгаллайди. Тадбирларда мусикадан 2 хил вариантларда фойдаланиш мумкин.

1. Тадбирнинг алоҳида номери сифатида:

2. Тадбирларда акс этилаётган воқеаларнинг таъсирини ошириш учун кўшимча восита (музыкавий фон) сифатида, 1-вариантда бадиий хаваскорлик жамоаларининг тайёр ёки маҳсус тайёрланган номеридан фойдаланилади. Бундай пайдага номер тадбир мазмуни ва мавзуига мос равиша эпизоднинг таркибий қисмига айланаб кетмоғи керак. Масалан, хотин-кизлар байрамига бағишиланган тадбирларда оналарга бағишиланган. «Онажонлар, ассалом» қўшиғи ижро этилади. Бу кўпик алоҳида номер сифатида берилади. Мусикадан фойдаланишинг бу варианти тадбирларда жуда кенг кўлланилиб, шеър ўқилаётганда хам, кино лавхалар кўрсатилаётган хам драмматик парчалар кўрсатилаётганда хам бу воситаларнинг таъсирчанлигини ошириш магсадида хизмат қиласи.

Мусика, асосан тадбир таъсирини кучайтирувчи восита сифатида хам ишлатилиб, айтилаётган фикрнинг нозик кечинмаларини оммага етказиб беришга хизмат қиласи.

**ДРАММАТИК ПАРЧАЛАР.** Санъатнинг бу тури бошқа бадиий асарлардан фарқ қилиб, унда ғоялар кураши, қарама-карши кучлар тўклишуви,

конфликтлар ёрқинрок, ойдирок ёритилади. Шунинг учун театрлаштирилган тадбирларда мазмун ривожига караб, драмматик парчалардан кейнг фойдаланилади.

Тадбирларда драмматик парчалардан фойдаланишининг 2 хил усули бор:

1. Тэйёр асарлардан олинган парчалар
2. Сценаристнинг ўзи тадбир учун маҳсус ёзган драмматик эпизодлар.

Театрлантиришида фақаттана пъссалардан парчалар олиниши билан кифоланиб қолмасдан, кеча йўналишига караб, бадий адабиётлардан хам парчалар олиниши мумкин.

Драмматик парчалардан фойдаланишининг 2-усули хам кейинги пайтда кеңг қўлланилмоқда. Тадбирнинг асосий вазифаларидан бири маҳаллий воқеаларни акс эттириш бўлгани учун, сценарий муаллифлари жойларда бўлган воқеаларни кичик драмматик лавҳа шаклига келтириб, ундан самарали фойдаланмоқда.

Тажрибада шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ ахолисида маданий-маърифий тадбирларга бўлган кизиқишнинг сабабларидан бири бу маҳаллий фактларни, воқеаларни инсценировка шаклида кўрсатишdir. Айниқса маҳаллий воқеалар асосида ёзилган интермедиялар ахолига манзур бўлмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, барча сахна асарларидан, пъсалардан олинган драмматик парчалар ёки бадий адабиётлар асосида қилинган кичик инсценировкалар ёки маҳсус сценарий учун ёзилган лавхалардан фойдалаништадир мазмунининг ривожига ёрдам бермоғи керак.

**КИНОЛАВХА-** бадий ёки хужжатли фильмлардан олиниб, тадбир ташкилотчиларига кенг имкониятлар яратади.

Кинонинг «сехрли кучи» шундан иборатки, у бўлиб ўтган воқеаларни хаққиний тасвирлайди ва жонли акс эттиради. У тарихий воқеаларнинг гувоҳи

сифатида хизмат килади. Улардан фойдаланиш тадбирларнинг мазмунини бойитади, воқеаликнинг хаққоний образини кўргазмали гавдалагтиради. Асосан, кинолавҳалардан фойдаланиш тадбир сценарийси ёзилётганда ривожлантирилди ва ташланади. Кўлгина тадбирларда фильмлардан олинган лавҳаларнинг ўзи яхлит бир эпизодни ташкил қилиши мумкин. Баъзида кинолавҳала ё бошқа воситалар, яъни жонли ва бадиий сўз, кўшиклар билан параллел акс эттирилади.

**ТЕХНИК ВОСИТАЛАР.** Хозирги кунда маданий-маърифий ишларни, жумладан маданий-маърифий тадбирларни техник воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки тадбир маҳсус нур билан безатилмаса, ташкил қилинаётган тадбир шакли кўримсиз ва камбағал бўлиб қолади.

Техник воситаларкінг яна бир вазифаси саҳнага хар хил ранглар бериш, проекцион тасвирлар тушириб, тадбирни гўзаллаштириш ва бадиий-гояфий безашдан иборатдир.

Маданий-маърифий тадбирларда фойдаланиладиган техник воситалар, асосан, 2 гурухга бўлинади:

1. Нурли-проекцион аппаратлар
2. Овозли техник воситалар

Нурли-проекцион аппаратлар томошибинларнинг кайфиятини кўтаришда ,уларнинг дикқатини тадбир воқеаларининг керакли томонига жалб килишида муҳим роль ўйнайди. Проекцион аппаратлар ёрдамида саҳнанинг тўрига, яъни экранга ҳоҳлаган кагталикда тасвир тушириш мумкин. Овозли техник воситаларга овозларни ёзадиган ва таркатадиган аппаратлар, яъни магнитафон, диктафон, радио, аудио, видео аппаратуралар, микрофон ва овоз кучайтиргичлар киради. Улар керакли овозларни, шовқин-суронларни, мусика, ашбула ва нуткларни олдиндан ёзиб олиб, уларни тадбирда эшиттириш учун яхши имкиниятлар яратиб беради.

**КҮРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР.** Тадбирларда күргазмали воситалардан фойдаланиши ўзига хос хусусиятларга эга. У тадбир мазмунининг яхшироқ ёрдигишига ёрдам беради, томошабиннинг кайфиятини кўтаради ва таассуротларни бойитади. Кўргазмали воситалардан маданий-маърифий тадбирларнинг барчасида фойдаланилади.

Томошабиннинг бўлажак тадбир билан илк бор таништирувчи кўргазмали восита-бу афишалар ва таклифномалардир. Эълонларда факат тадбир бўлиши ҳақидаги хабарнинг ўзинигина ёзик кўйиш кифоя қилмайди, балки унинг тузилишига караб, кўргазмали безаш хам лозим, шеърлар ёзиш мумкин. Бу томошабиннинг тадбирга қизиқишини оширади. Кўргазмалар тадбир мазмунига тўгри келиши керак.

Скоридагилардан ташқари яна маданий-маърифий фаолият тадбирларида халқ ижодидан хам фойдаланилади.

Халқ ижоди меҳнаткаш халқ оммаси томонидан яратилиб, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб тобора тақомиллаштириб, сайқал топиб тарақкий этган ижод маҳсулидир. Унда халкнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий ва майший ҳаёти, турмуши, табиат ҳақидаги тушунчалари, маданияти, эзтиқоди, орзу-истаклари, хис-туйгулари ва тафаккурининг бойолами, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўйлари ўз ифодасини топади.

Ўзаро чамбарсас боғлиқ бўлган халқ ижодини мутахассислар шартли равишда қуидаги турларга бўладилар:

- 1). Халқ оғзаки ижоди;
- 2). Халқ мусикаси, фольклор мусикаси;
- 3). Халқ рақс санъати;
- 4). Халқ театри;

Маданий-маърифий тадбирларда халқ оғзаки ижоди жанрларида фойдаланиш муҳим ахамиятга эаг. Сценарийларда «сўз кўрки-мақол» дан, халқ

денишманларни хисобланган ағсона ва ривојтлардан фойдаланиш тадбир «тили» ни бекитади, таъсирчанлигини оширади.

Латифа, лоғ, асқия тадбирларнинг қизиқарлилигини оширади, мазмунити мустахкамлайди, томошибинларни активлаштиради. Топишмоқлар тадбир ижрочилари билан аудитория ўртасида «жонли» алоқа ўрнатишга яхши имконият беради. Айниқса болалар учун тайёрланган тадбирларда эркак ва достонлар қаҳрамонлари уларни гоявий-эстетик тарбиялашда мухим роль бажаради. Масатен, Алномиш, Гўрғли, Зумрад, Кенжа ботир...

Халқ мусиқа фольклори-истеъоддли халқ ижрочилари-созанда, хофиз ошиқ, оқин, баҳши, ҳалфалар томонидан кӯшиклари мухим ўрин тутади. Инсон ҳәётининг бошланишидан то сўнгти хотимасигача бўладиган ҳар бир маросим, тўй байрам ва бошқа воқеаларда ижро этиладиган кӯшиклар мавжуд. Жумладан, бўла туғилиши, тарбияланиши, илк бор сочини олдириши, тиши чикиши биринчи мустакил қадам ташлаши маросимга багишлиланган кӯшиклар, никоҳ тўйларида айтиладиган ёр-ёр. Лапар, ўланлар, мотам маросимларида айтиладиган марсия, йиғик йўқлов каби аза кӯшиклар оиласиий тадбирларнинг мухим ҳалқининг табиват ва меҳнат байрамлари ҳам маҳсус ижро этиладиган кӯшикларсиз ўтмаган. Маданий-маърифий фаолият шаклларини тайёрлашда ҳар бир тадбирга мос ҳалқ кӯшикларини излаб топмок ва улардан самарали фойдаланиш мухим аҳамият кассб этади.

Ҳалқ рақс санъати-воқеаликни ҳаракатлар орқали тасвир этадиган ижод туридир. Ўзбек ҳалқида рақс санъати ашула ва мусиқа билан чамбарчас боғланиб кетган ва шу анъана хозиргача давом этмоқда. Ҳозирги кунда республикамиз бадиий ҳаваскорлик ижодининг энг ривожланган жанри-бу ашула ва рақс ансамблларидир. Ҳалқ рақс санъатидан восита сифатида маданий-маърифий тадбирларда фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Халқ театри санъати-асосан, сўз ва ҳаракат санъатидан ташкил топган. У қадимдан ўзида қўшик, мусиқа, қизиқчилик, акробатика, найрангбозлиқ, кўзбойлағичлик каби элементларни бирлаштирган. Дастилаби пайтларда у озчилик, дехқончиликда учрайдиган воқеаларни образли ҳаракатлар (ўйинлар) орқали тасвирлаш асосида вужудга келган ва халқ байрамлари маросимлазида ривожланиб, халқ театр санъати даражасига кутарилиган. Жамият тараққиёти давомида халқ театр санъати ижрочилари бир неча сокалар бўйича мутахассислаша боришган. Узбек анъанавий халқ театрининг куйидаги асосий турлари шаклланган:

1. Масхарабозлик ва қизиқчилик.
2. Дорбозлик, қайрангбозлик (цирк санъати).
3. Қўғирчосбозлик.

Кейинги вақтларда дарбозлик ва масхарабозлик санъатига кизиқиш ортиб бормоқда. Кўпроқ унга ёшлар жалб этилмоқда. Томоша репертуарларининг ранги-баранглиги, ижрочиларнинг маҳорати ортаётганлиги кувонарла холди.

### **Савол ва топшириклар**

8. Маданий-маърифий фаолият воситалари деганда нималарни тушунасиз?
9. Маданий-маърифий фаолият воситалари турлари нималардан иборат?
10. Ҳозирги кунда маданий-маърифий фаолиятда яна қандай воситалардан фойдаланиш мумкин?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. Узбекистон – буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Ватан разнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., «Ўзбекистон», 2001.

3. Саримсоков Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., «Фан», 1990.
4. Ҳолметова М. Симмавий муносабатлар маданийти ва соглом авлод тарбияси. Т., «Ўзбекистон», 2000.
5. Ахмедова З. Габидулин Р. Культрология. Т., 2001.
6. Қаррабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т., «Шарқ», 2002.

### **3.3. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ УСУЛЛАРИ.**

Маданий-маърифий фаолият кўп қиррали фаолият бўлгани учун унда жуда кўп усувлардан фойдаланилади.

Маданий-маърифий фаолият-бу тарбиявий, маърифий, ижодий ва дам олиш ишларининг ўзига хос бирлашуви натижасида вужудга келади. Шундай қилиб маданий-маърифий фаолиятда фойдаланадиган усувлар қуидагилар:

1. Тарбиявий усувлар.
2. Маърифий усувлар.
3. Ҳордик чиқариш ва ижодий жараённи ташкил қилиш усувлари (буни фаоллаштириш усули дейиш хам мумкин).
4. Ташкилий усувлар.

**I. ТАРБИЯВИЙ УСУЛЛАР** - Маданий-маърифий фаолият, энг аввало, тарбиявий жараён бўлгани учун уларда педагогикага оид тарбиявий усувлардан фойдаланиш конунийдир. Лекин бу уларни тўғридан-тўғри, кўр-кўронга қўллаш, деган гап эмас. Тарбиявий усул қуидаги турларга бўлинади: ишонтириш усули, намуна кўрсатиш, тақдирлаш, тандик қилиш усулилари.

**ИШОНТИРИШ УСУЛИ**нинг асосий вазифаси аудиторияга таъсир кўрсатишилар. Бунинг учун тадбирининг мазмунини ишонарли хакконий қилиб, тузиш керак. Омма ташкилотчиларининг фикрига қўшила олмаса, берилган маълумотларга ишонмаса, у холда тадбирнинг максади амалга ошмайди. Бунга

йўл кўймаслик учун тадбирда хаққоний, мантикли, ишонарли ва кизиқарли хужжатлардан манбаалардан фойдаланиш керак. Тадбир мазмуни ишонарли бўлгани учун уни умумийлаштирилган бадиий тўкима асосида вужудга келтириласдан, Балки реал хаётда бўлиб ўтаётган хаққоний ва хужжатли материаллар асосида тузиш лозим.

**НАМУНА УСУЛИ** орқали мустакил юртимизнинг энг яхши фазилатлари тараннум этилади. Яхши ўқиётган. Яхши ишлабтган намуна курсатётганлардан ўринак олишга ўндайди.

**ТАҚДИРЛАШ УСУЛИ-** маданий-маърифий тадбирларнинг асосий воситаларидан бири шундаки, улар кишиларни маънавий тақдирлайди. Масалан, тадбирларда ғолибларни фаҳрий ёрликлар, мактоб коғозлари, китоблар ва бошқа қимматбахо буюмлар билан манфаатдор бўлишга, яхширок ишлашга, ҳалқка ҳалол хизмат қилишга ўндайди.

**ТАНҚИД КИЛИШ УСУЛИ,** педагогикада бу усул жазолаш деб хам юритилади. Жазолаш усули мунтазам ишлайдиган жамоаларда: ишлаб чиқаришда, ўкуз юртларда қўлланилади. Маданий-маърифий тадбирлар вактинча йигилган аудитория бўлгачи учун унда танқид килиш усулидан ўзиган хос йўл билан фойдаланилади. Танқид объектига хайтнинг ривожига ҳалақит берувчи барча «Салбий қаҳрамонлар» кириши мумкин. Тадбирларда уларнинг сатира ва юмор орқали танқид килиниши уларнинг омма орасида фош этилиши, 1-дан, уларни ўзи хакида чукур ўйлашга олиб келади, 2-дан, кишилари бундайларга қарши курашишига ўндайди.

**II. МАЪРИФИЙ УСУЛЛАР**-Маданий-маърифий тадбирларнинг асосий вазифаларидан бири оммага янги ахборот ва билим беришдан иборатидир. Тадбирларда кенг қўлланилиши мумкин бўлган маърифий усуллар-бу баён этиш, ўрганиш ва намойиш килишдир.

**БАЁН ЭТИШ УСУЛИ**нинг асосий мақсади шундан иборатки, у тадбирнинг юқси, мазмуни, ахборот ва факторларни аудиторияга жонли сўз орқали баён қилиш шаклида етказиб беради. Оммавий тадбирлар таркибида кўпинча шундай фактлар ва маълумотлар бўладики, улар батафсил гушунтириши талеб қиласи. Худди шундай дақиқаларда баён этиш катта ёрдам беради. Бу усул ёрдамитда маълумотларнинг моҳияти очилади, хусусиятлари ёритилади ва тўлиқ билим берилади. Бу усул кўпроқ мавзули кечаларда кўпроқ кўлланилади.

**НАМОЙИШ ҚИЛИШ УСУЛИ** тадбир мазмунидаги воқеаларнинг образли тасвирини кўргамали шаклда аудиторияга етказишга ёрдам беради. Намойиш қилиш усули, асосан таъсирчан воситалар орқали бажарилиб, унда воқеалар ёки кечак қахрамонларининг хаётига оид маълумотлар хужожатли, реал акс эттирилади.

**ИЕ. ХОРДИҚ ЧИҚАРИШ ВА ИЖОДИЙ ЖАРАЁНГА КЎШИЛИШ, ЯЊИ ФАСЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ.** Маълумки, маданий-маърифий тадбирлар омманинг ишдан бўш, дам олиш вактида ижодий жараёнга кўшилиши натижасида вужудга келади.

Хордик чикариш ва ижодий жараёнга кўшилиш усулида оммани активлаштириш мушим ўрин эгаллайди. Бунинг учун тадбир қатнашчиларидан интервьюс олиш улар билан савол-жавоб уюштириш, баъзиларни сўзга чиқаориб, физрини билиш, викторина уюштириш кабиларни бажариш мумкин.

Баъзан саҳнавий ҳаракатларни зал, омма ичига кўчириш хам аудиторияни активлаштиришга кўмаклашади. Оммани тадбир қатнашчисига айлантириш учун бошқа барча усуллардан самарали фойдаланиш билан бирга маҳсус ҳолатлардан фойдааниш кўзда тутилади. Масалан, аудитория ичидаги ашула айтиш, оммавий ракслар ташкил қилиш, халқ ўйинларидан фойдаланиш,

умумий қарорлар қабул қилиш за бошқа холатлар, сұзсиз аудиторияни талдир катнашысига айлантириб юборади.

**IV. ТАШКИЛИЙ УСУЛ** иллюстрациялаштириш ва театрлаштириш усуллари орқали амалта оширилади.

**ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАШТИРИШ УСУЛИ** - бу бошқарувчанинг сұз мазмунига ва мақсадига мос келадиган турли-туман бадий ва санъат воситаларидан фойдаланишдір. Бу усулда асосий ургу жонли сұзға уни күчайтириш за тұлдирим учук хизмат қиласы. Мусика, күшик, ракс шеър, монолог, кинолавхалардан илмострация сифатида фойдаланилади. Бу усул асосида тайёрланған тадбирларда күпинча ягона сюжет линияси булиши шарт эмас. Чунки тадбирдаги қисмлар бир-бирлари билан механик бирлашиб кетади.

Иллюстрациялаштириш усулида бошқарувчи маълум мавзуулар хакида сұз юритади, нутқининг мазмуни құргазмали ва жонли бүлгани учун баён этилған воеаларга оид кинолавхалар күрсатилади. Нутқ мазмуни тасвирий лавхалар билан бойигилади. Бу усул маданий-маърифий тадбирлардан мавзуули кечаларда, бадий композицияларда кенг құлланилади. Иллюстрациялаштириш усули орқали соф тарқибот-ташвиқот иш шакулари бадийлаштирилған тадбирға айланиб кетади.

**ТЕАТРЛАШТИРИШ УСУЛИ** - алохіда мақсадға қаратылған, бадий образлы ташқыл этилған, театр қонунлари асосида, драмматургия талабларига жавоб бері оладылған тадбирларда мұз ифодасини топади. Бунда тадбир жараённанда құлланиладын барча ғоявий эмоционал воситалар хамда оғзаки чиқишлиар комплекс тарзда бирлашади. Ва ягона сюжет тизимини вужудға келтиради.

Театрлаштириш усули алохіда мақсадға қаратылған, бадий образлы ташқыл этилған, театр конуниятлари асосида, драмматургия талабларига жавоб бері оладылған тадбирларда үз ифодасини топади. Бунда тадбир жараённанда

күлланилладиган барча ғоявий эмоционал воситалар хамда оғзаки чикишлар комплекс тарзда бирлашади ва ягона сюжет линиясини вужудга келтиради.

Театрлаштириш усулида күйидаги талабларга риоя қилиш керак:

1. Театрлаштирилган тадбирларда, энг аввало, ягона ғоявий-бадий сюжет ва композицион тұзилиш бўлиши керак. У композицион тузилиш-муқаддима, асосий воқеа, тўғун воқеалар ривожи, кульминация ва финал каби кисмлардан иборат бўлиши керак.

2. Театрлаштирилган тадбирда фойдалашадиган воситалар алоҳида ажралиб қолмасдан сюжетга сингиб кетиши, унинг ривожланишига ёрдам берилг лозим. Шунинг учун унда сюжет мазмунига қараб керакли таъсирили воситалар мағтиқан таңланади.

3. Театрлаштирилган тадбирларга реал қаҳрамон образли ёки бадий асарлардан олингтан образлар киритилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Театрлаштирилган шаклларда омма оддий томошабин эмас. Балки тадбир қатнашчисига кетиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, илмострациялаштириш усулини хам, театрлаштириш усулини хам шохлаган шаклга нисбатан ишлатиб бўлмайди. Хар бир усулнинг ўзи талаб қиласидиган тадбирлари бор. Масалан, илмострациялаштириш усулини оммавий байрамларга кўллаш яхши натижা бермайди, лекция ёки сухбатни театрлаштиришининг хожати бўлмаса керак. Шундан келиб чиқиб айтиш тумкинки, илмострациялаштириш усулидан ташкил ташкил ҳилиши осон, ҳар куни фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Театрлаштириш усулини буюк саналарга ва байрамларга бағишлиланган тадбирларда кўллаш лозим.

### Савол ва топшириклар

1. Маданий-маърифий фаолиятда қандай усуллардан фойдаланилади?

2. Маданий-мәдений фәoliяттүүсүларининг ўзаро бир-бири билан боғликлигини изохлаб беринг.
3. Театрлаштириш усулида қандай талабларга риоя қилиш керак?

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И. Ватан разнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И. «Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди ». «Ўзбекистон овози». 2005 й. 21 июнь
3. Ўзбек халқи поэтик ижоди. Т., 1990
4. Ватан гўйгуси. Т., 1997
5. Зиёмухамедов Б. Маънавият асослари. Т. 2000
6. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т., «Шарқ», 2002

## ҚИСҚАЧА АТАМАЛАР ЛҮГАТИ:

|                     |   |
|---------------------|---|
| <b>Авесто</b>       | - муқаддас диний китоб. Зардуст асари.  |
| <b>Анимизы</b>      | - пастинча "жон" ва "рух" дегани; "жон" ва "рух" ларга сиғиниш.   |
| <b>Азархурра</b>    | - оташпаастлар топинадиган муқаддас слов, ўт.   |
| <b>Азата</b>        | - эркин шахс; озод маъносида. "Авесто"га кўра, ўша замон жамоасининг аъзолари асосан "азата" лардан ташкил топган.  |
| <b>Амир</b>         | - фармон берувчи, бошлиқ, кўшин бошлиғи, саркарда, ҳукмдор.   |
| <b>Амирлик</b>      | - мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқарилган мамлакат ёки вилоят.   |
| <b>Археолог</b>     | - археология мутахассиси, археолог олим.  |
| <b>Археология</b>   | - қадимдан қолган, қадимий ёдгорликлар ҳақидаги тушунча; қадимги замонлар ҳақидаги фан.   |
| <b>Ахриман</b>      | - Зардустийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва қабиҳликлар тангриси.   |
| <b>Ахурамазда</b>   | - зардустий ва маздакларда олий тангри, ёруғлик, фаровонлик, сиҳат-салсматлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.  |
| <b>Бадавий</b>      | - ёввойи, кўпол, дағал, даштлик – чўл одами, кўчманчи; араб кўчманчилари  |
| <b>Жамоа</b>        | - кишилар бирлашмалари шаклларидан бири; асосан ибтидоий жамоа тузуми даврига хосdir.   |
| <b>Жарчи</b>        | - феодализм даврида ҳукмдорнинг халққа қарата чиқарган фармони, айрим шахсларни тақдирлаш ёки жазолаш ҳақидаги хабарни ва шу каби хабарларни бозор майдони ва жамоат тўпланган бошқа ерда баланд овоз билан эълон қиласиган шахс. |
| <b>Жомеъ масjid</b> | - жума кунлари жамоат номози ўқиладиган катта масjid.   |
| <b>Жузъя</b>        | - ислом дини қоидасига кўра ғайридинлардан  |

|                          |   |
|--------------------------|---|
| <b>Закот</b>             | - олинадиган солиқ.<br>- тозаланиш.1.Мусулмон мамлакатларида ахрли умумий бойлигичининг 1/40 микдорида ҳар йили олинадиган диний солиқ; 2 Мусулмонларда "Тозаловчи" диний солиқ бўлиб, бу ҳақда "Куръон"да оят бор. |
| <b>Зардуштийлик</b>      | - милоддан аввалги VII асрда Марказий Осиё,Озарбайжон ва эрон халқларининг қадимиий оташпаратлик дини. Унинг номи шу динга асос соглан пайғамбар Зардуст ёки Зардуст номи билан боғлиқ (юнонча – зороастр).         |
| <b>Зиндон</b>            | - қоронгилик,ўтмишда ер остидаги қамоқхона,ертўла.  |
| <b>Зулқарнайн</b>        | - Искандарнинг лақаби,икки шохли маъносида  |
| <b>Ислоҳот</b>           | - тубдан ўзгартириш; қайта тузиш,яхшилаш  |
| <b>Каъба</b>             | - Каъбатулло; мусулмонларнинг Макка шахридаги ибодатхонаси.   |
| <b>Кош</b>               | - сирли пишиқ ғишт.   |
| <b>Куфр</b>              | - испомни танимаслик,кофирлик,ғайридинлик.  |
| <b>Кўрагон (мўтулча)</b> | - хон күёви.  |
| <b>Кўшк</b>              | - истеҳқомли баланд кўргон.   |
| <b>Лавҳ</b>              | - ёзув таҳтаси,ёзув курсичаси.  |
| <b>Мадраса</b>           | - олий илмгоҳ .   |
| <b>Мажус</b>             | - оташпарат.  |
| <b>Мажусий</b>           | - оташпаратлик диндори.   |
| <b>Магия(афсун,жоду)</b> | - инсон,ҳайвон,табиат ҳодисалари ва ҳаётий воқеаларга ғайритабии таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган сўз,ибора,ҳатти-ҳаракатлар йигиндиси.   |
| <b>Матриарха</b>         | - она уруғи.  |
| <b>Мирриҳ</b>            | - уруш жанг ва ғалаба тангриси.   |
| <b>Мовароуннаҳр</b>      | - VII асрдан бошлаб Икки дарё оралиги; Оврупача таржимаси Трансоксиана (Аму-Окс) орқаси.  |
| <b>Мударрис</b>          | - мусулмон мамлакатларидағи мадрасаларнинг ўқитувчisi,профессор.  |
| <b>Муэид</b>             | - 1. Талаб этувчи,истовчи,эрғашувчи.<br>2. Бирор шайхга эргашувчи,эшон (пир)га қўл  |

|                    |  |
|--------------------|--|
|                    | берувчи.   |
| Муридизм           | - сүфизм маслақдоши.   |
| Мұғтый             | - мусулмандарда екінші олимни,Куръонни шархлөбчи,фатво берувчи,шариат ҳукмини баён этувчи,қонуншунос,рухонийлар бошлиғи.   |
| Наврӯз             | - Қүёш йили ҳисобида Янги йил куни,баҳорги кечә-күндүз бараварлашадиган күн.   |
| Нозил              | - түшган, осмондан инган.  |
| Остадон (ассуарий) | - сопол тобутча  |
| Оташпаратлар       | - ўтга сажда қылувчилар,топинувчилар; Мажусийлик.  |
| Палеолит           | - эң қадимги тош асри.   |
| Патриархат         | - ота уруғи.   |
| Пахлавий           | - III-VII асрлардаги форс адабий тили.   |
| Политеизм          | - түрли ибтидои түшүнчалар ва эътиқодлар билан бөглиқ бўлган диний эътиқод; политеистик эътиқод бўйича,борлиқдаги барча ҳодисаларнинг ўз эгаси(тангриси) бор деб қаралган. |
| Рабст              | - шаҳар атрофи,карвонсарой,савдо жойи,шаҳристон.   |
| Рамазон            | - рўза, мусулмон Ой календарининг тўққизинчи ойи; Ислом дини ривоятларига кўра шу ойда Қуръони Карим Оллоҳу таоло томонидан Ерга юборилган.                                |
| Расул              | - элчи,пайғамбар .   |
| Регистон           | - қум тўшалган майдон,саҳн.  |
| Риёзиёт            | - математика.  |
| Соҳибқирон         | - жаҳон эгаси.   |
| Суннийлар          | - сунний мазҳабидагилар, суннатга амал қылувчи мусулмонлар.  |
| Тотем              | - уруғ ёки қабила ибтидоси,уруг асосчиси,аждод,уруг жамоалари топинадиган ҳайвон,ўсимлик ёки жисм.   |
| Тотемизм           | - тотемларга сиғиниш.  |
| Уламо              | - слимлар,мусулмон давлатларида қозилар;мусулмон рухонийларининг юқори табақаси.   |
| Улус               | - эл,халқ,қабила.  |
| Уммат              | - бир типда сўзлашувчи кишилар,бир   |

**Устурлоб  
Фетиши**

пайғамбарга тобе инсонлар.  
- астрономия асбоби, астрология.  
- португалия “фетиши” сөхрәттегиң  
буюм тумор.

**Фетишизм**

- энг қадимий диний тасаввурлардан  
бири; фетишиларга сиғиниш

**Фикъх  
Халифа**

- диний ҳуқуқ илми.  
- ўринбосар, хулафо – халифалар.

**Халифалик**

- халифа ҳокимиияти.

**Хаттот**

- китоб ва рисолалар кўчирувчи котиб.

**Шариат**

- Куръони каримда баён қилинган ислом  
динининг ҳуқуқий ва урф-одат қоидалари.

**Этногенез**

- ҳалқ ва элатнинг келиб чиқиши.

**Куръон**

- ислом динининг муқаддас китоби.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан,сркни ва фарони ҳаёт широрард мақсадимиз. Т., “Ўзбекистон”,1994.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,берқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т., “Ўзбекистон”,1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон – буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”,1998.
4. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.Т., “Ўзбекистон”,1998.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.Т., “Ўзбекистон”,1998.
6. Каримов И.А. Миллӣ мағкура ҳақида. Т., “Ўзбекистон”,2000.
7. Каримов И.А. Ватан равнани учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., “Ўзбекистон”,2001.
8. Каримов И.А. “Бизни танлаган йўлинидан ҳеч ким қайтара олмайди” “Ўзбекистон овози”,2005 йил 24 май.
9. Каримов И.А. “Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди”, “Халқ сўзи” 2005 йил 26 май.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992-93 йилларда қабул қилиган Фармонлари.
11. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида конун. “Ўзбекистон овози” газетаси,1992
12. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуматининг карорлари тўплами,.1995 йил,4-сон,15-модда.
13. Ўзбек ҳалқ поэтик ижоди. Т.,1990.
14. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., “Фан”, 1990.
15. Бойназаров Ф Ўрта Осиёнинг антик даври.Т., “Ўқитувчи”,1991
16. История и культура народов Средней Азии.М.,1991
17. Ўзбекистон тарихи ва маданияти.Т., “Ўзбекистон”,1992.
18. Маврулов А. Маънавий согломлаштириш даври.Т., “Ўзбекистон”,1992
19. Ибн Арабиҳоҳ Амир Темур тарихи. Т., “Мехнат”,1992
20. Искандаров Б. Ўрта Осиё фалсафий ва ижтимоий –сиёсий фикрининг шаклланishi ва ривожланиши тарихидан лавхалар.Т., “Ўзбекистон”,1993
21. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., “Фан”, 1993
22. Қиличев Т. Кўхна қалъалар диёри.Т., “Ўқитувчи”,1993.
23. Йўлдошев Ж. Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёти йўлида. Т., “Ўқитувчи”,1994
24. Жабборов И. Ўзбек ҳалқи этнографияси.Т., “Ўқитувчи”,1994
25. Қосимов Б. Истиқлол фидойилари . Маслакдошлар. Т., “Шарқ”,1994
26. Бекмуродов М. Мовароуннахрда жамоатчилик фикри тарихи. Т., “Фан”,1994

27. Миролимов Ш. Маҳалла меҳри. Т. “Наврӯз”, 1994.
28. Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. Т., “Мехнат”, 1995.
29. Низомиддин Шарқий Задорини Т. “Ўзбекистон”, 1996
30. Соатов Б., Ҳусанов А. Ибтидоий ва қадимги шарқ маданияти. 1996.
31. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т., “Ўқитувчи”, 1996
32. Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи. Т., “Ўқитувчи”, 1997
33. Ватан гүйгуси Т. Т., 1997
34. Тюриков В., Шоғуломов Р. Мустақил Ўзбекистон Республикаси: Унтуилмас воеалар ва саналар (1991-1996).- Т., “Ўзбекистон”
35. Йомонназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т., “Шарқ”, 1998
36. Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. Т. “Ўзбекистон”, 1999
37. Эргашев Й. Ёшларнинг маънавий тарбияси. Т., 1999
38. Фозиев Э.Ғ., Азизова Ш.В. Ташиклий психология Т. “Университет”, 1999
39. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т. “Шарқ”, 2000
40. Зиёмухamedов Б. Маънавият асослари. Т., 2000
41. Ҳолметова М. Оммавий муносабатлар маданияти ва соглом авлод тарбияси. Т., “Ўзбекистон”, 2000
42. Сайдқосимов С., Ахмедов А., Ахмедов Б. ва бошқ. Амир Темур жаҳон тарихида. Т. “Шарқ”, 2001
43. Истиқлон за таълим. Т. “Шарқ”, 2001.
44. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т., “Шарқ”, 2001.
45. Бекмуродов М. Ташиклий маданияти ва раҳбар маънавияти. Т. 2001
46. Ахмедова З., Габидулин Р. Культрология. Т. 2001
47. Корабоев У. Ўзбек ҳалки байрамлари. Т. “Шарқ”. 2002
48. Отамуродов С. Маънавият асослари. Т., 2002.
49. Бекмуродов М., Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. Т., “Адолат”, 2003.
50. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ Марказий Осиёда Ислом маданияти. Т. “Шарқ”, 2005

# МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| Кирил.....  | 3   |
| <b>I. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ ТАРИХИ.</b>  |     |
| 1.1. Ҳалимий дазрда маданий-маърифий фаолият, унинг шакллари в мазмуни .....                                  |     |
| 1.2. Ўрта асрларда маданий-маърифий фаолият .....   | 26  |
| 1.3. Кеч ўрта асрларда маданий-маърифий фаолият .....   | 51  |
| 1.4. Шўролар даврида маданий-маърифий фаолият .....   | 85  |
| 1.5. Мустақил Ўзбекистон Республикасида маданий-маърифий фаолиятнинг янгиланиши, ютуклари ва муаммолари ..... | 88  |
| <b>II. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ НАЗАРИЯСИ</b>   |     |
| 2.1. Маданий-маърифий фаолиятнинг илмий-назарий асослари .....  | 99  |
| 2.2. Маданий-маърифий фаолиятнинг тамоиллари, вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари .....                      | 110 |
| 2.3. Давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг маданий-маърифий фаслияти .....                                  | 115 |
| <b>III. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТ УСЛУБИЁТИ.</b>   |     |
| 3.1. Маданий-маърифий соҳа ходими фаолияти .....  | 132 |
| 3.2. Маданий-маърифий фаолият воситалари .....  | 14  |
| 3.3. Маданий-маърифий фаолият усувлари .....  | 14' |
| ҚИСҚАЧА АТАМАЛАР ЛУҒАТИ.....  | 15- |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....   | 15° |